



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ

П.ф.н. Олимов К.Т.

«КАСБ ТАЪЛИМИ УСЛУБИЁТИ»

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

«Психология ва педагогик
технологиялари» кафедраси

БУХОРО – 2006 й

Такризчилар:

Доц. Ахмеджанов М. - «Педагогика ва психология» кафедраси мудири

Ушбу маърузалар матни баён этилган.

Маърузалар матни «_____» факультетининг ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқилиб маъқулланди.

Баённома №_____, 200_ й.

Маърузалар матни БухООваЕСТИ нинг ўқув услубий кенгаши томонидан чоп этишга рухсат этилди.

Баённома №_____, _____, _____ й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.	4
1-боб. Касб таълимининг методологик асослари ва илмий тадқиқот методлари	
1.1. Касб таълимининг асосий тушунчалари	7
1.2. Касб таълимининг методологик асослари	12
1.3. Ўқув меъёрий ҳужжатлари	17
1.4. Касб таълимининг илмий тадқиқот методлари	23
2-боб. Касб таълими тамойиллари ва методлари.	
2.1. Касб таълими тамойиллари.	32
2.2. Касбий таълим методлари	41
2.3. Фаол ўқитиш методлари.	46
2.4. Ишлаб чиқариш таълим методлари	54
2.5. Таълим методларини танлаш	61
3-боб. Касб таълимини ташкил этиш ва ўтказиш.	
3.1. Касб таълимни ташкил этиш шакллари..	64
3.2. Ўқув устахоналарнинг жиҳозланиши.	68
3.3. Касб таълимида ўқув мақсадларини ва мазмунларини белгилаш.	74
3.4. Ўқув-дидактик материал ҳамда воситаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш.	77
3.5. Касб-ҳунар коллежларида махсус фанлардан назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш.	85
3.6. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш методлари.	99
3.7. Касб-ҳунар коллежларида мустақил ишларни ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш.	104
3.8. Касб-ҳунар коллежларида дарсларни таҳлил қилиш методлари.	111
3.9. Касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқариш таълимини ташкил этишнинг асосий шакллари.	121
4-боб. Касбий фаолиятни ташкил этиш.	
4.1. Тарбия - касбий фаолиятни ташкил этиш воситаси.	127
4.2. Ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда педагогик маҳорат.	137
4.3. Замонавий ишлаб чиқариш таълими устасининг фаолияти тўғрисида.	141
4.4. Талабаларни касбга йўналтириш.	145
4.5. Касб-ҳунар коллежларида илмий-услубий ишларни ташкил этиш методикаси.	150
Фойдаланилган адабиётлар ва илмий-услубий ишлар рўйхати.	157
Иловалар	152

*Дунёда илмдан бошқа
нажот йўқ ва бўлмагай.*

**Имом
Ал-БУХОРИЙ**

КИРИШ

Республика ҳукумати ва Президенти олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга, айниқса келажак авлодни миллий тикланиш мафкураси руҳида тарбиялашга жуда катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда таълим олаётган ёшлар Республикаимизнинг келажакдир. Бу шарафли вазифани бажариш ўқитувчилар зиммасига тушади. Шу сабабли юксак малакали ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилаяпти.

Президентимиз ўзининг "Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати" номли рисоласида шундай деб таъкидлайди: "Тарбиячи устоз бўлиши учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, аввало тарбиячиларнинг ўзи ана шундай талабларга жавоб бериши, ана шундай фазилатларга эга бўлиши керак". Бу тезис ўз навбатида ўқитувчи-тарбиячиларнинг юксак касбий ва шахсий фазилатлар эгаси бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи олдида қўйилган вазифалар ўта мураккаб, масъулиятли ва айни пайтда шарафлидир.

Ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган Ўзбекистонимиз, халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби таълим соҳасида ҳам илғор технологияларни жорий этиш ва шу орқали таълим мазмунини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирги пайтда олий таълим муассаларида ва касб-ҳунар коллежларида янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш ва замонавий ўқув услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш муоммоларига қаратилган бир неча диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида хорижий мамлакатларнинг касбий таълим

тажрибаларидан фойдаланилмоқда. Ушбу ишларни амалга ошириш таълим соҳасида халқимизнинг бой мероси, буюк мутафаккирларимизнинг ғоялари ва давримизнинг илғор янгиликларини ўзида мужассамлаштирган методик тизимнинг яратилишига асос бўлмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган асосий вазифалардан бири таълим тизимини замонавий ўқув адабиётлари ва янги педагогик технологиялар билан таъминлашдан иборатдир.

Ўқитиш жараёнининг вазифаси таълим, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлашни назарда тутди. Бироқ касбий таълим йўналишлари бўйича педагог кадрлар тайёрлашда таълим олувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш муаммоси бундан ҳам муҳимроқ. Бу хусусиятлар келажакда таълим олувчилар қобилиятини ривожлантиришга онгли равишда ўз касбларига қизиқиш ва масъулиятни ошишига ёрдам беради. Ўқитиш жараёнида таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ошириш муаммоси мураккаб ва кўп қиррали. Шунинг учун таълим олувчиларнинг илмий-назарий ва амалий билимларини оширишда уларнинг касбга бўлган қизиқиши ва қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда шуни эсдан чиқармаслик керакки, айниқса касб-хунар коллежларида ўқитиш жараёнида талабаларининг ижодий қобилиятларини ошириш ва уларнинг амалий кўникма, малакаларини шакллантириш учун таълим жараёнига юқори даражали малакага эга бўлган педагоглар, ҳамда қобилиятли ва моҳир мутахассисларни жалб қилиш, уларни ҳам ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияни ва уларнинг ишлаш технологиялари билан таништириш зарур. Шунда биз ишлаб чиқаришга малакали мутахассисни етказа олган бўламиз.

Касб-хунар коллежларининг йўналиши ва ихтисослик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, таълим тизими ишлаб чиқариш жараёнлари билан узвий боғланиши лозим. Бунинг учун касбий таълим фани ўқитувчилари махсус фанларни ўқитиш услубиётини, мутахассисликнинг маҳорат ва амалий

кўникмаларини ошириб боришлари талаб қилинади. Ҳозирги кунда Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастуридан келиб чиққан ҳолда ва жаҳон андозаларига мослашув эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда касбий таълим ўқитувчи кадрларнинг асосий қисми янги техника ва технологияни чуқур билиши, ҳамда таҳлил қила олиши ва янгилик яратилиш даражасига эга бўлиши жуда муҳим. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар ва фаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни тадбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустақил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яна бир жиҳати муҳимки касб-хунар коллежларида таълим олаётган талабаларнинг касб-хунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллашлари учун махсус фанларни ўқитишни самарали ташкил қилиш, ушбу жараёни янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш лозим.

“Касб таълими услубиёти” фанининг асосий вазифаси бўлажак касб-хунар коллежи ўқитувчисига замонавий касбий педагогиканинг назарий асослари тўғрисида билим ҳамда ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун кўникмани шакллантиришдан иборатдир.

Ўқув қўлланмада касбий таълимни методологик асослари ва илмий тадқиқот методлари баён этилади. Касб таълими тамойиллари ва ўқитишнинг турли методлари батафсил келтирилади. Касбий таълимда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, ўтказиш ва билим, кўникма ҳамда малакаларни баҳолаш, касб-хунар коллежларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш баён этилади.

Ўқув қўлланманинг яна бир хусусияти шундаки касб-хунар коллежи ўқитувчисининг касбий фаолиятини ташкил этиши ва педагогик маҳорати бўйича тавсиялар берилади.

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,

Шундан билурсанким илм бепоён.

ФИРДАВСИЙ

МАЪРУЗА.

КАСБ ТАЪЛИМИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ.

КАСБ ТАЪЛИМИНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Режа:

1. *Таълим тушунчаси.*
2. *Касбий педагогика.*
3. *Таълимий кенглик, кўникма ва малакалар.*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.
3. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт “Маънавият асослари” дарси асосида ишланган услубий қўлланма. “Абу Али ибн Сино”. Тошкент. 2001. - 80 б.

1. **ТАЪЛИМ** -билим бериш, малака ва кўникма ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситасидир. Таълим жараёнида билим ўзлаштирилади ва тарбия амалга оширилади. Таълим тор маънода ўқитиш тушунчасини англатади. Лекин у фақат турли ўқув юртларида ўқитиш жараёни эмас, балки оила, ишлаб чиқариш ва шу каби соҳаларда ҳам маълумот ўзлаштириш жараёнидир.

Таълим илм бериш ва тарбиялашни ўзига қамраб олиб, республиканинг ақл заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жихатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди. Шунинг учун ҳам у устувор соҳа ҳисобланади.

Таълим фаолияти ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади: а) маълум бир тажриба ва амалий фаолият турини муваффақият билан ташкил қилиш учун оламнинг зарур хусусиятлари ҳақидаги ахборотларни ўзлаштириш (бу жараённинг маҳсулоти билимлардир); б) мана шу фаолият турларини юзага келтирадиган усул ва воситаларни ўзлаштириш (бу жараёнларнинг маҳсулоти малакалардан иборат бўлади); в) кўзланган мақсад ва берилган масала шартига мос равишда тўғри йўл ва усул танлаш ҳамда назорат қилиш учун кўрсатилган ахборотлардан фойдаланиш усуллари эгаллаш (бу жараённинг маҳсули – малакадан иборат бўлади).

Инсоннинг маълум билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришида онгли мақсад билан бошқариладиган барча ҳаракатлари таълим билан боғлиқ бўлади.

Таълимнинг моҳияти, мақсади ва мазмуни жамиятнинг маданий тараққиёти, фан-техникасининг ривожланганлиги, ишлаб чиқариш технологияларининг амалга жорий этиш даражаси кабилар билан белгиланади. Ижтимоий муносабатлар, умумий маълумотга бўлган талаб ва эҳтиёж, кишиларнинг касбий тайёргарлигига, таълим ҳақидаги ғояларга қараб кишилик жамиятининг турли давр (босқич)ларида таълимнинг моҳияти, мақсади, мазмуни ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методлари ва воситалари ўзгариб, такомиллашиб боради.

Таълим моҳиятига кўра бу жараёнда иштирок этувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг натижасидир. Таълим жараёнида шахснинг дунёқараши, қобилияти, фазилат (хислат)лари ўзгаради. Таълим жараёнида кишилик жамиятининг ижтимоий-тарихий тажрибалари таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилади ва шу йўл билан у авлодлар орасидаги маънавий-маданий, ижтимоий, ижтимоий ворисликни тامينлайди.

Таълимнинг методологик асосини диалектик билиш назарияси ташкил этади.

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА – умумий педагогиканинг бир соҳаси бўлиб, у тарбия, таълим, ўқитиш ҳақида қатор назарий ва амалий маълумотлар беради.

Касбий педагогика саноат, ишлаб чиқариш ва меҳнат педагогикасининг масалалари билан шуғулланади. Касб-ҳунар таълими педагогикаси бир неча бўлимларига бўлиниб, бу бўлимларда касбий педагогиканинг асослари ва муҳим маласалаларини, яъни касб-ҳунар таълими йўналишлари, меҳнат педагогикаси, касб-ҳунар дидактикаси каби масалаларни камраб олади. Шунингдек уларда касб-ҳунар тарбиясининг ижтимоий психологик шарт-шароитлари, касб-ҳунар таълими назарияси ва касб-ҳунар таълими ҳукуқи ўрганилади.

КАСБ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ - бутун ўқитиш ва ўқиш жараёнини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизими усули бўлиб, у мақсадга эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот тўғрисидаги тадқиқотлар натижасига ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришнинг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади.

ДИДАКТИКА – грекча *didaskien* сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўтгатаман маъноларини англатади. Шунга кўра дидактика – бу ўқитиш назариясидир. Дидактика уқитиш жараёнининг шакллари, методлари, таъмоийллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади.

МЕТОДИКА– Педагогиканинг ўқитиш, қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижалари назорат қилиб баҳолаш метод ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўқув фани ўқитиш соҳаси ўргатишнинг вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкилий кўриниши ҳақидаги методика асосида қурилади.

ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ - бу турли усуллар тизими бўлиб, ўқув-дидактик материаллардан фойдаланиш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун назарий дарс ва амалий машғулотлар пайтида қўлланиладиган усуллар мажмуасидир.

Касбий таълим методикаси ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган билим, амалий иш-ҳаракат усулларини шакллантириш қонуниятлари, қоидалари, шакл, метод ва воситалари ҳамда мазмуни ҳақидаги педагогиканинг муҳим тармоғидир.

МЕТОД– ибораси (юнонча-methodas-тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатиб) воқеликни билиш, ўзлаштириш, ўзгартириш усуллари мажмуасидир. Метод аслида инсоннинг амалий фаолияти негизида вужудга келган. Метод – педагогик жараён элементи сифатида мазмун мақсадларга максимал мос келиши керак, ана шунда – тарбия, ўқиш, ўрганиш амалга ошади. Методнинг асосий вазифаси – қобилиятни ривожлантириш. Касбий фаолиятда методнинг асосий кўрсаткичи – унинг касбий фаолият воситаларига мослигидадир.

МЕТОДОЛОГИЯ– метод ва логия ибораларининг бирлигида билиш фаолияти усули, тузилиши воситалари ва мантикий тартиби ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Демак, методология ҳар қандай фаолиятнинг зарурий ташкилий компонентиدير.

Методологик билимлар, энг аввало, муайян фаолият турларининг мазмуни ва изчиллигини ўзига қамраб олиб, одат ҳамда меъёрлар шаклида, иккинчидан, амалда бажариладиган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Ҳар иккала ҳолда ҳам билимнинг асосий вазифаси билиш жараёнини тартибли равишда амалга ошириш ёки бирор объектни амалий ўзгартиришдан иборат.

ТАЪЛИМИЙ КЕНГЛИК – таълим жараёнлари амалга оширадиган, яъни ташқи атроф – муҳит билан ўзаро ҳаракат англанадиган ва амалга ошириладиган кенглик.

Педагогик жараёнда таълимий кенгликнинг сон ва сифат жиҳатдан тавсифи асосан педагогга, унинг ички маданияти, дунёқараши, қарашларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам педагогнинг профессионал тайёргарлиги нафақат аниқ мазмунни эгаллашга, балки, экологик маданият, маънавият, умумий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган тақдирда мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташқи ва ички таълимий кенглик касбий фаолиятнинг аҳамияти бугунги кун таълимининг энг долзарб муаммоларидандир.

БИЛИМ- бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги уларнинг ички заруриятидан келиб чиққан боғлиқликдир. Уни қонуният деб ҳам юритилади. Чунки бу зарурий боғлиқлик нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан

келиб чиқиб, бизнинг ихтиёримиздан ташқари ўзи мавжуд. Уни ўзгартириб бўлмайди. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) орқали ўтади.

КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАР. Кўникма ва малакалар деганда бирор шахснинг муайян фаолиятни муваффақиятли бажариши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган ҳаракатлари ва реакциялари тушунилади. **Малакалар** онгли равишда амалга оширилган фаолиятнинг таркибий қисмига кирувчи автоматик тарзда юзберадиган ҳаракатлардир.

МАЛАКА- киши эгаллаган билимлари кўникма босқичидан ўтиб, доимий ҳаракат турига айланиши, маҳорати ҳосил қилиши.

МАҲОРАТ- ўзлаштирилган билимлар ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни (шу жумладан дарс беришни) кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш.

БАХОЛАШ- таълим жараёнининг маълум босқичида укув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида улчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

КАСБ- муайян билим ва маҳорат талаб этадиган меҳнат фаолияти тури. Касб-ҳунар сирларини эгаллашга умумий ҳамда махсус маълумот ҳамда амалий иш-ҳаракат усуллари ўзлаштириш орқали эришилади.

Касб ўзига меҳнат фаолиятининг тор доираси билан характерланувчи ихтисосликларни мужассамлаштиради. Баъзи касбларда бир қанча ихтисосликлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, ўқитувчилик касби ўқитиладиган ўқув предметларига биноан: умумтаълим, умумтехник, махсус фанлар ўқитувчиси бўлишини кўрсатиши ўзи кифоя. Касб ва ихтисос шахснинг мунтазам равишда маълум турдаги иш билан шуғулланишини ифодалайди. Республикамиз фуқароларига касб ва ихтисос танлашларига кенг имкониятлар яратилган.

Назорат саволлари:

1. Таълим тушунчасини изохланг.
2. Таълимнинг методологик асосини қандай назария ташкил этади?
3. Дидактика билан методиканинг бир-биридан фарқи нимада?
4. Таълимий кенглик деганда нимани тушунасан?

5. Касб қандай фаолият турига киради?

Таянч иборалари:

Таълим, касбий педагогика, дидактика, методика, метод, уқитиш методикаси, методология, таълимий кенглик, билим, малака, маъорат.

2-МАЪРУЗА

КАСБ ТАЪЛИМИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг методологик асослари.
2. қонуннинг бўлими ва қисмлари
3. Таълим тўғрисидаги қонун.

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдуқуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.
3. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001 .
1. А.Нишонов, Б.Хайдаров ва бошқалар. Баҳолаш методлари. Тошкент. Осиё тараққиёт банки. 2003. - 156 б.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг методологик асослари қуйидагилар ҳисобланади.

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни:
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонуни.

Қомусий қонун, Ўзбекистон Республикасининг конституцияси Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи

сессиясида 1992-йил 8-декабрда қабул қилинган. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун- 8 декабр умумхалқ байрами ва дам олиш куни сифатида белгилаб қўйилган. 1978 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрдан бошлаб ўз кучини йўқотган. Мазкур қонунда Ўзбекистон халқи

-инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб;

-ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак маъсулиятини англаган ҳолда;

-ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига суяниб;

-демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб;

-халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда;

-республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб;

-инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб;

-фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида;

-ўзининг махтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур конституциясини қабул қилган.

Республикамиз асосий қомуси VI бўлим 26 боб ва 128 моддадан иборат. Конституция моҳияти ва мазмуни бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш даврида чуқур ўрганганлиги боис, унинг бевосита таълим-тарбия билан боғлиқ 41 ва 42 моддаларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Конституциямизнинг 41-моддасида. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-моддасида. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг

маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади деб белгилаб қўйилган.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи “Таълим тўғрисидаги” қонуни 1992 йил 2 июлидан амалга жорий этилган бўлиб, у VII бўлим 44 моддадан иборат эди.

Амалдаги таълим тўғрисидаги қонунга биноан республикамизда ҳеч бир мамлакатда аввал ишлаб чиқилмаган ва амалга жорий этилмаган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунидир. Бу қонун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX-сессиясида 1997 йил 29 август куни қабул қилингандир.

Фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунаар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Бу қонун қуйидаги бўлим ва фасллардан ташкил топган:

- I. *Бўлим. Умумий қоидалар: Муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари.*
 - 1.1 Ривожланишнинг эришилган даражаси.
 - 1.2 Камчиликлар ва муаммолар.
 - 1.3 Ислоҳ қилиш омиллари.
- II. *Бўлим. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари.*
 - 1.2 Дастурнинг мақсад ва вазифалари.
 - 1.3 Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари.
- III. *Бўлим. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели.*
 - 3.1 Шахс.
 - 1.4 Давлат ва жамият.
 - 1.5 Узлуксиз таълим.
 - 1.5.1 Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш прициплари.
 - 1.5.2 Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари.
 - 1.5.3 Узлуксиз таълим тизими ва турлари: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-хунаар таълими; олий таълим; олий

ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

1.6 Кадрлар тайёрлаш тизимидаги фан.

1.7 Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш.

II. *Бўлим. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.*

4.1 Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш.

2.2 Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш , қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

2.3 Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш.

2.4 Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар.

2.5 Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар.

2.6 Таълим тизимини бошқариш.

2.7 Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш.

2.8 Таълим тизимини молиялаш.

2.9 Моддий-техника таъминоти.

2.10 Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш. (мониторинг).

2.11 Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш.

2.12 Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.

2.13 Фан ва таълим жараёнлари алоқаларини ривожлантириш.

2.14 Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш.

2.15 Таълим билан кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

III. *Бўлим. Дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора тадбирлар.*

Узлуксиз таълим тизими ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- мактабгача таълим;

- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устиворлиги таъминланади.

Таълимнинг узлуксизлиги шундай маъно берадики, инсон туғилгандан бошлаб токи умрининг охиригача таълим олиш имкониятига эга бўлсин.

Бундай тизим Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида қонуни” да ўз аксини топган.

Касб-ҳунар таълими- талабаларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллаш имконини беради.

Олий таълим – узлуксиз таълим тизимининг юқори малакали мутахассислар тўйёрловчи мустақил тури. У олий таълим муассасаларида амалга

оширилади. Олий таълим қуйидаги икки босқичдан иборат: *бакалавриат* ва *магистратура*.

Бакалавриат – ўрта махсус касб-хунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим;

Магистратура – бакалавриат негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;

Бакалавр, магистр – олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни маваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган *академик даражалардир*.

Юқорида келтирилган қисқа жумлалар мазмуни, улар умуман республикаимиз таълим тизими, шунингдек касб-хунар таълимининг ҳам методологик асоси эканлигига ишорадир. Касб-хунар таълимининг методологик асосларисиз уни мақсади, вазифалари, мазмуни, ташкил этиш шакллари, метод ва воситалари, иштирокчилари, натижалари ҳамда бу жараёнга таъсир этувчи омилларни ўрганиш мумкин эмас. Касб-таълимининг методологик асослари унинг меъёрий ҳужжатлари аниқлашга имкон беради.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг методологик асосларига нималар киради?
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нечанчи йилдан бошлаб ўз кучини йўқотган?
3. Республикаимиз асосий қомуси неча бўлим, неча боб ва неча моддадан иборат?
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида қонуни” да қандай тизимлар ўз аксини топган?

Таянч иборалари:

Конституция, ҳонун, суверенитет, фуқаро, узлуксиз таълим, кадрлар, бакалавриат, магистратура.

3 - МАЪРУЗА

ЎҚУВ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

Режа:

1. Касб-ҳунар таълими йўналишлари таснифлагичи
2. Давлат таълим стандартлари
3. Ўқув режаси, дастур, ўқув дастури.

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.
3. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холикбердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001 .
4. А.Нишонов, Б.Хайдаров ва бошқалар. Баҳолаш методлари. Тошкент. Осиё тараққиёт банки. 2003. - 156 б.

Маълумки, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати онгли равишда амалга ошади. Ана шу онги хатти-ҳаракат етук психолог олим П.Я. Гальперин ва унинг маслакдошлари фикрича асосан қуйидаги уч босқичда амалга ошади:

- I. Босқич. Мўлжалга олиш босқичи бўлиб, унда шахс ўз олдига қўйган аниқ мақсадини мўлжалга олади, яъни режалаштиради, лойиҳалаштиради. Мақсадга эришиш йўллари моделилаштирилади.
- II. Босқич. Асосий амалга ошириш босқичида ўз имконияти, шарт-шароит, мавжуд бўлган кўплаб бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда амалий хатти-ҳаракатлар амалга оширилиб, маълум натижага эришилади.
- III. Босқич. Назорат қилиш ва ўзлаштиришлар киритиш босқичи ҳисобланиб, унда кўзланган мақсад билан олинган натижа қиёсланади ва керакли хулосага келинади. Керакли ҳолларда режа ва амалга ошириш босқичларининг мазмуни, тузилмаси ва шаклига

ўзгартиришлар критилиб, иш-ҳаракат усуллари
такомиллаштирилади.

Кишилар (инсон) томонидан амалга ошириладиган барча жараёнлар каби таълим-тарбия иши ҳам ушбу юқоридаги қонуниятга тўлиқ бўйсунди. Демак таълим-тарбия иши маълум меъёрлар доирасида амал қилади. Бу меъёрларсиз таълим-тарбия иши мазмун, шакл, замон ва макон ҳамда натижалар текислигида самарасиз бўлади. Аслини олганда махсус таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълим-тарбиявий ишлар аниқ мақсадни кўзлаб, режа асосида кечади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди. “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг жорий этилиши янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларни ҳамда замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни ва тадбиқ тақозо этди.

Шу нуқтаи назардан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим жараёни, мазмунини ислоҳ қилиш асосан меъёрий ҳужжатлар мажмуи (давлат таълим стандарти, ўқув режалари ва дастурлари) асосида, кадрларга таълим ва тарбия бериш миллий истиқлол ғояларига мувофиқ амалга оширилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Классификатор – бу Ўзбекистон Республикасининг ахборотларни кодлаштириш ва тартибга солиш ягона тизимининг таркибий қисмидир.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари (классификатори) таснифлаг ичи-Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати. Унда қуйидаги саккизта билим соҳаси кўзда тутилади:

1. Таълим
2. Гуманитар фанлар ва санъат
3. Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ
4. Фан

5. Мухандислик, ишлов бериш ва урилиш тармоқлари
6. Қишлоқ хўжалиги
7. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
8. Хизматлар.

Классификаторда таълим босқичлари (бакалаврият, магистратура), билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари етти рақамли код билан белгиланади.

- мутахассислик коди;
- йўналиш коди;
- таълим соҳаси коди;
- билим соҳаси коди;
- таълим дастурлари босқичи коди.

Таълимнинг халқаро стандарт классификациясига биноан таълим босқичлари бакалаврият йўналишларида 5 рақами, магистратура мутахассисликларида – 5 А (рақам ва ҳарф) билан белгиланади. Масалан: бакалаврият коди 5140100, 5211300, 5520400 ва ҳоказо; магистрлар 5 А 140101, 5А211301, 5А520403 ва ҳоказо.

Касб-ҳунар таълими йўналишлари таснифлагичи – урта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида кичик мутахассислар тайёрлаш буйича тайёрлов йўналишлари касбларининг ива мутахассисликларининг тизимлаштирилган руйхати

Давлат таълим стандартлари (ДТС)- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва Олий таълим мазмунига ҳамда сифати га қўйиладиган талабларни белгилайди. ДТС ларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти (бундан кейин ОТДТС) кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйилган талаблар; таълим олувчилар тайёргарлигининг зарурий ва етарли таълим муассаслари битирувчиларига қўйилган малакавий талаблар; ўқув юкламасининг максимал

ҳажми; таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиблари ҳамда йўл-йўриқларини белгилайди.

ОТ ДТС ўқув жараёнини тартибга солувчи, таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳоловчи меъёрий ҳужжатлар: бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура ихтисосликлари учун ДТС, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқаларни тайёрлаш учун асосдир.

Касб-ҳунар таълими тармоқ стандарти – йўналишлар бўйича кичик мутахассисларни тайёрлашнинг зарур ва етарли мазмуни ҳамда пировард мақсадларини аниқлайди, таълим олувчиларнинг ўқув юкламалари ҳажми ва стандарт сифатлари назоратини белгилаб беради.

Олий таълимнинг биринчи босқичида таълим дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксиз ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришни назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;
- математик ва табиий-илмий;
- умум касбий;
- ихтисослик;
- қўшимча;

Касбий фаолият учун зарур кўникма ва малакаларни бакалавриат таълим дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини кўзда тутиб, ишлаб чиқиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Таълим- тарбия жараёнини ташкил этишни режалаштирувчи, асосий ҳужжат ўқув режалари ҳисобланади. Ўқув режаси касб-ҳунар таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишни, ўқув фанларини алоҳида ўрганиш суръатини таъминловчи ҳужжат ҳисобланади.

Ўқув режаси – ҳар бир йўналиш учун алоҳида тузилиб, вазирлик томонидан тасдиқланади. Унда қуйидагилар ўз ифодасини топади:

1. Тайёрлов йўналиш (ихтисослик) коди ва унинг номланиши.
2. Ўқиш муддати.
3. Тугатгандан сўнг олинадиган академик даражаси.
4. Таълим шакли.
5. Ўқув даврининг тақсимоти (жадвали)
6. Ўқув жараёнининг режаси.
 - 6.1. Ўрганиладиган ўқув предметлари.
 - 6.2. Ҳар бир ўқув предметини ўрганиш учун ажратилган умумий вақт миқдори.
 - 6.3. Ўрганиш учун ажратилган вақтни-маъруза амалий машғулот, лаборатория ишлари, семинарлар, курс лойиҳалари ва мустақил таълимга қандай миқдорда тақсимланганлиги.
 - 6.4. Ўқув предметини қайси босқич, семестрларда ҳафтасига қанча соатдан ўрганиш тартиби.
 7. Давлат аттестацияси.
 8. Танлов фанларининг рўйхати.
 9. Изоҳлар кабилар.

Ўқув режалари мазмуни ва тузилишига мос ҳолда қуйидаги омилларга эътиборни қаратмоқ лозим:

- Таълим ва тарбиянинг мақсадли йўналтирилганлигига;
- Меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёнининг тузилишига;
- Таълим- тарбия жараёнининг қонуниятларига.

Ўқув режаларини ишлаб чиқишда бўлғуси мутахассисларда шакллантирилаётган малака маҳоратлари даражасининг ўрганилаётган ўқув фанлари миқдorigа ва ўрганиш даврига аниқ мос тушишини эътиборга тутмоқ лозим. Бўлғуси мутахассисларнинг билим ва кўникмаларининг шаклланишини,

ҳар бир фанни босқичма-босқич ўрганишлари чуқурлиги, қулай ва муҳимлигини ҳам назарда тутиши керак бўлади.

Дастур ўқув предметининг мазмуни, уни таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, тартиби, ахборот манбаларини ўзида мужассамлаштирувчи меъёрий ҳужжатдир.

Ўқув дастури - шу ном билан номланган ўқув предметига тегишли бўлади. Ўқув предмети – таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан танлаб олинган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар тизимидир.

Таълим стандартларида белгилаб берилганидек умумий ва махсус талаблар, билим ва кўникмалар, ўқув режаларидаги умумкасбий ва махсус фанларда ўзаро узвийлигини таъминлаш, фан дастурларини замон талабларига мос равишда оддийдан мураккабга қараб тузиб чиқиш, ҳар бир фан дастурларининг мавзуларига мос равишда қўшимча кўргазмали қуроллар яратиш-ўқитувчиларга мураккаб вазифаларни қўяди, талабаларнинг эса назарий билимларини шакллантириб боради.

Кичик мутахассислар тайёрлашга қўйилган талабларнинг ҳужжатли асосини тасвирлайдиган ўқув дастурларида педагогик мақсадларнинг тўлиқ ва аниқ белгиланиши талаб қилинади. Тўлиқлик деганда мазмуннинг барча зарурий ва қўйилган мақсадга эришиш учун етарли элементларни киритиш тушунилади. Аниқлик деганда реал ўқув жараёнида берилган мазмунни жорий қилиш йўлини кўрсатадиган элементлар ва белгилар тасаввурланади.

Ўқув дастурий ҳужжатлар тузилмаси ва мазмунини ишлаб чиқиш ўқитиш жараёнини такомиллаштириш ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Назорат саволлари:

1. Инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати онгли равишда қандай босқичда амалга ошади?
2. Классификатор тушунчасига изох беринг.

3. Давлат таълим стандартлари қандай талабларни белгилайди?
4. Касб-ҳунар таълими тармоқ стандарти қандай вазифани бажаради?

Таянч иборалари:

Классификатор, таснифлагич, гуманитар, мутахассис, код, аттестация, дастур.

4-МАЪРУЗА

КАСБ ТАЪЛИМИНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ.

Режа:

1. Илмий педагогик изланишларнинг босқичлари.
2. Умумилмий методлари.
3. Тадқиқотнинг махсус эмпирик методлари.

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. Олимов Қ.Т., Узокова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.- Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
3. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001 .

Касб таълими муаммоларига қаратилган илмий изланишлар ўтказишдан мақсад ўқитиш ва ўргатиш хусусиятлари, самарали методларни ишлаб чиқиш ва амалий қўллаш, техник воситаларини қўллашга доир масалаларни ечишдан иборатдир. Илмий изланишлар олиб бориш учун ўқитувчида фаннинг мазмунини чуқур билиш талаб этилади. Кўпчилик бўлажак педагоглар талабалик вақтларидаёқ педагогик изланишлар билан шуғулланадилар. Фан бўйича услубий кўрсатмалар, макетлар, мустақил ишлар учун материаллар тайёрлайдилар. Илмий анжуман ва семинарларда маърузалари билан қатнашиб ўзларининг педагогик маҳоратини ошириб борадилар.

Илмий педагогик изланишларни жараёнини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Ўқитувчининг адабиётлар ўрганиш ва амалий ишлари асосида муаммони аниқлаши.

Ўқитувчи адабиётларни ўрганиши давомида қуйидагиларни аниқлаши керак.

- ўрганилаётган муаммо тўғрисида адабиёт муаллифининг фикр-мулоҳазаси;

- ўрганилаётган муаммо тўғрисида традицион методдан фарқлироқ киритган таклифлари;

- қанақа асосий масалалар адабиётлар ёритилмаган;

- муаммони ечишда кейинги олиб бориладиган изланишлар.

Ўқитиш жараёнида юзага келадиган муаммога қуйидагилар киради:

- ўқитувчи дарс жараёнида қандай қийинчиликка дуч келиш;

- камчилик ва қийинчиликларнинг юзага келиш сабаблари.

2. Гипотеза қуриш яъни ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш. Фактлар ва уларни таққослаш орқали изланувчи асосланган таклифни беради.

3. Изланиш натижаларини расмийлаштириш ва ўқув жараёнига қўллаш.

Махсус фанларни ўқитиш методикасида илмий изланишларнинг умумий ва махсус методлари қўлланилади.

Умумилмий методларга назарий изланиш, кузатиш, суҳбат ва экспериментлар киради.

Назарий метод - адабиётлардан ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳамда педагогик тажрибалар асосида олиб бориладиган изланишлар киради. Адабиётлар устида ишлашда китоб ва журналлар, мақолалар ва патентлар, илмий ишланмалар тўпламлар ва каталоглар, интернет тизимидан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

Кузатиш - одатда табиий кузатиш орқали талабаларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-атвори ва муомалаларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари

белгилаш учун қўлланилади. Бу метод тадқиқотчининг педагогик тажрибанинг муайян бир томони ва ҳодисаларини бирор мақсадни кўзда тутиб идрок этиш ташкил этади. Бунда кузатишлар тезлиги ва сони, кузатиш объекти, вақти, педагогик вазиятларни кузатиш учун ажратиладиган характеристика ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Қайд қилиш усулига қараб кузатишлар турларга бўлинади. Бевосита ва билвосита қайд қилиш усули тадқиқотчига реал педагогик жараён кузатувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳоказоларни ёзиб қўйиш имконини беради. Бевосита қайд қилиш усули бирор-бир ҳодисанинг оқибатлари ҳақидаги фактик материални бошқа шахслар орқали ёки қандайдир асбобни қўллаш воситасида олишга имкон беради. Илмий-техника тараққиёти асрида кузатишнинг визуал усуллари хилма-хил техника воситалари (кинофильм, видеотасвир телекўрсатув,) ни қўллаш билан тобора кўп қўлланилмоқда.

Суҳбат методи - сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади.

Суҳбат методида - ўқитувчилар ва талабалар жамоаси билан ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан, якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Суҳбат методидан фарқ қилиб, интервью олиш методи саволларни олдиндан белгиланган изчилликда интервью йўли билан баён қилишни назарда тутди. Бунда жавоблар магнит тасмасига ёки кассеталарга ёзиб олинади. Ҳозирги кунда оммавий сўраш назарияси ва практикасида интервью ташкил этишнинг кўп усуллари мавжуд:

- гуруҳлар билан;
- интенсив;
- синов ва ҳ.к.

Талабалар ижодини ўрганиш – уларнинг ўзига хос индивидуал тартибдаги фаолиятларига доир омиллар таҳлил қилинади, хулосалар ясалади.

Педагогик сўраш методи – тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қилади. Сўраш саволларнинг мантиқий ўйланган системасини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни ("ха","йўқ") ҳам тақозо этиши мумкин.

Тест, сўровномалар - бу сўровнома, яъни анкета усули қўлланганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, талабаларнинг яқка ёки гуруҳли фикрларини, карашларини, қандай касбларга қизишларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хулосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.

Тест саволларидан кўзланган мақсад оз вақт ичида талабаларнинг билимларини ёппасига баҳолашдир.

Мутахассисларнинг билимини ва савиясини аниқлаш услубларидан бири - бу тест ёрдамидаги синовдир.

Тест ёрдамида синов талаба ёки мутахассиснинг билими, илми, маънавияти ҳамда ёшларнинг қайси йўналиш ва мутахассисликка лаёқати, иқтидорини зудлик билан аниқлаш ёки баҳолашга имкон беради. Тест ёрдамида билимни баҳолашнинг педагогика нуқтаи назаридан баъзи бир ютуқлари ва камчиликларида келтирилган ва баҳолаш жараёнини ЭХМ ёрдамида автоматлаштириш мумкинлиги таъкидланган. Тест саволлари ва масалаларининг жозибадорлигига сабаб, унинг қисқа ва лўндалиги, тўғри жавобни умумий жавоблар ичида борлиги ва уларнинг талабаларга кўрсатма бўлиб хизмат қилиши, унинг топишмоқли ўйинга ўхшашлиги ва жавобни топишда хотира, интуиция ва топқирликлар кўл келади. Тест саволларини чоп этиш талабаларнинг мустақил ишлашини янада фаоллаштиради.

Тест синовлар методи - бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йиғиб олиш методидир. Тест синовларини (анкеталарини) ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Пировард натижада тадқиқот натижаларининг ишончилиги анкеталар мазмунига берилаётган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар

сонига боғлиқ бўлади. Одатда тест саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика методлари билан ишлаш имкон берадиган қилиб тузилади.

Эксперимент-тажриба-синов усули - ушбу тажриба асосида таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбири жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули – таълим соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмалар куруллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, таълим муассаларининг қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Математика ва кибернетика усуллари - ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустақамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш дифференциал ва индивидуал таълим бериш каби жараёнлардир.

Социология тадқиқот методи - анкетага саволлар киритилади. Бундан мақсад талаба-ёшларнинг касб-хунарга бўлган муносабатларини аниқлаш, талабалар орасидаги дўстлик муносабатларини ўқув юртидаги шарт-шароитларни билиш, ютуқ ва камчиликларни, ёшлар орасидаги муносабатларни, динга хусусан тасаввуфга бўлган қизиқишларини аниқлаш, талабаларнинг маънавий сифатлар даражасини, билим олишга иштиёқи, адабиётлар таъминланганлик даражаси, ўқув тақсимооти, ўқитувчиларнинг ўқитиш даражаси, ўқув қўлланмаларнинг сифати, компьютер билан машғулот ўтказиш турларини ўрганиш, илмий ва касбий маҳоратини оширишдаги машғулотлар тури, стипендиялар миқдори, стипендиялар талабаларнинг харажатини қанчалик қоплайди, ҳақ тўланадиган ишларда талабалар қатнашиши, ота-оналарининг моддий ёрдами, уларнинг маълумоти, иш жойи, талабаларнинг кўп шуғулланадиган жамоат жойи, яшаш жойи, илмий дунёқарашининг

шаклланишида таъсир этувчи омиллар, мутахассис бўлиб етишишида ҳал қилувчи омиллар, талабаларнинг онглилик даражаси жараёни, комил инсон бўлиш учун керакли бўлган маънавий сифатлар, ўзлаштирганлик даражаси ҳақидаги саволлар анкетага киритилади. Савол-жавобларнинг барчаси компьютерда қайта ишланади ва хулосалар чиқарилади.

Ушбу методлардан ташқари касб таълимда махсус эмпирик методлардан фойдаланилади.

Касбий педагогикада тадқиқотнинг махсус эмпирик усуллари кенг тарқалиб унда ходиса ва жараёнларни ўрганишга йўналтирилган асбоб ускуналар ва аппаратлар объектив миқдорий катталикларни олиш мақсадида қўлланилади.

Тадқиқотнинг махсус эмпирик методларини шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Иш ҳаракатларининг натижавий тавсилотини ўрганиш (ҳаракатларни аниқ бажариш, сарфланадиган вақт, иш унуми):
2. Биомеханик усуллар:
3. Психофизиологик усуллар.

Иш ҳаракатларининг натижавий кўрсаткичлари билан боғлиқ тадқиқотларда шу жумладан уларни ўзлаштириш жараёнида хронометраж катта рол ўйнайди. Иш меъёри, мақбул вақт шу жумладан ишлаб чиқариш таълимининг турли даврларида талабалар вақт меъёри, иш тартиботини аниқлаш мақсадида, шунингдек, ҳаракатларнинг вақтинчалик тузилмасини ўрганиш талабалар ёки ишчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш учун хронометраждан фойдаланилади.

Иш кунини тасвирга олиш хронометражнинг бир тури бўлиб, унда иш кунини давомида ёки ишлаб чиқариш таълими даражасида барча вақт сарфлари ўлчанади ва таълил қилинади. Бу билан иш вақтининг сарфи ва унинг сабаблари, шунингдек ишни ташкил этишнинг ҳолати ажратиб кўрсатилади. Худди шу мақсадларда шунингдек ўз-ўзини тасвирга олиш қўлланилиб, унда талаба ёки ишчи ўз ишини ўзи кузатади ва олинган натижаларни махсус кузатиш варақасига киритади.

Биомеханик методлар – бу иш ҳаракатининг фазовий вақт ва куч параметрларини ўрганишдир: уларнинг мукамаллик даражаси, ишчининг асбоб, дастгоҳ ва ҳоказолар билан ўзаро куч таъсири, асбоб ва қўл ҳаракатининг кинематикаси ва бошқалар аниқланади.

Тарихий илк биомеханик методига циклограмма киради. Циклограмма ҳаракат элементларининг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигини ўзида акс эттиради. Циклограмма методларида асбобларга, қўл ёки оёқларга электрик лампочкалар бириктирилади. Ишчи жараёни фотоаппарат билан суратга олинади. Фотопластинкада лампочка тасвирининг ёруғ нуқталар кўринишида қолган изи, мос равишдаги ҳаракат траекториясини беради. Олинган траекториянинг таҳлили ҳаракатнинг тезлиги, тезланиши, йўналиши ва бошқа ташкил этувчиларни аниқлаш инсонини беради.

Психологик методлар ўқув ва меҳнат фаолияти жараёни натижасида инсон организмнинг турли органларнинг функционал ҳолатини ўрганиш учун қўлланилади. Булардан электромиография, электрокардиография, электродермография усуллари кенг қўлланилади.

Электромиография – ҳаракатланувчи мускуллар электрик потенциалини ёзишдир. Исталган мускул ҳаракати бошмиядан электрик импульс кўринишида узатиладиган таъсирлар натижасида ишлайди. Мускулларнинг электрик фаоллиги унинг қисқариш кучини аниқлайди. Мускулларнинг электрик потенциалли махсус электродлар ёрдамида кучайтиргичга, ўзидан-ўзи ёзгичга узатилади ва у ерда миограмма – электрик сигналларнинг қоғозда ёзилиши қайд қилинади.

Электрокардиография – юрак томирларининг электрик потенциалларини қайд қилишдир. Юрак томирлари ҳам мускуллар каби бош миядан келувчи электрик сигналлар таъсири остида қисқаради. Уларни қайд қилиш электрокардиография деб айтилади.

Электродермография – терининг электрик потенциалини қайд қилишдир. Инсон танасидан тер оқиб чиқиши ҳам миянинг электрик сигналлари таъсири

остида амалга ошади. Электродермограмма биринчи навбатда инсоннинг иш жараёнидаги эмоционал ҳолати кўрсаткичи ҳисобланади.

Марказий асаб тизимининг функционал ҳолатини аниқлаш услуби ўқув меҳнат фаолиятининг талаба организми ҳолатига таъсирини ўрганиш учун қўлланилади, масалан, диққат даражаси, иш жараёнида толиқишнинг ривожланиши, машқлар таъсири остида марказий асаб тизимида содир бўладиган силжишлар ва ҳоказо.

Кўпинча шартли реакциялар усули қўлланилади, яъни талабаларга нурли, товушли ёки бошқа хилдаги сигналлар узатилади. Унга жавоб тариқасида талаба унча мураккаб бўлмаган қандайдир ҳолатини амалга ошириши керак, масалан, тугмачага босиш. Бу ҳаракатни бажариш вақти бўйича ва характери бўйича ушбу вазиятда талаба марказий асаб тизимининг ҳолати ва турли мезонлар таъсири остида ундаги ўзгаришларни аниқлаш мумкин.

Назорат саволлари.

1. Илмий педагогик изланишларни жараёнининг босқичларини айтинг.
2. Сухбат методи қайси формада қўлланилади?
3. Педагогик сўраш методини тушунтиринг.
4. Электромиография тушунчасини ёритинг.

Таянч иборалар

Видеотасвир, магнит тасмаси, интенсив, компьютер, статистика, кибернетика, социология, циклограмма, электрокардиография, электродермография.

5-МАЪРУЗА

КАСБ ТАЪЛИМИ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ. КАСБ ТАЪЛИМИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Режа:

1. Ўқитиш тамойиллари
2. Ўқитиш тамойилларининг мажмуаси

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.
3. Олимов Қ.Т.,Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.- Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.

Ўқитиш тамойиллари-ўқитиш назариясининг бошланғич қоидалари бўлиб, ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этишда уларга амал қилиши керак.

Касб таълими тамойилларини тизимлаштиришга бўлган ёндашишларда қуйидагича фикрлар билдирилган.

М.Н.Скаткин таълим тамойилларини қуйидагича белгилайди: илмийлик, ҳар томонламалик, ҳаёт билан алоқадорлик, табақалаштириш, тизимлилик, ўқув фанлари орасидаги ўзаро алоқадорлик, табақалаштириш, тизимлилик, жорийлилик .

М.Г.Огородников эса ўз тадқиқотларида илмийлилик, ғоявийлик, тарихийик, тизимлилик, назария ва амалиётнинг бирлиги, таълимнинг ҳаёт билан алоқаси каби таърифларни асосий сифатида тамойилларини ажратади.

С.Я.Батишев-касб таълими мазмунини ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёни ривожланиши билан узвий боғланган ҳолда тасаввур этиш керак деб ҳисоблайди ва таълимнинг қуйидаги тамойилларини белгилайди: илмийлик, тизимлилик ва жорийлилик, амалий таълим билан ишлаб чиқариш меҳнатининг бирлиги .

В.А. Скаун – касб таълими тамойилларини қуйидагича талқин қилади: илмийлик ва ғоявийлик; таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг бирлиги; илмий-техника тараққиётига таълимнинг боғлиқлиги, политехнизм; малакали ишчиларни тайёрлаш барча томонларининг бир-бирига алоқаси; таълимнинг бирлиги ва табақаланиши .

А.П.Беляева таълимда ҳақчиллик, илмийлик, политехникавийлик, тизимлилик, муқобиллик, политехник ва касбий таълимнинг бирлиги ҳамда ўзаро алоқаси; фанлараро ва мажмуавий ўзаро алоқадорлик, касбий сафарбарлик, таълимнинг эгилувчанлиги ва турғунлиги, мужассамланган ҳам табақалашганлигини таълимнинг асосий тамойиллари сифатида талқин этади.

Ўқитиш тамойилларининг мажмуаси мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- фаоллик тамойили;
- ўқитишда назария билан амалиётнинг боғлиқлиги тамойили;
- кўрсатмалилик тамойили;
- ўқитишнинг тарбияловчи характери тамойили;
 - илмийлик тамойили;
 - ўқитишда системалилик ва изчиллик тамойили;
 - ўқитишнинг тушунарли бўлиши тамойили;
 - намуналардан фойдаланиш тамойили;
 - талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили;
 - билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг пухта бўлиши тамойили;
 - дидактик редукция тамойили;



билимлар кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти эҳтиёжлари асосида пайдо бўлиб, ана шу фаолиятга хизмат қилганлиги ва ҳаёт билан боғланганлиги

сабабли,бу билимларни эгаллаш учун уларнинг мазмунини ўзлаштириб олишгина эмас,балки билимларни амалда қўллай билиш ҳам керак.

Талабаларни амалий фаолиятга тайерлаш назарий билимларни эгаллаш жараёнида бошланади.Кейинчалик у тажриба ва амалий машғулотларда давом эттирилади. Бу машғулотларда талабалар ўқитувчи раҳбарлигида тажриба шароитида олинган билимларнинг ишонарли эканлигини текширадилар, бу билимларни мустаҳкамлайдилар ва чуқурлаштирадилар ҳамда уларни амалда қўлланиш кўникмалари ва малакаларини ҳосил қилади.

Ишлаб чиқариш таълими талабалар амалий фаолиятининг муҳим босқичидир.Улар эгаллаб олган назарий билимлари асосида танлаган касбларига доир меҳнат кўникмалари ва малакаларини ҳосил қиладилар.Шу билан бирга назарий билим ҳам тўлдирилиб,конкретлаштирилиб борилади.

Ўқитишнинг кўрсатмалилиги-ўқитишнинг кўрсатмалилиги шунини тасдиқлайдики, агар талабаларда ўрганилаётган жараёнларни нарс ва ҳодисаларни бевосита идрок қилиш билан боғлиқ муайян ҳиссий амалий тажриба бўлган тақдирдагина улар билимларни онгли суратда ўзлаштирадилар ҳамда уларда илмий тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиш мумкин. Бу тамойил ўқитиш жараёнида турли сезгилардан: кўриш,эшитиш,бадан билан сезиш ва бошқалардан фойдаланишни талаб этади.Буюмни қанчалик ҳар томонлама идрок қилинса,талабаларнинг шу буюм ҳақидаги билими ҳам шунчалик тўла ва чуқур бўлади.

Кўрсатмалилик тамойили ўқитиш мақсадларига мос бўлиб,материалнинг мазмуни билан белгиланади. Бу материални ўрганиш эса талабаларни чинаккам илмий ва ҳаётий муҳим билимлар билан қуроллантириши керак.Кўрсатмалилик бу билимларни яхшироқ ўзлаштириб олишга ҳамда уларнинг ҳаёт билан, меҳнат амалиёти билан боғланишига ёрдам беради.Машғулотларда турли хил кўрсатмали қуролларни қўллаш талабаларнинг фикрлаш фаолиятини активлаштиради, уларнинг диққатини сафарбар этади.Шунинг кўрсатмалилик воситалари ўқитишнинг ҳамма босқичларида:талабаларнинг янги материални идрок қилишларида,билимларни мустаҳкамлашда,текшириш ҳамда амалий фаолиятда

ва ишда қўллашларида, меҳнат кўникмалари ва малакаларини ҳосил қилишда тадбиқ этилади. Билимларни иложи борича кўргазмали ва реал ҳаётга яқин қилиб тадбиқ этиш - бир томондан тилнинг тушунарлигини ва ўқитиш жараёнида аудио-визуал воситалардан фойдаланишни талаб қилса, иккинчидан у бевосита иш жараёнида ва реал ҳолатда ўқитишни талаб этади.

Ўқитишнинг тушунарли бўлиши – ўқитишнинг тушунарли бўлиш тамойили ўрганилаётган материал мазмуни, ҳажми ва ўқитиш методларига кўра талабаларнинг ёшига, тайёргарлик даражасига, жисмоний кучи ва билиш имкониятларини мос бўлишини талаб этади.

Ўқитишни тушунарли қилиш дегани уни осон қилишни билдирмайди. Ҳаддан ташқари осон материални талабалар ортиқча куч-ғайрат сарфламай ўзлаштириб оладилар. Бундай ўқитиш талабаларнинг ақлий билиш имкониятларини ривожлантиришга ёрдам бермайди. Ўқитишни тушунарлилиги талаба имкониятларининг энг юқори чегараси ва уни аста-секин ошириб бориш билан белгиланади. Таълим жараёнининг боришида талабалар олдида қуйиладиган ўқув ва меҳнат топшириқларини изчиллик билан мураккаблаштириб бориш талабаларнинг ақлий имкониятлари ва жисмоний кучларини ривожлантиради. Ўқув материалининг мазмуни шундай танланган ва тузилган бўлиши керакки, талабалар уни ўзларининг олдинги билимлари билан боғлай олишлари ва уни тушунишда қийналмаслиги лозим.

Намуналардан фойдаланиш тамойили - ўқитувчи ўқув материалининг мазмунини тушунтириш учун ҳар доим яхши намуналарни танлашга ҳаракат қилиши керак. Яхши модел, амалиётдан типик мисоллар, яхши ҳамда ёмон маҳсулотлар ҳам кутилган даражадаги натижанинг сифати қандай бўлиши ёки бўлмаслигини аниқ кўрсатади.

Дидактик редукция тамойили - талабанинг билимларни юқори даражада ўзлаштириши учун бу ўқув материали керакли миқдоргача қисқартирилиши лозим. Агар ўқув материалининг ҳажми жуда катта бўлса, ундан айнан касб-ҳунар вазифаларини бажариш учун керакли қисмлар танлаб олиниши керак. Комплекс (умумий) ва мураккаб топшириқлар доимо дидактик

равишда осонлаштирилиши лозим, лекин маъноси ўзгармаслиги шарт. Шунинг учун, агар фақат бошланғич билимлар бериш керак бўлса, ўқув материалини иложи борица оддийроқ тушунтиришга ва ниҳоятда кўп ва кенг ўқув материали билан талабани қийнамасликка ҳаракат қилиш керак. Тажрибали ўқитувчи мураккаб жараёнларни осон сўзлар билан тушунтира олади.

Илмийлик тамойили - талабаларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан асосланган, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилишини талаб этади. Уларни танлаб олишда фан ва техниканинг энг янги ютуқлари ва кашфиётларидан фойдаланиш керак.

Илмий билимларни эгаллаш жараёнида талабаларда илмий дунёқараш, тафаккур ривожланади. Ҳар бир дарсда ўқитиладиган ўқув материалининг илмий мазмуни кенг ва чуқур бўлиши ва талабада нафақат билим, балки тафаккур ҳосил қилишни ҳамда талабанинг ижодий қобилиятини шакллантириши керак. Бу учун эса ўқитувчи ўз илмий савиясини изчил равишда ошириб бориши, замонавий педагогик технологиялар кашфиётлар ва илмий янгиликлардан хабардор бўлиши лозим. Талаба ўрганаётган билимлар албатта назарий тасдиқланган ва амалда синалган бўлиши керак.

Ўқитишнинг тарбияловчи характери – ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари узвий бир-бирига боғлиқ бўлади. Ўқитиш билим бериш вазифаларини ҳал қилиш билан бирга талабаларга жуда катта тарбиявий таъсир ҳам кўрсатади. У талабаларнинг билиш имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, уларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги активлиги ва мустақиллигини, билимга қизиқишини оширишга ёрдам беради.

Бироқ ўқитиш жараёнидаги тарбия стихияли равишда амалга оширилмайди. Унинг мақсади, мазмуни, ғоявий йўналиши ва талабаларга таъсир этиш самарадорлиги бир қатор шартларга боғлиқ бўлиб, улардан асосийлари: ўрганилаётган фаннинг мазмуни, ўқув машғулотларининг ташкил этилиши ва методикаси ҳамда бу машғулотларни ўтказаётган педагогнинг шахсидир.

Ўқув машғулотларининг тўғри ташкил этилиши ва уларни ўтказиш методикаси талабаларга жуда катта тарбиявий таъсир кўрсатади. Машғулотларда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга доир индивидуал ишлари ҳам, бу ишларнинг гуруҳли кўринишлари ҳам қўлланилади.

Таълим тарбия жараёнининг махсуллигини ошириш мақсадида тарбиявий йўналишнинг устуворлигини таъминлаш асосий мезон ҳисобланади.

Тарбия орқалигина инсон ўз шахсини етиб англайди. Ўз-ўзини англаган кишигина ўз қобилиятлари ва имкониятини билган ҳолда эҳтиёжини шакллантириш заруратини вужудга келтиради.

Ўқитишда системалилик ва изчиллик- системалилик ва изчиллик тамойили ўқитишни шундай ташкил этишни талаб этадики, бунда ўқув фанларини ўқитиш қатъий мантиқий тартибда олиб борилади, талабалар билим кўникма ҳамда малакаларни изчиллик билан эгаллаб борадилар ва айна замонда амалий вазифаларни ҳал қилиш учун улардан фойдаланишни ўрганадилар.

Системалилик ва изчиллик жараёни ўқув жараёнининг ҳамма звеноларида амалга оширилади. Унинг талаblари дарсликлар ва дастурларни тузишда ўз аксини топади. Улардаги материал бир қатор дидактик талаblар (фанни ўрганиш мақсади, унинг бошқа ҳамда фаннинг мантиқи билан белгиланадиган система бўйича жойлаштирилади. Ўқув дастурида назарий ва амалий машғулотлар бир-бирига узвий боғланиши сақланиши керак. Ҳар бир дарсда ўқув мақсадини аниқ белгилаш ва белгиланган мақсадга мувофиқ келувчи мазмунини таркиб топтириш керак. Ҳар бир касбий фани учун ўқув дастури талабига мос ҳолда даставвал таянч тушунчаларни аниқ белгилаб олиб, уларнинг даражаси ва меъёрини аниқлаш керак. Махсус фанларни ўқитишда қўлланиладиган методларни аниқ белгилаб, юқори самара берувчи усулдан фойдаланиш, машғулотлар давомида берилаётган билим ва кўникмаларнинг талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини белгиловчи назорат ва текширишнинг турли усуллари ҳамда тестлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Талабаларнинг маълумот даражаси ошиб боришига ва

ривожланишига қараб предметни баён қилишнинг дидактик системаси фан системасиги то бора яқинлашиб боради. Машғулотларни утказишда дастурга аниқ риоя қилиш ва талабаларнинг дарслик билан ишлаши уларнинг билимларни муайян системада ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Ўқитишда талабаларнинг онглилиги ва фаоллиги - бу тамойил ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадик, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва актив эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланадиган бўлсин.

Ўқитишдаги онглилик тамойили талабаларнинг ўз ўқув ишларининг конкрет мақсадларини аниқ тушунишини, ўрганилаётган факт, ҳодиса, жараёнларни ва улар ўртасидаги боғланишни тушунган ҳолда ўзлаштириб олишини, олинган билимларни амалий фаолиятда қўллай билишини билдиради.

Талабаларнинг фаоллиги уларнинг назарий материални эгаллаб олишида ва синфда, лабораторияда, устахона ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида ўқув меҳнат топшириқларини бажаришда намоён бўлади. Активлик талабаларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғланган.

Талабаларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олиш - ҳар бир талаба ўзининг индивидуал (жисмоний, психик ва б.) хусусиятларига эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади. Педагогнинг бу хусусиятларни ўрганиши ва ҳисобга олиши ўқитиш сифатини ошириш ва ҳар бир талабанинг ижобий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Талабанинг хусусиятларини бундай ўрганиш узоқ вақт мобайнида олиб борилади. Педагог талабаларнинг дарслардаги ва ишлаб чиқариш таълими вақтида устахоналардаги ишини, уй вазифаларини бажаришини кузатади, уларнинг билими, ёзма ишлари ва тайёрлаган буюмларини текширади, маслаҳатларда ва дарсдан ташқари вақтларда улар билан суҳбатлашади. Талабанинг кучли ва ожиз томонини билиб олишга, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига хос бўлган

хусусиятларни ўрганишга, унинг характери ва иродавий сифатларини яхши билиб олишга ҳаракат қилади, талабаларнинг ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини, уларнинг коллежга келишдан олдинги фаолияти хусусиятларини ўрганади.

Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги.

Назарий таълим ва ишлаб чиқариш таълими жараёнида талабалар ўзларининг бўлажак касбий фаолиятлари учун керак бўладиган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб борадилар. Бундан ташқари аввалги машғулотларда ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар анча мураккаброк материални ўзлаштириб олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Илмий билимларни эгаллаш талабаларнинг хотираси, мантикий тафаккури, хилма-хил фаолият турларидаги ижодий активлиги ва мустақиллигини ривожлантиришга ёрдам беради. Лекин ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакаларнинг келгусида илмий билимлар системасини ўзлаштириб олишда асос бўлиб хизмат қилиши учун улар пухта ўзлаштирилган, яхши мустаҳкамланган бўлиши ва талабаларнинг хотирасида ўзаро вақт сақланиши керак. Мустаҳкамлик тамойилининг талаблари шулардан иборат бўлиб, буларга риоя қилмаслик талабаларнинг ўзлаштирмаслигига, уларнинг ўқишда орқада қолишига сабаб бўлади. Ўқитиш тамойиллари билан бир қаторда ўқитишнинг асосий қоидалари ҳам бўлиб уларга қуйидагилар киради:

- тушунарлидан - тушунарсизга;
- яқиндан – узоққа;
- осондан - қийинга;
- аниқдан - мавҳумга;
- умумийдан - хусусийга.

Назорат саволлари

1. Ўқитиш тамойиллари.
2. Ўқитиш тамойилларининг мажмуасига нималар киради?
3. Ўқитишда назария билан амалиёт уртасида қандай боғлиқлик бор?
4. ўқитишнинг асосий қоидаларига нималар киради?

Таянч иборалари

Назария, амалиёт, редуция, модел, комплекс, индивидуал

6 – МАЪРУЗА

КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Режа:

1. *Таълим бериш методлари.*
2. *Ўқитиш методлари классификациялари.*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. Олимов Қ.Т.,Узокова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.- Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
3. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001 .

Таълим бериш методлари деганда педагогнинг иш усуллари тушунмоқ керак.

Ўқитиш жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, ниҳоятда хилма-хил ва турли характердаги факторларга боғлиқ. Ўқитувчи ўқитиш методларининг битмас туганмас хазинасига эга. Ўқитиш методларини ҳар хил классификацияларини таҳлил қилмай, уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз.

1. Ўқитишда талабанинг ҳаракатлари характеристикасига кўра:

а) Фаол методлар

б) Пассив методлар

2. Ўқув ишининг турларига қараб:

- а) билимларни ўзлаштиришнинг дастлабки методи;
- б) билимларни такомиллаштириш методи;
- в) Билимларни текшириб кўриш ва баҳолаш методи;

3. Билим манбаларига қараб:

- а) Оғзаки методлар;
- б) Кўргазмали методлар;
- в) Амалий методлар.

Ўқитиш методлари ўқув жараёнининг амалга ошириш яъни ўқитиш ва ўқиш усуллари бўлганлигидан, ҳар бир методни икки томондан ўқитувчи фаолияти ва талабалар фаолияти нуқтаи назаридан қараш керак. Шунинг учун ҳам ўқитиш методини билим манбалари бўйича қуйидагича гуруҳлаймиз.

Оғзаки методлар	Кўрсатмали методлар	Амалий методлар
А) Сухбат Мақсадни тушунтириш талабаларга муаммоли савол бериш, талабаларнинг жавобларини муҳокама қилиш. Б) Ўқув адабиёти билан мустақил ишлаш. Мақсадни тушунтириш. Топши-риқнинг мазмуни ва талабаларнинг иш тартибини аниқлаш, талабалар ишига раҳбарлик қилиш, яқун яшаш. В) Овоз ёзишдан ва	А) Кўргазмали ўқув адабиётлари расмлар ва схемаларни, видеотасвирлар, Мультимедиялар, тажрибавий меҳнат усуллари намоиш қилиш. Мақсадни тушунтириш Топшириқни аниқлаш Техника воситаларини бошқариш, тажрибаларни амалда кўрсатиш Б) Талабаларнинг объект ва жараённинг мустақил кузатишлари. Мақсадни тушунтириш	А) Лаборатория ва амалий ишлар Мақсадни тушунтириш талабалар ишини тартибини мазмунини аниқлаш ҳамда раҳбарлик қилиш. Яқун яшаш. Б) Машқлар. Мақсадни тушунтириш, талабалар ишини тартибини ва мазмунини тушунтириш, яқун яшаш.

радио,телевидиниедан мультимедиа ресурсла ридан фойдаланиш. Мақсадни тушунтириш компьютер, техника ва мультимедиа воситаларини бошқариш.Талабаларни идрок этишига раҳбарлик қилиш ва якун ясаш.	кузатиш объектларини аниқлаш талабаларнинг кузатишларига раҳбарлик қилиш,якун ясаш.	В)Талабаларнинг ижодий ишлари. Мақсадни тушунтириш,муаммо қўйиш, талабалар ишига раҳбарлик қилиш ва якун ясаш.
---	--	---

Оғзаки методлар. Агар талабалар асосий ўқув ахборотини ўқитувчининг ўқув мулоҳазалари ва исботлари жараёнида ёки дарслик мавзулари асосида олсалар, бундай методлар Оғзаки методлар жумласига киради.(тушунтириш, ҳикоя, суҳбат, ва ҳ.о.).

Оғзаки методлардан фойдаланиш жараёнида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мумкин. Аммо улар ёрдамчи роль ўйнайдилар.

Баён дарсада кўргазмали воситалардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигига боғлиқ бўлмаган ҳолда тузилади. Масалан, ўқитувчи тикув машинасининг тузилишини ва ишлаш тартибини тушунтираётганда кинематик схемадан фойдаланиш мумкин. Лекин исбот мантиқини кинематик схема белгиламайди,балки у тушунчани ўзлаштиришда ёрдам беради холос.

Оғзаки методлардан фойдаланиш муваффақиятининг асосий кўрсаткичлари-талабаларнинг янги билимларни эслаб қолишлари ва айтиб бера олишларидир. Оғзаки методларда талабалар ўқитувчи мулоҳазалари жараёнини такрорлайдилар, унга тақлид қиладилар.

Талаба ўқитувчининг тушунтириш мантиқига қанчалик яқинлашса, материални шунчалик муваффақиятлироқ ўзлаштиради.

Оғзаки методлардан асосан янги материални ўрганиш пайтида фойдаланилади ва билимларни эгаллашнинг бошқа усуллари билан қўшиб олиб борилсагина улар таълимда яхши самара беради.

Кўргазмали методлар деганда таълим жараёнида қўлланиладиган кўргазмали қурооллар ва техника воситаларига кўп даражада боғлиқ бўлган ўқув материаллини ўзлаштириш формалари тушунилади.

Таълимнинг кўргазмали воситалари билимларни ўрганиш ва ўзлаштириш характериини белгилайди. Масалан, тикув машинаси деталлари намуналари кўрсатилиши механизмлариининг ишлаши виртуал ёки модел орқали ёки тикув машинасида бажариладиган технологик жараён видеотасвири намойиш қилиниши мумкин, дейлик.

Асосий мақсад дарс мазмуни, албатта. Ўқитувчи эса қўшимча тузатиш киритиши мумкин холос.

Таълимнинг бундай методларидан фойдаланилганда талабаларнинг билиш фаолияти кўргазмали воситалар ёрдамида шаклланадиган ёки эсга туширадиган ҳиссий образларга, тасаввурларга боғлиқ бўлади. Кўргазмали қурооллар билимларни системага солиш ва бойитишда, шунингдек талабаларнинг фикр юритиш фаолиятини активлаштиришда ёрдам беради.

Таълимнинг кўргазмали методлари талабаларнинг билим фаолиятида образли ва мантикий, конкрет ва абстракт, ҳиссий ва ақлий жиҳатларнинг нисбатини чуқур тушунишни талаб этади.

Амалий методлар. Машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва тажриба ишлари асосида ўқув материаллини эгаллаш формалари таълимнинг амалий методлари жумласига киради. Ана шу методлар ёрдамида амалий кўникма ва малакалар шакллантирилади. Бунда кўникмани шакллантириш жараёни ўқув фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кўникмаларни эгаллашнинг муваффақияти уни шакллантириш шароитига боғлиқ.

Биринчи шарт-кўникма нима мақсадда шакллантирилишини англашдир. Ҳар қандай кўникма-автоматлашган даражага етказилган ҳаракатлар системасидир. Агар талаба ўқув материаллини ўзлаштиришда уларнинг аҳамиятини тушунмаса, бу ҳаракатларни шакллантириш қийин булади. Масалан: тикув машинаси кийимни қайси қисмларини тикишга мўлжалланганлигини ва бунинг учун кийим материалига мос равишда ип ва

игналар танланиши тартибини билмаса, шу ишларни бажаришдаги ҳаракатларини шакллаштириш қийин бўлади.

Иккинчи шарт-машқларнинг системали бўлиши. Одатда кўникмаларни эгаллашдаги камчиликларга ўқув машқлари системасини ташкил этиш ва ўтказишдаги камчиликлар сабаб бўлади, яъни машқларни ўтказиш учун керакли воситалар билан таъминланмаганлиги.

Учинчи шарт-амалий ҳаракатларни англаган ҳолда бажариш. Талабалар ҳаракатларнинг муайян фикрий режасига асосланишлари, иш жараёнларининг изчиллигини яхши тушунишлари, механик тарзда такрорлашга ва ёдлаб олишга йўл қўймаслик керак.

Тўртинчи шарт-дастлабки амалий ҳаракатлар ва жараёнларга пухта тайёрланиш. Улар онгли равишда режа асосида бажарилса, кўникма тезроқ муваффақиятлироқ шаклланади. Бунинг учун талабалар назарий билимларини яхши эгаллашлари керак.

Бешинчи шарт-машқларни мустақил бажариш ва ўзини-ўзи назорат қилиш. Талаба кўникмани мустақил бажара бошлаганида у ўз ҳаракатларини назорат қилади. Ўқитувчи талабага ўз-ўзини назорат қилиш усулларини ўргатиши зарур. Масалан, талаба кийимни биронта деталига безак бериш жараёнини амалий ўргангандан кейин, уйда ўзи мустақил равишда бажаришга ва баҳо беришга ўрганади.

Олтинчи шарт-бажарилган машқлар, амалий ишлар таҳлили ва уларни баҳолаш. Ўқув кўникмалари ва малакаларида ижобий ва салбий жиҳатлар бўлади. Талабалар йўл қўядиган типик хатолар намоён бўлади. Лекин синфда яхши ишларни намоёйиш қилиш керак. Ижобий намуна асосида ўқитиш афзалроқдир.

Агар кўникмани шакллантириш шартларига риоя қилинса, ўқитишнинг амалий методлари ўқув материалининг муваффақиятли эгалланишига олиб келади.

Назорат саволлари

1. Таълим бериш методлари деганда нимани тушунасиш?
2. Уқитиш методини билим манбалари бўйича гурухларини айтинг?
3. Оғзаки метод билан кургазма метод уртасидаги фарк нимада?
4. Кўникмани шакллантириш шартларини айтинг.

Таянч иборалари

Куникма, автоматлашган, пассив методлар, характеристика.

7-МАЪРУЗА.

ФАОЛ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ.

Режа:

1. *Фаол методлар хақида маълумот*
2. *Муаммоли ўқитиш.*
3. *Модулли ўқитиш методи*
4. *Дастурлаштирилган ўқитиш методи.*
5. *Мотивация (қизиқтириш) методи.*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. Олимов Қ.Т., Узокова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.- Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
3. Олимов Қ.Т., Авлиёқулов Н.Х. Муаммоли ўқитиш технологияси. «Касбий таълим муаммолари» республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд – 2003 й. 73 б.
4. Олимов Қ.Т., Узокова Л.П., Жалолова Д.Ф. Касбий фанларни ўқитишда қизиқтириш (мотивация) усулини қўллаш. «Касбий таълим муаммолари» республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд – 2003 й. 75б.

Кейинги йилларда педагогика фани ва амалиётида таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда фаоллаштиришга йўналтирилган фаол методларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга катта эътибор қаратилаяпти.

Ўқитишда энг самарали методларидан бири бу муаммоли ўқитишдир.

Муаммоли ўқитиш деганда машғулотларда педагог томондан яратиладиган вазиятлар ва уларни ечишга қаратилган талабаларнинг фаол мустақил фаолияти тушунилади. Бунинг натижасида талабалар касбий билим ва кўникмаларга эга бўладилар ва фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Албатта талабаларнинг дарсларга қанчалик даражада фаол қатнашиш ёки қатнашмаслиги талабага жуда боғлиқ. Лекин бунда ўқитувчи тайёр билимни талабаларга бериб қолади холос. Умуман олганда талабаларнинг активлиги сезиларли даражада эмас. Шунинг учун ҳам ўқитувчи томонидан қўлланиладиган ҳар қандай уриниш етарли даражада самара бермаслиги мумкин. Бундай ҳолатда қандай йўл тутиш мумкин. Албатта ўқитиш жараёнида жуда кўп усулларни қўллаш мумкин. Лекин дарсларни муаммоли қилиб ўтиш ана шу юқорида айтилган камчиликлардан холис бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир талаба дарсинг моҳиятини тушуниб олиши ва уни олдида маълум бир муаммо ўқитувчи томонидан қўйилиши керак. Бу қўйилган муаммонинг қанчалик даражада талабаларга ижодий интилишни уйғотиши албатта муаммонинг характериға боғлиқ. Бунда ҳар бир талаба ўз олдида турган муаммони била туриб уни ижобий ечишга ҳаракат қилиши керак. Ўқитувчи эса бу жараёни кузатиб бориб, тегишли маслаҳат ва йўналишларни кўрсатиши керак.

Ҳозирги замонавий дарсларнинг энг характерли томони ҳам шундадир. Муаммоли ўқитишни бошқариш педагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиш - индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб этади.

Муаммоли дарсларнинг яна бир характерли томони шундаки, бу методни қўллаш билан фақатгина талабалар билимини ўстирибгина қолмай, балки талабаларда шу фанга қизиқиш уйғонади.

Педагог муаммоли вазият яратади, талабани уни ечишга йўналтиради, ечимни излашни ташкил этади. Муаммоли ўқитишни бошқариш, педагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши - индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб этади.

Муаммоли вазият яратишнинг услубий йўллари қуйидагилар:

- қарама-қаршилиқларга олиб келинади ва талабалар ўзларига ечим йўлларини излаш таклиф этилади;
- иштирокчиларга, ҳодисага турли хил ҳолатлардан баҳо бериш таклиф этилади;
- муаммоли назарий ва амалий топшириқлар аниқланади;
- таққослаш умумлаштириш ва хулосалар чиқариш;
- аниқ саволлар қўйилади.

Таълимнинг муаммоли – қидирув услублари амалда билимни сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалиёт услублар ёрдамида амалга оширилади. Шу билан биргаликда ўқув материални муаммоли баён қилиш услубини қўллаш, амалий муаммоли – қидирув ишларини бажариш, ҳатто тадқиқот типигаги амалларни олиб бориш тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Ўқув материални муаммоли услуб ёрдамида ўтиш муаммоли тузилган маъруза услуби орқали билим баёни давомида мулоҳаза юритиш, исботлаш, умумлаштириш, фактларни таҳлил қилиш, талаба фикрини ўз ортидан эргаштириш, уни фаолроқ қилиш каби усуллардан фойдаланишни кўзда тутди.

Муаммоли таълим услубларидан бири эвристик ва муаммоли қидирув суҳбати ҳисобланади. Бунда ўқитувчи (педагог) талабалар олдида қатор изчил ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган саволлар мажмуини қўяди. Талабалар уларга жавоб берганда қандайдир шаклларни айтадилар. Айтганлари тўғри эканлигини мустақил исботлашга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга янги билимларни ўзлаштиришда мустақил равишда олдинга силжишни амалга оширадилар. Агар эвристик суҳбатда бундай тахминлар янги мавзунинг фақатгина бирор қисмига алоқадор бўлса, муаммоли-қидирув суҳбатда талабалар муаммоли вазиятнинг

бутун бир тизимини ечадилар. Шунинг учун ҳам бу суҳбатларнинг фарқи шартли ва фақатгина муаммоли вазиятда қўлланиш тадбирларига тааллуқлидир.

Таълимнинг муаммоли – кидирув услубларида кўргазмали қўлланмалар эсда сақлашни фаоллаштириш мақсадида эмас, балки дарсда муаммоли вазиятни яратадиган экспериментал масалаларни қўйиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, кейинги пайтда расмлар ва чизмалар тизими кўринишида муайян ўқув вазиятлари тасвирларининг кўргазмали қўлланмалари кўп тайёрланмоқда. Бу усулда талабаларнинг мустақил фикрлашининг устувор сабабларини аниқлаш осон кўчади.

Муаммоли - кидирув услублари кўпроқ ижодий билим фаолияти кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Улар талабаларнинг билимни чуқур англашига, мустақил эгаллашига ёрдам беради. Бу услублар, айниқса, қуйидаги ҳолларда самарали қўлланилади: ўқув жараёнида тушунча, қонун ва назария кабиларни шакллантириш кўзда тутилганда, фактик ахборотни маълум қилиш, меҳнат фаолиятининг лаборатория-экспериментал ўқув ва кўникмаларини ҳосил қилишда, ўқув материалининг мазмуни принципиал жиҳатдан янги бўлмасдан, илгари ўрганилганининг мантиқий давоми бўлса, унинг асосида талабалар янги билимни қидириш учун мустақил қадам ташласа, мазмун ҳодисадаги сабаб-оқибат ва бошқаларга олиб келса.

Модулли ўқитиш методи

«Модули ўқитиш» термини халқаро тушунча модул билан боғлиқ бўлиб, унинг битта маъноси - фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маънода у, модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган информация блоки сифатида тушунилади.

Модул фанининг фундаментал тушунчаларини – маълум ходиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади.

Модул бу ўқув материалнинг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир.

Ҳар бир модул маърузавий машғулотлар ва шу билан боғлиқ бўлган амалий (семинар), лаборатория машғулотларидан иборат бўлади.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали, ўқитишни табақалаш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади.

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у талабаларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир (20).

Модулли ўқитиш, касбий таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади [98].

- Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш, дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбга қизиқтириш асосида, фаоллаштириш, мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ [76]:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;
- талабалар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;
- модуллар натижаси ва таҳлилига.

Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо

этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилиши, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усуллари қўллаш мумкин:

- муаммоли мулоқотлар;
- эвристик суҳбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Модулли ўқитишда талабаларни ўз қобилиятига кўра билим олиши учун тўла зарур шарт-шароитлар яратилади.

Модулли ёндашув ўқитувчи учун маълум даражада дарслик функциясини бажарувчи ўқув қўлланмалар ва ўқув материалларини ишлаб чиқишда ҳам қўлланиши мумкин. Махсус фанлар бўйича амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўқув амалиётларини ўтказишда қўлланиладиган ўқув материаллари бўйича намунавий модулар 1- иловада келтирилган. Ушбу ўқув материалларининг афзаллиги шундаки, модул бўйича амалга ошириладиган ҳар бир фаолият тури хариталар кўринишида берилиб, улар асосан талабанинг мустақил равишда амалий ишларни бажариш, тажрибалар ўтказишга йўналтирилиш имкониятини беради.

Дастурлаштирилган ўқитиш методи.

Дастурлаштирилган ўқитиш - бу дастурлаштирилган ўқув материалнинг ўқитувчи (компьютерлар, электрон дарслик , кинотринажер ва бошқалар) ёрдамида бошқарадиган ўзлаштиришдир.

Дастурлаштирилган ўқитиш тамойилларга ажралади.

- Бошқарувчи тузилмаларнинг маълум даражасидаги иерархияси қуйидаги масъулиятли вазиятларда педагог тизимни бошқаради: фандан умумий йўналишни белгилаш, фанга муносабат, индивидуал ёрдам ва тузатишлар киритиш;

- Педагог ва талабага зарур бўлган тезкор тескари алоқа, бирига ўқув материални тушуниш учун иккинчисига тузатишлар киритиш учун.

Тескари алоқа икки хил шаклда амалга оширилади. Ички ва ташқи кўринишда. Ички тескари алоқа – талабанинг ўзи томонидан бажариладиган, ўқув материалнинг ўзлаштирилишини муттасил таҳлил қилиб бориш. Ташқи тескари алоқа – педагог ёки бошқарувчи - ўқитувчи ўқурлма томонидан ўқув материалнинг талаба томонидан ўзлаштирилишини муттасил баҳолаб бориш.

- Ўқув материални қадамлаб берувчи технологик жараён асосида ишлаб чиқилган ўқитувчи дастурлар. Бу эса, ўқув материални дастурда алоҳида мустақил, аммо ўзаро боғлиқ қисмлар кўринишида шаклланишини англатади. Қадам ўзаро боғлиқ учта звенодан иборат: ахборот, тескари алоқа элементи ва назорат изчил қадамли ўқув амаллари йиғиндиси ўқитувчи дастурни – дастурлаштирилган ўқитиш асосини ташкил этади.
- Ўқитишнинг индивидуаллигини турли хил вақтда бўлса ҳам, ўқув материалнинг тўла ўзлаштирилиши таъминланади. Чунки ўқитиш, суръати, ўқув материалнинг ҳар бир талаба томонидан ўзлаштирилиши индивидуалдир.
- Ўқитувчи (ўргатувчи) воситалардан фойдаланиш. Дастурлаштирилган ўқитиш технологиясининг хусусияти шундаки, ўқув материали талабалар томонидан назорат топшириқларини ўз ичига олган унча катта бўлмаган блоклар бўйича ўзлаштирилади.

Дастурлаштирилган ўқитиш жараёнида талабалар жуда фаол ишлайдилар. Талабалар эгаллаган билим албатта олдиндан тузилган дастурнинг қанчалик даражада тўғрилигига боғлиқ. Дастурлаштирилган ўқитишнинг яна бир хусусияти шундаки, у ўқитувчига жуда катта имкониятлар очиб беради, яъни, ўқитувчи ижодий ишларини олиб бориши ҳамда талабалар билан кўпроқ мустақил ишлаши учун имконият яратилади.

Дастурлаштирилган ўқитишнинг асосий афзалликларида бири доимо ўз-ўзини назорат қилиш ва талабаларнинг материал устида ишлаш жараёнида уларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари устидан назорат қилишдир. Талабалар ўз-ўзларини назорат қилишлари бажарилган жараён натижаларини намуна билан солиштириб кўриш орқали амалга оширилади; намуна эса дастурнинг ҳар бир қадамдаги ички тескари алоқа материалларида келтирилади. Ташқи тескари алоқани амалга ошириш, яъни ўқитувчи томонидан назорат қилиш анча мураккаб ишдир. Назорат қилишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида турли хил назорат қилувчи қурилмалари қўлланилади.

Назорат қилувчи қурилмалари сифатида компьютер ишлатилади. Талабалар билимини текшириш мақсадида ҳар бир мавзу охирида, ўқув материали охирида ўқитувчи тест саволлари ва уларнинг тўғри жавоб кодини киритиши керак. Шунинг учун ҳам талаба ўқитувчининг иштирокисиз объектив равишда ўз-ўзини назорат қила олмайди, чунки у саволнинг тўғри жавоби кодини қурилмага киритиш учун бу жавобни олдиндан билиши керак.

Мотивация (қизиқтириш) методи.

Мотивация методида дарсда талабалар билан қизиқарли, ҳаттоки, дарсга тааллуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги суҳбат билан бошланади.

Иложи бўлса дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан суҳбатни бошлаш керак. Масалан қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикоят танланиши мумкин. Буларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида талабаларнинг кайфиятга, шу соҳага қизиқишига ёки кейинги дарсларда талабалар ўрганадиган фанига эътиборини қаратишга ёрдам беради.

Агар дарс биринчи бор янги талаба гуруҳида ўтилатган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, талабаларга ҳам ўзларини таништириш имкониятини бериш керак. Бу талабаларда ишонч туғдиради, талабалар ўзларига билдирилатган ҳурматни ҳис қиладилар. Таърифланган ва танланган ўқитиш фанларни ва модуллари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Интринли (ички) ва экстринли (ташқи) мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Мотивация қилиш билан ўқиш ва ўрганишга бўлган тайёрлик учун шарт-шароит яратилади.

Сўнгра ўқитувчи талабаларга махсус соҳа бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув суҳбатлари, ўйин машғулоти ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказди. Кейинги дарсларда янги мавзунини бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайтарилиши керак.

Талабаларга мавзуларга мос тарқатма материаллар тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёнини енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин-кетин тарқатиш, уларни ўқиб чиқиш учун етарли дақиқалар бериш ва талабалар эътиборини ахборотга қаратиш учун овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Талабаларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фаза келиши учун имконият яратиб беради. Гуруҳларда ишлаш ёки мустақил равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

У ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин талабалар ўзлари бажарган ишларини баҳолашлари лозим. Бошқа бир имконият эса натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилишдан иборатдир. Ўқув фани якунида суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатида

талабаларнинг натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган ишлари, шунингдек, талабаларнинг ўз натижалари юзасидан мулоҳаза юритишлари учун яхши имкониятдир.

Назорат саволлари

1. Муаммоли ўқитиш деганда нимани тушунасиш?
2. Муаммоли вазият яратишнинг услубий йўллари қайсилар?
3. «Модули ўқитиш» тушунчасини изоҳланг. Модул нима?
4. Модулли ўқитиш самарадорлиги қайси омилларга боғлиқ?
5. Дастурлаштирилган ўқитиш ва мотивация (қизиқтириш) методи уртасидаги фарк нимада?

Таянч иборалари

Тафаккур, мотивация, интринли, экстринли, дастурлаштирилган, компьютер, электрон дарслик, кинотринажер, модул.

8 - МАЪРУЗА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Режа:

1. *Ишлаб чиқариш таълими хусусиятлари.*
2. *Иш ҳаракати усуллари намойиш қилиш методи.*
3. *Талабаларнинг мустақил кузатуви.*
4. *Ишлаб чиқариш таълимнинг фаол усуллари.*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.

3. Д.Х.Бафоев, Л.П.Узокова, М.Ахмеджанов. Замонавий ишлаб чиқариш таълими устаси фаолияти тўғрисида. Таълим технологиялари илмий-услубий журнал. №2. Т. 2005. 13 б.

Замонавий шароитда бозор иқтисодиёти юксак касб маҳоратга мутахассиларни тайёрлашни талаб этилади. Бу эса касб таълими муассасалари олдида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларда меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш учун ишлаб чиқариш таълими тубдан яхшилаш вазифасини қўяди.

Ишлаб чиқариш таълими хусусиятлари. Касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида уқув жараёнининг ишлаб чиқариш таълими ташкил этувчи қисми ҳисобланади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш таълими мақсади, мазмуни, шакли ва усуллари билан ўзига хос хусусиятига ҳам эга.

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий мақсади талабаларда маълум касб, мутахассислик соҳаси бўйича касбий маҳоратнинг шаклланиши ҳисобланади. «Касбий маҳорат» тушунчаси моҳиятини очиб берувчи қуйидаги кўрсаткич-мезонларни ажратиб кўрсатамиз:

- *ишни бажариш сифати* – Техник талабларнинг иш натижалари бўйича бажаралиши; унинг ўрнатилган кўрсаткич ва меъёрларга мос келиши; ижобий натижаларни олиш;
- *меҳнат унумдорлиги* – ўрнатилган вақт меъёрларининг бажарилиши; меҳнатни ташкил қилиш ва ишни бажаришнинг энг тежамли ва унумли усуллари, юқори унумдорликка эга бўлган техника ва технологияни ўзлаштиришга ва бўлган интилишни аниқлаб берувчи вақт мезонини баҳолаш қобилияти ва маҳорати;
- *касбий мустақиллик* – меҳнатнинг юқори сифати ва унумдорлигини таъминловчи иш усулини мустақил танлаш маҳорати; ишлаб чиқариш вазиятларида муаммоларни мустақил ҳал қилиш, тўғри қарор қабул қилиш қобилияти; ишда ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқаришни амалга ошириш;
- *меҳнат маданияти* – ўз меҳнاتини режалаштириш қобилияти ва одати; меҳнатнинг мақбул усул ва услублари, замонавий техника ва

технологияни қўллаш билан ишлай олиш маҳорати; иш фаолиятида касбий билимни қўллаш маҳорати; иш ўрни ва меҳнатни тўғри ташкил қилиш, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;

- *меҳнатга бўлган муносабат* – меҳнатни ташкил этишни ва усулларни такомиллаштириш, иш жараёнига янги асл нусхадаги меҳнат қуролини жорий қилишга интилиш ва етакчилик қобилияти, илмий ечимлар ва ихтироларни топишга бўлган интилиш ва қобилият;

- *меҳнат фаолиятининг иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқлиги* – бажариладиган меҳнат жараёнини иқтисодий таҳлил қилиш, ишни бажариш жараёнида иқтисодий жихатдан мақбул қарорларни қабул қилиш қобилияти.

Бу кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқариш таълими мазмуни, ташкил этилиши ва усуллариининг барча масалаларини кўриб чиқиш зарур.

Ишлаб чиқариш таълими усуллари олдинги параграфда кўриб ўтилган назарий ўқитиш усулларига ўхшашдир. Айниқса ишлаб чиқариш таълими жараёнида назарий ўқитишнинг кўплаб усуллари иштирок этади. Шу билан боғлиқ равишда фақат ишлаб чиқариш таълими учун хос бўлган методларни кўриб чиқамиз. Буларга тўрт поғонали, ҳаракат усулини намойиш қилиш, машқлар, талабаларнинг мустақил кузатиши, ёзма кўрсатмалар, меҳнатга ижодий ёндашувнинг шакллантириш, шунингдек ишлаб чиқариш таълимининг баъзи «фаол» усуллари киради.

Касб ҳунар коллежларида талабалар ўз танлаган касб кўникмаларини шакллантириш имкониятига эга бўлишларида **«тўрт поғонали усули»** энг самарали усул ҳисобланади. Бу усул Ўзбекистон Республикаси АҚШ ва Европанинг бир қанча давлатлари касб ҳунар таълимида кенг қўлланилади. Бу усулда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни қуйидаги тўрт босқичда амалга оширилади.

Амалий ўқитувчиси талабаларга аввал бажариладиган кичикроқ бир ишни тушунтириб беради, сўнгра қандай тартибда бажарилишини қилиб кўрсатади. Кейин талаба шу ишни кўрсатилган тарзда қайтариши (иммитация) керак. Талаба қайтариб қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси унинг хатоларини тўғрилаб

туради. Талаба ушбу машқни бир неча маротаба қайтариши керак. Мисол тариқасида тўрт поғонали усули доираси касб-ҳунар коллежларининг енгил саноат йўналишлари учун ўтиладиган «Тикувчилик корхоналари жиҳозлари» бўйича ўқув амалиёти машғулотларини ўтказишини кўриб чиқамиз.

1-поғона – тушунтириш - қизиқтириш – маълумот бериш. Машғулот талабаларни тикувчилик соҳаси ва унга қарашли замонавий тикув машиналарига қизиқишини уйғотишдан бошланади. Сўнгра ўқитувчи талабаларга амалий машғулотни бажариш учун тикув машинаси тўғрисидаги маълумотларни, унда бажариладиган тикув жараёнини тушунтиради. Бунда ўқитувчи барча ўқув дидактик материаллардан, масалан, тикув машинасининг кинематик схемалари, машинада ишлаш бўйича кўрсатмалар, созлаш асбоблари ва газламалардан кўргазмали материаллар сифатида фойдаланиши мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси тикув машинасини ишлатишдан олдин қилинадиган тайёргарлик ишлари кетма-кетлигини тушунтиради. Тиқиш сифатини намойиш этиш мақсадида машинанинг тўғри созланганлиги ёки унинг ишида содир бўладиган нуқсонларни кўрсатиб ўтиши мумкин.

2-поғона –намойиш қилиш.

Бу поғонада амалиёт ўқитувчиси тушунтирган иш босқичларини ўзи қилиб кўрсатади, яъни тикув машинасига устки ва остки ипларни тақиш, игнанини ўрнатиш, газламани тепки остига жойлаштириш ва машинани ишга тушуришни кўрсатиб беради.

Бунинг учун керакли тикув машинаси, газлама ва иплар ва созлаш асбоблари тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Амалий кўникмаларни 3 марта намойиш қилиш тавсия этилади:

1. Талабаларда тўла ва ҳақиқий тасаввур пайдо бўлиши учун намойиш оддий тезликда ўтказилади.
2. Ҳар бир иш босқичини алоҳида ва хусусиятларини яхшироқ кўрсатиш учун секин тезликда намойиш қилинади.
3. Талабаларда аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун оддий тезликда яна бир марта тўла равишда кўрсатилади.

3-поғона – кўрсатилган тарзда қайтариш.

Талабаларнинг ҳар бири амалиёт ўқитувчисининг ҳаракатларини у кўрсатган тарзда қайтарадилар. Талабалар ишлаётган пайтда ўқитувчи уларни хатосини тузатади. Яхши ишни мақтайди ёки танқид қилади.

4-поғона – машқ қилиш.

Талабалар тикув машинасига устки ва остки ипларни тақиш, игнани ўрнатиш ва газламани тепки остига жойлаштириб, тикиш жараёнини бажаришлари учун ўқитувчи уларга етарлича газлама ва ип бериб қўяди.

Агар иш натижалари сифат мезонларига жавоб берса, яъни газламадаги баҳякатор сифатли бажарилса, иш тугатилиши мумкин.

Бир ва иккинчи босқич бўйича талабалар дастлабки назарий билимларга эга бўлишлари керак. Ушбу усулни ўқув жараёнига қўллаб ўтказилган тадқиқотлар ва олимлар фикри бўйича, режа асосида ишлатилган ташқи кўзғовчилар ва назорат қилиниши мумкин бўлган реакцияларгина етарли даражада текширилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб ўрганишнинг «Тўрт поғонали» усули бўйича қуйидаги илмий хулосаларни бериш мумкин:

1. Ўзлаштириш (ўрганиш) – бу кўзғаш таъсири ва реакция кетма-кетлиги такрорланишининг натижасидир.
2. Такрорлаш орқали «Шартли рефлекслар орқали ўрганиш» принципи ҳосил бўлади.
3. Ўзлаштиришда эришилган натижалар рағбатлантирилса (мақтаб турилса) ўрганиш самараси ошиб боради.

Бугунги кунда босқичларни мураккаброқ қилишга ҳаракат қилинмоқда. Яъни шундай машқлар киритилиши мумкинки, улар доирасида талаба бир вақтнинг ўзида бир нечта кўникмалар ва жараёнларни амалда бажариши керак. «Тушунтириш» ва «Намойиш этиш» поғоналари эса, босқичма-босқич амалга оширилади.

Бу усул касб-ҳунар коллежларида касбий фанлардан амалий кўникмаларни ўргатишда жуда яхши самара беради.

Иш ҳаракати усуллари намойиш қилиш методи. Бу методини қўллашдан мақсад талабалар онгига иш ҳаракатининг аниқ кўриш тарзини яратишдир.

Иш ҳаракатининг аниқ ва тўлиқ тарзи талабалар онгига бир лаҳзада юзага келмайди. Аввал у умумий кўринишда таассурот қолдиради. Сўнгра аста-секин фаолиятлар бўйича аниқланади.

Иш усуллари намоёишини қабул қила бориб талабалар нафақат тушунишлари, билки уста томонидан уларга кўрсатилаётган барча усуллари алоҳида фаолиятлар бўйича ёдда сақлаб қолишлари керак. Шунинг учун иш усуллари намоёишини такрорлаш, яъни бир неча марта амалга ошириш лозим.

Машқ-кўникма ва маҳоратларнинг ташкил этувчилари бўлганлиги каби ишлаб чиқариш таълимининг ҳам асосий усули бўлиб ҳисобланган машқлар билан шаклланади. Машқ деганда онгли равишда маълум бир фаолият усули бўйича амалий ҳаракатларни кўп марталаб такрорлаш тушунилади.

Машқларни мазмуни ва ўтказиш усуллари хусусиятларига қараб гуруҳларга ажратиш мумкин. Машқлар икки хил ёндашув – асосида тузилиши мумкин. Биринчисига дидактик мақсадлар бўйича кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган машқлар; бошланғич маҳоратни ва мураккаб маҳорат шакллантиришга йўналтирилган машқлар киради. Иккинчисига мазмун бўйича: иш усуллари бажаришда йўналтирилган машқлар; иш жараёнларини бажаришда йўналтирилган; технологик жараёнларни бошқаришга йўналтирилган машқлар киради.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида талабаларнинг касбий маҳоратни шакллантириш мақсадида кетма-кет мураккаблашиб боровчи машқлар тизими ишлаб чиқирилиши лозим.

Талабаларнинг мустақил кузатуви. Бу усул асосан мураккаб тузилишдаги жихозларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ касбни эгалламокчи бўлган талабаларнинг ишлаб чиқариш таълимида қўлланилади.

Кузатув талабалар томонидан мустақил равишда, ишлаб чиқариш таълими устасининг назорати ва унинг кўрсатмалари бўйича ўтказилади. Топшириқда одатда мустақил кузатувлар мақсади қўйилади, уларни ўтказиш тартиби кўрсатилади ва кузатувлар натижаларини қайд қилиш бўйича кўрсатмалар берилади.

Ёзма кўрсатма бериш. Бу усулни қўллаш ишлаб чиқариш таълими дарсларида мустақил ахборот манбаи хисобланган турли хил кўрсатмали ўқув ҳужжатларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш таълимида кўрсатмали, технологик хариталар ва ўқув алгоритмлари кўп қўлланилади.

Кўрсатмали хариталар технологик жараёнларини ўрганишда қўлланилади. У урганилаётган объектда технологик жараёнлар бажарилиши усуллари, кетма-кетлиги, қондаси, воситалари, тартиби, назорат ва ўз-ўзини назорат қилишни очиқ беради.

Технологик хариталар ҳар томонлама хусусиятга эга бўлган ишларни бажаришда қўлланилади; улар фаолият усулини бажаришнинг технологик кетма-кетлиги, тартиботи, техник талаблари, воситаларини очиқ беради.

Ўқув алгоритмлари талабаларга мураккаб жихозларни ростлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва созлашни ўргатишда қўлланилади.

Ишлаб чиқариш таълимнинг фаол усуллари. Ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажаришда фаоллик яъни фикрий, онгли равишдаги, ижодий фаоллик муҳим аҳамиятга эга. У талабаларда ўз ҳаракатларини кўрсатилган намуна билан мос равишда онгли равишда тузатишларида, ижобий натижаларга олиб келувчи фаолият усуллари мустақил танлашларида, ўз меҳнатларини режалаштириш, хатоларни таҳлил қилиш ва тузатишда намоён бўлади. Ишлаб чиқаришда талабаларнинг фаоллиги – бу уларнинг машина, агрегат, қурилма ишининг ташқи белгилари бўйича ички жараёнларни тасаввур қилишлари ва ушбу белгиларининг таҳлили асосида зарурий ҳолларда уни ростлаш бўйича мақсадга мувофиқ қарорлар қабул қилиш қобилиятидир; бу эгалланган фаолият усуллари макбуллаштириш, ўзгарувчан шароитларда маҳорат билан ҳаракат қилиш қобилиятидир.

Ишлаб чиқариш таълимининг «фаол» усулларига авваламбор ишлаб-чиқариш техник вазифаларини ечиш киради, яъни:

- ишлов бериш, ростлаш, созлаш ишлари;
- дастур билан бошқариладиган автоматлаштирилган жихозлар учун бошқарув дастурларини ишлаб чиқиш ва созлаш;

- машиналарнинг кинематик ва принципиал схемаларидан фойдаланиб ишлаш тартиботлари ва параметрларини аниқлаш;
- жиҳозларни урнатиш схемаларини ишлаб чиқиш;
- ишлов бериш, йиғиш, ростлаш бўйича технологик жараёнларини мустақил равишда ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқариш таълими устаси томонидан таклиф этилган ёки талабалар мустақил ишлаб чиққан бир неча технологик жараёндан энг мақбулини танлаш;

- иш вақти, материаллар, энергияни тежаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш таълимининг «фаол» усулларига шунингдек турли хил ишлаб чиқариш вазиятларида мустақил қарор қабул қилишга ва ечишга йўналтирилган махсус машқлар ҳам киради. Бундай машқлар талабаларни ҳақиқий шароитларда юзага келувчи ўхшаш вазиятларда ҳаракатларга тайёрлайди.

Машқ учун машинада иш шароитини у ёки бу даражада ўхшатувчи, шунингдек муайян иш жойида юзага келувчи технологик тартиботнинг асосий бузилишлари вазиятини яратиш зарур. Бундай вазиятлар технологик вазифалар деб аталувчи топшириқларда берилиши мумкин.

Назорат саволлари

1. «Касбий маҳорат» тушунчаси моҳиятининг кўрсаткич-мезонларни айтинг.
2. «Тўрт поғонали усул» ни айтинг.
3. Иш ҳаракати усуллари намоёни қилиш методига таъриф беринг.
4. Талабаларнинг мустақил кузатуви қандай таълимда кулланилади?
5. Ишлаб чиқариш таълимнинг фаол усулларига нималар киради?

Таянч иборалари.

Фаол, параметр, кинематик, алгоритм, технологик харита, машқ, касбий мустақиллик.

9 - МАЪРУЗА

ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИ ТАНЛАШ

Режа:

Таълим методларини танлаш.

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.
3. Олимов Қ.Т.,Узокова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.

Таълим методларини танлаш биринчидан, дарсдан кўзда тутилган ўқув мақсадларига боғлиқ. Масалан, агар дарснинг мақсади янги билимларни эгаллашдан иборат бўлса, ўқитувчи бу билимларни ўзи баён қилади ёки талабаларнинг китоб билан мустақил ишлашини ташкил қилади. Биринчи ҳолда у турли хил нарсаларни кўрсатиш билан қўшиб олиб бориладиган ҳикоя, тушунтириш, маъруза ёки суҳбат методидан фойдаланиши мумкин. Агар дарсда талабаларда амалий кўникмалар ҳосил қилиниши керак бўлса, бунинг учун машқ қилиш методи қўлланилади.

Иккинчидан, ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва дарснинг конкрет материалига боғлиқ бўлади. Масалан, "Тикувчилик технологияси" фанида ўрганиш кийимга ишлов беришда бир хил методлар, ишлаб чиқариш таълими дарсларида эса бутунлай бошқа методлар қўлланилади. Айрим ҳолларда ўрганилаётган технологик жараёнларни талабалар бевосита кузатишлари мумкин. Шунинг учун ўқитувчи бу кузатишни тажрибаларда ёки меҳнат фаолияти жараёнида ташкил этади. Агар уларни бевосита кузатиш мумкин бўлмаса, ўқитувчи турли хил кўрсатмали қуролларни намоиш қилишдан фойдаланади.

Учинчидан, талабаларнинг илгариги тайёргарлик даражасига ва шахсий тажрибасига боғлиқ. Агар янги материал талабаларга бутунлай нотаниш бўлса, ўқитувчи буни ўзи баён қилади, буни кўрсатмали куроллар ва тажрибаларни кўрсатиш билан қўшиб олиб боради.

Ниҳоят, маълум бир ўқитиш методини танлаш асбоб-ускуналар, кўрсатмали куроллар ва ўқув жараёнининг нормал ўтишини таъминлайдиган бошқа шарт-шароитларнинг борлигига, шунингдек, ўқитувчининг тажрибаси, иш услуби ва шахсий сифатларига боғлиқ. Ўқитувчининг вазифаси-бу шарт-шароитларни яхшилаш ҳамда ўзининг педагогик маҳоратини доимо такомиллаштириб боришдан иборат.

Назорат саволлари.

1. Таълим методларини айтиб утинг.
2. Мисол килиб, бирорта фанни олиб қайси методдан фойдаланганингизни тушунтириб беринг.

Таянч иборалари

Таълим, хикоя, маъруза, сухбат, иш услуби.

10 - МАЪРУЗА

КАСБ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ.

КАСБ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ.

Режа:

1. Таълимнинг ташкилий шакллари.
2. Касбий-таълим дарсларига куйиладиган талаблар.
3. Касб таълимда замонавий дарсларга куйиладиган дидактик талаблар.

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.

3. Олимов Қ.Т., Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.

Таълим жараёни иштирокчилари (Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар)нинг маълум белгиланган тартибда амалга ошириладиган ҳамкорликдаги фаолиятининг ташқи кўриниши касбий таълимнинг ташкилий шаклини англатади.

Кишилиқ жамиятининг тараққиёт этиш даврида таълимнинг ташкилий шакллари турлича бўлган.

Қадимги пайтларда яқка тартибда ўқитиш кенг тарқалган бўлиб, маълум ижодий жиҳатларга эга бўлганлиги боис ҳозирги вақтгача сақланиб қолган. Ўрта асрга келиб, касбий таълим-тарбия кичик гуруҳлар шаклида ўтказила бошлаган. чунки бу даврда саноат ишлаб чиқариши йўлга қўйилаётган давр эди.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида чех педагоги Я.А.Коменский синф-дарс тизимини назарий жиҳатдан исботлаб берди.

Ҳозирги пайтда касбий таълимнинг ташкилий шакллари қуйидаги хусусиятларига биноан турланади:

1. Таҳсил олувчилар сонига кўра-оммавий, жамоавий, гуруҳли, индивидуал.
2. Ўқитиш жойига кўра-таълим-тарбия муассасаларида ва таълим муассасаларидан ташқарида (ўқув устахоналарида, машқ майдонларда, корхоналарда, уй ишлари, саёҳат ва шу кабилар).
3. Ўқув вақтининг давомийлигига кўра-45 минутлик, жуфтлик (90 мин), қисқартирилган (70 минутлик), кўнғироқсиз.

Амалиётда синф-дарс тизими кенг кўламда қўлланилганлиги сабабли дарс таълим тарбия ишининг асосий шакли деб юритилади. Синф-дарс тизимининг асосий ўзига ҳос жиҳатлари қуйидагилар ҳисобланади:

-деярли бир хил таркиб, ёш ва тайёргарлик даражадаги таҳсил олувчилар иштирок этади;

-таълим-тарбия жараёни ўзаро боғлиқ алоҳида-алоҳида қисмлар кўринишига эга бўлади;

-ҳар бир дарс ўқув режасига кирган маълум бир ўқув предметига оид бўлади;

-дарслар мунтазам равишда алмашиб туради;

-касб таълим дарсларига ўқитувчи муҳандис-педагог, тажрибали мутахассис кабилар раҳбарлик қилади;

-таҳсил олувчилар турли кўринишдан ўқув-билиш фаолиятида иштирок этадилар.

Қуйидагилар синф-дарс тизимининг ижобий томонлари ҳисобланади:

-қатъий ташкилий тузилмага эгалиги;

-иқтисодий кўрсаткичларининг нисбатан юқорилиги. Чунки бир ўқитувчи бир вақтни ўзида кўп сонли таҳсил олувчилар билан ишлайди;

-ўзаро ҳамкорлик фаолиятини амалга оширишга қулай шароит яратилади.

Шу билан бирга синф-дарс тизимининг қуйидаги камчиликлари ҳам эътироф этилган:

-ўртача таҳсил олувчига мўлжалланганлиги;

-ҳар бир таҳсил олувчилар билан индивидуал ишлаш имкониятининг йўқлиги.

Ижтимоий талаблар, касб таълимининг мақсад ва вазифалари, таҳсил олувчиларнинг талаб ҳамда эҳтиёжлари, таълим-тарбия қонуниятлари, принциплари кабиларга кўра касбий-таълим дарсларига қуйидаги талаблар қўйилиши келиб чиқади:

1. Фан-техника ва ишлаб чиқариш технологияларининг сўнгги ютуқлари, илғор педагогик тажрибалардан имкон қадар фойдаланиш, таълим-тарбия қонуниятларига асосаниб дарс тузилмасини мақбуллаштириш;
2. Дарсда барча дидактик принципларнинг мақбул нисбатини таъминлаш;
3. Таҳсил олувчиларнинг қизиқиши, эҳтиёжлари, мойиллигини ҳисобга олган ҳолда маҳсулли ўқув-билиш фаолиятига шарт-шароит яратиш;
4. Ўқув материални мукамал ўзлаштирилиши учун фанлараро алоқадорликка амал қилиш;

5. Таҳсил олувчилар томонидан илгари ўлаштирилган билимлар ва уларнинг ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда иш кўриш;
6. Таҳсил олувчиларнинг барча ижобий жиҳатларини рағбатлантириш, ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш йўли билан ривожлантиришга эришиш;
7. Дарснинг барча босқичларида мантиқий ва эмоционал ҳис-туйғуларга асосланиш;
8. Дидактик материаллар ва воситалардан самарали фойдаланиш;
9. Назарий материални амалиёт билан узвий боғлаб ўрганиш;
10. Зарурий билим, иш ҳаракат усуллари, оқилона фикрлаш ва амалий фаолият кўрсатиш усуллари таркиб топдириш;
11. Таҳсил олувчиларда узлуксиз равишда ўқиб-ўрганиш, ўз билими ва касбий маҳоратини ошира бориш малакасини шакллантириш;
12. Дарсларни мукаммал режалаштириш натижаларини олдиндан башорат этиш ва ташҳислаш.

Касб таълимига оид замонавий дарсларда бир-бири билан узвий боғлиқ таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни уйғунлаштириш бу соҳадаги аниқ мақсадларни ҳам аниқлаштириб олишни талаб этади.

Касб таълимда замонавий дарсларга қуйидаги дидактик тадлаблар қўйилади:

А)ҳар бир дарснинг таълимий вазифасини аниқ белгилаб олиш;

Б)ижтимоий талаб ва таҳсил олувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини мақбуллаштириш;

В)ўқув-билиш фаолиятини самарали педагогик технологиялар асосида ташкил этиш;

Г)таълимнинг турли шакл, метод ва воситаларининг оқилона уйғунлигини таъминлаш;

Д)дарс тузилмасини ижодий ёндошган ҳолда шакллантириш;

Ж)таҳсил олувчиларнинг турли ўқув-билиш фаолиятларини уйғунлаштириш;

З)таълим жараёни иштирокчилари орасида тезкор тескари алоқани таъминлаш, таъсирчан бошқарув механизмини ишлатиш;

Е)дарсни илмий-услубий асосда ташкил этиш.

Дарсга қўйиладиган тарбиявий талаблар қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-ўқув материалнинг тарбиявий имкониятларига аниқлаб, улардан оқилона фойдаланиш:

-таълим мазмуни ва мақсадларидан келиб чиқадиган тарбиявий вазифаларни қўйиш;

-таҳсил олувчиларни умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш;

-таҳсил олувчиларга аниқ ва дўстларга муносабатда бўлиш;

Дарсга қўйилган ривожлантирувчи талаблар;

-таҳсил олувчиларда ўқув-ўрганиш бўлган ижобий рағбатни шакллантириш ва ривожлантириш;

-таҳсил олувчиларнинг психологикхусусиятлари ва ривожланганлик даражасини ўрганиш ва ҳисобга олиш;

-ўқув машғулотларини одимлаш (илгарилаб бориш) даражасида ўтказиш;

-таҳсил олувчиларни ақлий, эмоционал ва ижтимоий ривожланишларини олдиндан башорат этиш ва бўладиган ўзгаришларга мос равишда тезкор ўзгартиришлар киритиш;

Бундан ташқари касб таълими методикасида ташкилий, психологик, бошқарувчилик, мақбул мулоқот ўргатиш, ҳамкорлик қилиш санитария-гигиена, этик ва шу каби талаблар ҳам ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш таълимининг шакллари

Ў=ув устахонасида

Корхоналарининг ў=ув
цехларида

Таъсил олувчиларни
гуруҳларда ў=йтиш

Таъсил олувчиларни
малакали ишчилар
таркибига
ў=йтиш

Таъсил олувчиларга
асосий иш жойларида
таълим бериш

Назорат саволлари

Касбий таълимнинг ташкилий шакллари қандай
хусусиятларига биноан турланади?

Нималар синф-дарс тизимининг ижобий томонлари
ҳисобланади?

Синф-дарс тизимининг камчиликлари нимада?

Касбий-таълим дарсларига қандай талаблар қўйилади?

Таянч иборалари

Ў=ув устахонаси, дидактик материаллар, синф, дарс.

ЎҚУВ УСТАХОНАЛАРНИНГ ЖИҲОЗЛАНИШИ.

Режа:

1. Ўқув устахоналарини ташкил қилиш
2. Уқув устахоналарини режалаштиришда қуйиладиган умумий талаблар.
3. Иш урнида риоя қилинадиган талаблар.

Адабиётлар

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдуқуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.

Маълумки, касб-ҳунар таълимининг моддий-техника базаси яхши таъминланган ва улардан мақбул фойдаланилган ҳолдагина, сифат жиҳатдан кўзлангандай мутахассис кадрлар тайёрлаш имконияти туғилади. Шу боис ўқув муассасаларни ўзида ҳам, корхона цехларида ҳам яхши жиҳозланган устахона, майдонлар ташкил қилиниши назарда тутилади. Таҳсил олувчилар бу ерда иш ўрнини оқилона ташкил этиш малакаларини эгаллайдилар, шуни бажариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, мосламалар, механизмлар билан танишадилар, операциялар ва ҳатти-ҳаракатни бажариш тартибини, ишлаб чиқариши маданиятини эгаллайдилар, ўқув вақтидан оқилона фойдаланиш хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш ва технологик талабларга риоя қилишни ўрганадилар. Таълим муассасаларида ўқув устахоналарининг мавжудлиги таҳсил олувчиларни фронтал ўқитиш учун зарур шароитлар яратади, назарий машғулотларни амалиёт билан оқилона боғлаб ўрганилишига имкон беради, материалларни ўқув дастурига мувофиқ изчилликда ўрганишни таъминлайди.

Ўқув устахоналари-ни ташкил қилиш, уларни жиҳозлаш ва режасини тузиш таълим муассасасининг тури, тайёрланадиган мутахассислик характери ва ишлаб чиқариш хусусиятларга мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш таълими мақсадларида фойдаланиладиган ўқув устахоналари ва ёрдамчи хизмат бинолари пухта ўйлаб жойлаштирилиши ҳамда ўқув ва технологик талабларга тўлиқ жавоб бериши керак. Ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарининг таркиби ҳамда майдони саноат, қурилиш, транспорт, маиший хизмат кўрсатишнинг тегишли соҳаларини лойиҳалаштиришнинг технологик меъёрига, шунингдек, қурилиш меъёр ва қоидаларига жавоб бериши керак.

Касб-хунар коллежларининг янги мажмуаларини, ўқув устахоналарини қуришда таълим муассасаларини лойиҳалаштирувчи ташкилотларнинг лойиҳаларига амал қилиш лозим. Ўқув устахоналарини биринчи қаватга жойлаштириш, келгусида унинг кенгайтириш мумкинлигини назарда тутган ҳолда режалаштирилади. Устахоналарда бажариладиган ишлар натижасида шовқин чиқишини ҳисобга олиб, уларни имкон борича бинонинг алоҳида қанотига ёки назарий машғулотлар ўтказиладиган бинолардан узоқроқда жойлаштириш керак.

Ўқув устахоналарида ишлаш учун энг қулай шароит яратиш учун қуйидагилар бўлиши зарур:

- ҳавонинг ҳарорати қиш пайтида 15-16°C дан паст бўлмаслиги, ёзда эса 20°C дан ошмаслиги керак. Устахона биносида ҳаво алмашилиши табиий ёки сунъий равишда амалга оширилади.

Устахона поли илиқ, юзаси тозалаш учун қулай, сирпанмайдиган бўлиши талаб этилади. Деворлар очиқ рангга, шип эса бинони яхшироқ ёритилиши учун оқ рангга бўялади.

Ўқув устахоналари ва майдонлари билим юртида тайёрланадиган касб ва ихтисосликларга кўра меъёрланади. Касб-хунар коллежлари ўқув устахоналарининг режалаштиришда қуйидаги умумий талабларга амал қилинади:

1. Ўқув устахоналари машғулотларни амалий таълим дастурига мувофиқ ўтказишга мослаштирилган бўлиши керак;
2. Ҳар бир бўлим майдони ва асбоб-ускуналари миқдорига кўра ҳамда эгалланадиган касб, ихтисосликка мувофиқ 25-30 ёки 12-15 нафар талабалар гуруҳини бир вақтни ўзида ўқитишга мўлжалланади;

3. Ўқув устахоналари гуруҳларни фронтал ўқитишга мўлжалланган бўлиши керак;
4. Ўқув устахоналарида тайёрланадиган ҳар бир касб ва ихтисосликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида бўлимлар, шунингдек асбоблар ва материаллар сақланадиган омборхона, механика бўлими ва ҳакозолар ташкил этилади;
5. Технологик жараён жихатидан боғлиқ бўлган бўлимларни бир-бирига яқинроқ жойлаштириш зарур;
6. Силлиқлайдиган, жилвирлайдиган ва чархлайдиган дастгоҳлар одатда алоҳида бинога ўрнатилади. Агар бунинг иложи бўлмаса, бундай дастгоҳлар устига ҳавони сўриб олувчи вентиляция ўрнатилади;
7. Иш жараёнида кўп миқдорда газ, чанг ёки кучли шовқин чиқарадиган бўлимлар тўлиқ изоляция қилинади;
8. Устахоналар дастурнинг мазкур мавзуси ўрганилаётганда осиб ёки ўрнатилиб қўйиладиган керакли кўрсатмали куроллар, жадваллар, ўқув ишлаб чиқариш ишларининг рўйхати билан таъминланади;
9. Устахона деворининг бир томонига гуруҳ талабаларига тегишли кўрсаткичлар ўрнатилади;
10. Устахонанинг барчага яхши кўринадиган жойига биринчи ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган дори-дармон солинган аптечка ва қайнатилиб совутилган сувли бак қўйилади;
11. Таҳсил олувчиларнинг иш ўрнидаги индивидуал асбоб-ускуналари кмплекти ва зарур жиҳозлар учун махсус мосламалар бўлиши керак;
12. Устахонада тозалаш учун ишлатиладиган материаллар, қиринди, қипиқни йиғишга мўлжалланган қопқоқли яшик; уларни йиғиштириб олиш учун хокандоз, белкурак, устахонани тартибга келтириш учун чўткалар бўлиши керак;
13. Устахонада ёнғинга қарши зарурий инвентарь бўлиши шарт;
Ўқув устахоналар таҳсил олувчилар ишлаб чиқариш таълими дастури талабаларига мувофиқ топшириқларни бажаришлари учун зарур

бўладиган, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берадиган индивидуал ва оммавий фойдаланишга мўлжалланган асосий ва ёрдамчи ўқув-ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан жиҳозланади.

Ўқув устахонасига жиҳозларни жойлаштиришда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Ўқитувчи ўз иш ўрнида туриб, таҳсил олувчилар гуруҳига жамоавий йўл-йўриқ бериш имкониятини;
2. Таҳсил олувчиларнинг мақбул ишлари учун энг қулай ва хавфсиз шароитни;
3. Ишлаш, таъмирлаш вақтида шунингдек материаллар ташишда ҳар томондан келишнинг қулайлигини фақат ишчи турадиган дастгоҳ орасидан ўтиш жойларининг кенглиги 05-08 м, дастгоҳлар қатори орасидагитиш йўлининг кенглиги энг камида 1,2 м аравача, электрокаръ ва бошқа транспорт воситалари ўтадиган жойнинг кенглиги 2 мдан қилиб белгиланади. Ўқув устахонасидаги барча турдаги жиҳозларнинг хавфли жойлар тўр, кожухлар билан тўсиб қўйилади.

Иш ўрни деганда ўқув устахонаси ёки цехнинг алоҳида ишчи ихтиёрида бўлган ва у ишлаб чиқариш топшириғини бажаришида керак бўладиган жиҳоз, мослама, асбоб ва материалларнинг мақсадга мувофиқ ҳолда жойлаштирилган маълум қисми назарда тутилади. Одатда иш ўрни қуйидагиларни ўзига қамраб олади:

- ишчи фойдаланадиган меҳнат воситалари ўрнатилган, нормал ишлаш учун зарур бўлган майдон;
- иш бажариладиган жиҳозлар, механизм ва мосламалар;
- материал, ярим тайёр маҳсулот, тайёр маҳсулотлар, чиқиндиларни жойлаштириш, сақлаш учун махсус қурилмалар;
- асбоб-ускуналар, мосламалар ва техникага оид ҳужжатларни жойлаштириш ва сақлаш учун махсус қурилмалар;
- ҳар бир иш ўрнига мўлжалланган кўтарма-транспорт воситалари;

- нормал ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи қурилмалар.

Шундай қилиб иш ўрни амалий машғулотлар дастурини тўлиқ ва сифатли бажаришига шароит яратадиган қилиб ташкил этилиши зарур. Меҳнатни илмий ташкил этиш асосида иш ўрнини ташкил этиш энг аввало оқилона меҳнат жараёнини, таҳсил олувчилар толиқишини камайтиришни назарда тутди.

Таҳсил олувчилар иш ўрнида қоидага риоя қилишлари учун қуйидаги талабларга амал қилинади:

- ишга керакли бўлган барча предметлар зарур бўлган пайтда дарҳол топиш учун қўл остида бўлиш керак;
- иш жараёнида тез-тез ишлатиладиган асбоб-ускуналар, материалларни ишчига яқинроққа, камроқ ишлатиладиганлари эса узоқроққа жойлаштирилади;
- фойдаланиладиган барча жиҳоз ва материаллар тахминан бел баландлигида жойлаштирилади;
- асбоб ва мосламаларни қайси қўл билан олиш қулай бўлса, ўша томонга жойлаштирилади;
- бир предметни иккинчиси ёки ишлов берилаётган маҳсулотнинг устига қўйиш мумкин эмас;
- хужжатлар фойдаланиш учун қулай, шу билан бирга ифлос бўлмайдиган жойда сақланади;
- ярим маҳсулот, материаллар, тайёр маҳсулотлар ўтиш йўлларини тўсмайдиган ҳамда ҳалақит бермайдиган, ҳолатда сақланиши зарур, енгил нарсаларни оғирларидан юқорироққа қўйилади.

Ўқитувчининг иш ўрни машғулотларини самарли ўтказиш ва иш вақтининг бекор кетишини камайтиришни таъминлашга ёрдам бериши керак. У иложи борида талабаларни тўлиқ кўра оладиган, 25-30 смбаландликда жойлаштирилади.

Физиологик, психологик нуқтаи назардан олиб қараганда, касбий таълим-тарбия жараёни таҳсил олувчиларнинг ўсиб-ривожланаётган организми учун сезиларли юкланиш беради. Шунинг учун ҳам ўқув режимини юқори иш қобилятини таъминлайдиган, таҳсил олувчи соғлигига зарар етказмайдиган

қилиб ташкил этилади. Таҳсил оловчиларнинг иш режимини белгилашда иш қобилятини қуйидаги босқичлари инобатга олинади:

I-босқичда таҳсил оловчи вазифани олиб, ишга киришади, аста-секинлик билан меҳнат унумдорлик ошиб боради;

II-босқичда юқори унумдорликка эришилади;

III-босқичда иш унумдорлиги пасайиб, чарчаш ҳолати вужудга келади.

Назорат саволлари

1. Ўқув устахоналарини ташкил этиш қандай амалга оширилади?
2. Ўқув устахоналарида ишлаш учун қулай шароит яратиш учун қандай бўлиши зарур?
3. Касб-ҳунар коллежлари ўқув устахоналарининг режалаштиришда қандай умумий талабларга амал қилинади?
4. Таҳсил оловчилар иш ўрнида қоидага риоя қилишлари учун қандай талабларга амал қилинади?

Таянч иборалари

Физиологик, психологик, босқич, ярим маҳсулот, жиҳоз, мослама, асбоб, устахона, яшиқ.

12 - МАЪРУЗА

КАСБ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИНИ ВА МАЗМУНЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ.

Режа:

1. Ўқув мақсадларининг босқичлари.
2. Педагогик таксономиянинг тартиблари.
3. Ўқув мақсадларини тизимлаштириш ва даражалаш.

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.

2. Олимов Қ.Т.,Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
3. Н.Х.Авлиёқулов. Замонавий ўқитиш технологиялари. "Муаллиф" 2001.
4. Олимов Қ.Т.,Халимов Э.З.,Нигматиллаева З. Касб-ҳунар таълимида касбий фанлардан ўқув мақсадлари ва мазмунларини белгилаш // Илмий тадқиқотлар ахборотномаси.-2003.-№2.Б. 35-36.

Ўқув мақсадларини аниқлаш, шакллантириш, турлаш ва тизимлаштириш, кетма-кет масалалар ва саволлар тарзида ифодалаш ўқитувчи ишининг энг мураккаб ва маъсулиятли қисми ҳисобланади.

Мақсадларни аниқ белгилаш ва тизимлаштириш, ўқитувчи фаолиятининг кейинги босқичларига йўналтирувчи омил сифатида хизмат қилади. Таҳсил олувчилар онгига етказилаган таълим мақсадлари уларни ўқув-билиш фаолига мўлжал бўлади ва таълим-тарбия жараёнида уларнинг онглилиги ва фаоллигини оширади.

Ўқув мақсадларининг ишлаб чиқишнинг биринчи босқичида ўқитувчи тайёрланаётган мутахассиснинг модели ҳисобланган давлат таълим стандартини ўрганиши зарур. Ундан сўнг ўқув режаси ўрганилиб, ўзи ўқитадиган ўқув предметини бошқа умумтаълим, умумкасбий ва ихтисослик туркум фанлари билан алоқадорлиги аниқланади. Ўқитувчи шу йўл билан ўзи ўқитадиган ўқув предметини ўқитишдан кўзланган умумий мақсадини, мутахассис фаолиятида учрайдиган муаммолм вазиятларни аниқлаштириш имкониятига эга бўлади. Шундай қилиб,ўқув режасига киритилган ҳар бир ўқув предмети давлат таълим стандарти доирасида бўлажак мутахассисларда маълум билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни кўзда тутди. Буларсиз мутахассис ўзига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажара олмайди.

Ўқув мақсадларини ишлаб чиқишнинг иккинчи босқичида ўқитувчи хусусий мақсадларни ишлаб чиқади. Бунда ўқув предметининг намунавий дстурини

таҳлил этиш асосида ҳар қайси боб, мавзуга тегишли мақсадлар аниқланади. Аниқланган мақсадга биноан ўқув материалининг мазмуни ва ўзлаштирилишда режаси дастур номи билан аталадган дарслик, ўқув қўлланмаси ва шу каби адабиётлардан аниқланади.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, ўқув жараёни ҳар бир ўқув предметининг ўқитиш мақсадларини белгилашдан бошланади. Чунки ҳар бир назорат ёки амалий машғулоти аниқ мақсадларни кўзда тутди. Агар ўқув мақсадлари белгиланмай машғулоти ўтказилса, унинг мазмуний ва дидактик тузилмаси бузилади.

Ўқув мақсадларини белгилаб, маълум кетма-кетликда жойлаштириш, таснифлаш, педагогик таксономия деб юритилади. **(Таксономия тушунчаси грекчадан олинган бўлиб, тартиб билан жойлаштириш қонуни маъносини англатади.)**

Таксономия ўрганилаётган объектнинг табиий алоқалари асосида тузиладиган кўп поғонали жойлаштиришдир. Педагогикада америкалик олим Б.Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси энг кўп тарқалган ҳисобланади. Бу таксономия қуйидаги тартибга эга:

1. Билиш-ўрганилаётган материални хотирада сақлаб қолиш ва қайта хотирлашни кўзда тутди. Бунда талаба ўзлаштирган материал мазмун моҳиятини англамайди.

2. Тушуниш-ўрганилаётган материални моҳияти англанади, хулоса чиқариш имконияти мавжуд бўлади. Тушуниш даражасининг кўрсаткичи сифатида материал моҳиятини изоҳлаб бериш, бошқа материаллар билан алоқадорлигини кўрсатиш кабилардан фойдаланилади.

3. Қўллаш-ўзлаштирилган далиллар, тушунчалар ва иш усулларини амалиётга тадбиқ этиш қобилияти.

4. Таҳлил қилиш-ўзлаштирилган яхлит ўқув материалини қисмларга ажратиш, бу қисмларнинг даража ва ўзаро нисбатларини ўргатиш, қайтадан яхлитлик ҳосил қилишни кўзда тутди.

5. Синтез-ўзлаштирилган алоҳида-алоҳида материални умумлаштириб яхлит янги тузилма ҳосил қилишни кўзда тутди.

6. Баҳолаш-белгиланган мақсадларни эгалланган натижалар билан қиёслаш орқали амалга оширилганлиги сабаб энг юқори даража ҳисобланади. Ўқув мақсадларини белгилашда талаба ўзини қандай ҳолатда тутиши лозимлиги ифодаловчи сўз (фъел) ишлатиш зарурки, у мақсадни аниқ тушунилишини таъмин этсин. Бунинг учун 3 навбатида ҳар бир мавзуга оид таянч ибораларни алоҳида кўрсатиш керак бўлади.

Ажратиб кўрсатилган таянч ибораларнинг ўзлаштирилиш даражасини белгилаб олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув мақсадларини тизимлаштириш ва даражалашни қуйидаги жадвал кўринишида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

	в мақсадлари	Феъллар
	Билиш	айтариб айтиш, қайд қилиш, хабар бериш, номлаб ёзиш, фарқлаш, таниш, айтиб бериш, такрорлаш.
	Тушуниш	иллар келтириш, ўрнини алмаштириш, аниқлик киритиш, белгилаб қўйиш, моҳиятини тушунтириш, ўзгартириш киритиш, изоҳлаш кабилар.
	Қўллаш	аштирган билим, кўникма ва малакалардан амалда фойдаланиш, ҳисоблаш лларини бажариш, намойиш этиш, ўргатиш, аниқлаш, бажариш, ечимини топиш.
	Аҳдил қилиш	ратиб кўрсатиш, келтириб чиқариш, табақалаштириш, таснифлаш, таклиф этиш, олдиндан айтиш, тақсимлаш, текшириш, гуруҳларга ажратиш.
	Синтез	умлаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқиш, кашф этиш, тизимлаштириш, лойиҳалаштириш.
	Баҳолаш	шҳис қўйиш, исботлаш, асослаш, ўлчаш, маъқуллаш, текшириш, назорат қилиш, таққослаш, қиёслаш, солиштириш кабилар.

Бу феъллар дарснинг бир-бири билан бевосита алоқадор ва муносабатда бўлган таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини шакллантиришда ўз ифодасини топиши зарур. Биз ҳар бир машғулоти мақсадини қанчалик аниқ белгилаб олсак, унга эришиш шунча осон бўлиши амалиётда тасдиқланган.

Амалий характердаги мақсадларга эришишда қуйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатиши мумкин: шарт-шароит, таҳсил олувчиларнинг онгли муносабатлари, моддий-техник база, вақт ва шу кабилар.

- I. Таълимий мақсад-таҳсил олувчилар билими, кўникмаси ва малакасидаги қандай (ўсиш) юксалиш бўлишини кўзда тутди.
- II. Тарбиявий мақсад-таҳсил олувчи шахсида қандай сифат ва фазилатлар таркиб топиши зарурлигини белгилайди.

Ривожлантирувчи (мантикий) мақсад-таҳсил олувчилар қандай мантикий операциялар ва ақлий фаолият усуллари ўзлаштиришлари ҳамда унинг ривожлантирувчи натижаларини кўзда тутди.

Назорат саволлари

1. Ўқув мақсадларининг ишлаб чиқишнинг боскичларини айтиб утинг.
2. Педагогик таксономия тушунчасини изохланг.
3. Таксономия қандай тартибга эга?

Таянч иборалари

Таълимий мақсад, синтез, таксономия, объект.

13 – МАЪРУЗА

ЎҚУВ-ДИДАКТИК МАТЕРИАЛ ҲАМДА ВОСИТАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Режа:

1. *Ўқитишнинг техник воситалари ва гурухлари.*
2. *Ўқув хоналарини ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлашда техникавий-педагогик талаблар.*
3. *Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш.*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.

2. Олимов Қ.Т., Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
3. Ulrich Kline. Projekt – und tron sferorientierte Ausbildung – PETRA (Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятга қўллашга қаратилган таълим). Printed in Germany.

Ҳозирги пайтда таълим-тарбия тизимида ўқитувчининг таҳсил олувчилар билан жонли мулоқот ва муносабати муҳим аҳамиятга эга бўлганлигига қарамай, у ягона ахборот манбаи бўла олмаслиги ҳаётий ҳақиқат. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия ишини осонлаштирадиган ва самарадорлигини ошириш омилларидан кенг фойдаланилади. Ана шундай омиллардан бири ўқитишнинг техникавий воситаларидир.

Ўқитишнинг техник воситалари деганда таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ҳамкорлик фаолиятини таъминлаб, унинг самарадорлигини ошириш, таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган қурилмалар тизими тушунилади.

Барча ўқитишнинг техник воситаларини шартли равишда уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Аудиовизуал воситалар (кинопроекция, диапроекция ва эпипроекциялар, овоз ёзиб олиш, телевидение, радио);
2. Жихозлар, ускуна ва асбоблар;
3. Дастурли (компьютерли) таълим воситалари.

Ўқитишнинг техник воситаларидан таълим-тарбия жараёнининг ташкил этувчи компоненталари билан узвий боғлиқлик ва муносабатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш зарур. Акс ҳолда машғулот самарасини умуман йўққа чиқариш ҳам мумкин.

Машғулотда ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш ёрдамчи характерга эга бўлиб, уларни танлаш, ишлатиш вақти ва жойи дарснинг умумий режасида мақсадларга мувофиқ равишда белгиланади.

Ҳозирга пайтда таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг жонли мулоқоти муҳим аҳамиятга эга бўлганлигига қарамай, у ягона ахборот манбаи бўла олмаслиги ҳаётий ҳақиқат.

Ўқув хоналарини ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлашда қуйидаги техникавий-педагогик талаблар қўйилади:

1. Ўқув хоналарини ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлашда ўқув жараёнида улардан мажмуавий тарзда фойдаланишни ҳисобга олиш зарур;
2. Ўқув хонасининг исталган жойидан яхши кўриш ва эшитиш имкониятининг мавжудлиги;
3. Ўқув хонасида, шовқин, ёритилганлик, намлик ва кабилар меъёрини таъмилаши;
4. Оддий, арзон, хавфсиз, узоқ муддат бузилмай ишлаши;

Таълим-тарбия ишида техник воситалардан фойдаланиш аввало дидактик принципоарга амал қилишни кўзда тутди. Масалан, кўрсатмалилик принципиниреал объект билан мавҳум тасаввурнинг бирлигини ифодалайди.

Реал объект ёки унинг тасвирини кўриш (идрок этиш) инсон учун уни билишнинг дастлабки ва энг оддий акти ҳисобланади, аниқ тасаввурлар ва мавҳум тушунчалар ҳосил қилиш учун асос вазифасини ўтайди.

Таълим-тарбия ишида кўрсатмалилик тамойилига амал қилиш зарурияти инсоннинг фикрлаш ҳусусиятидан келиб чиқади. Инсоннинг фикрлаш ҳусусияти маълумдан мавҳум томон ривожланади. Тушунча ва мавҳум қонун-қоидалар аниқ кузатишларга асосланса, уларнинг моҳият мазмуни анча осон ва тез шаклланади. Инсон тафаккурининг ривожланиши унинг ёшига, ҳаётий тажрибаси кабиларга боғлиқ бўлиб, таълим-тарбия жараёнида ҳисобга олинади, аниқ далиллар ва образлардан ажралиб қолмаслигини талаб этади.

Тасвирий кўрсатмалардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

-ўрганиладиган объект жуда катта ёки кичик бўлганда:

-ўрганиладиган объектни бевосита кўриш мумкин эмас:

-тушунча ва ҳулосаларни график тарзда ифодалаш мумкин бўлганда:

-мураккаб объектларни соддалаштириш ёки ишлаш тартибини кўрсатиш зарур бўлганда:

-объектнинг энг характерли замон ва макондаги ҳолатни қайд этиш ва кўрсатишда ва шу кабиларда.

Кўрсатмали қўлланмаларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-барча талабаларга яхши кўринадиган даражада катта бўлиши:

-ўқув хонасининг исталган жойидан бемалол ўқилиши:

-муҳим деталлар ва ёзувларнинг бошқа диққатни ўзига тортувчи ранг билан алоҳида бўялиши:

-тасвирлар имкон қадар объектнинг асл рангига мос бўлиши:

-тасвирларнинг эстетик дид билан расмийлаштирилиши:

-матннинг ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги:

-тасвирланган объектларнинг табиий вазиятда кўрсатилиши:

-масштабга риоя қилиши:

-арзон, қулай, узоқ вақт ўз ҳолатида сақланиши ва шу кабилар.

Шу ўринда кўрсатмали қўлланмадан фойдаланиш мақсад бўлмай, балки натижага эришиш воситаси эканлигини унутмаслик зарур.

Кўрсатмали қўлланмалардан фойдаланишда ўқув материалининг мазмуни ва вақтини ҳисобга олиш зарур. Машғулотда кўрсатмали қўлланмалардан ҳаддан ташқари кўп ҳам фойдаланиш яхши натижа бермайди. Намойиш қилинаётган материалларни идрок этиш жараёнида таҳсил олувчилар сезги органларининг (кўриш, эшитиш, ҳидлаш, таъм билиш) кўпроқ жалб этиш зарур. Ўқитувчининг сўзи билан кўрсатмалиликнинг уйғунлиги катта аҳамиятга эга. Кўрсатмали қўлланмадан фойдаланишганда бериладиган изоҳ. Таҳсил олувчилар диққат-эътиборини асосий материалларга қаратилишини кўзда тутати.


Ушбу воситалардан фойдаланишда уларни муайян мақсад, махсус соҳа ва усулларга мос ҳолда танлаш муҳим ўрин тутати. Энг муҳими шундаки, амалиёт ўқитувчиси ўқув ва кўргазмали воситаларни ишлата олишни ва улардан мақсадга мувофиқ ва оқилона тарзда фойдаланишни билиши керак. Техник воситалардан фойдаланилаётганда юзага келадиган техник муаммоларни ҳал қила оладиган

бўлиши лозим. Масалан: тикув машинаси ишида содир бўладиган нуқсонларни бартараф эта билиши, асосий созланишларни бажариши ва машинани ишчи ҳолатига келтира олиш керак, яъни ўз касбий соҳасининг моҳир устаси бўлиши керак. Амалиёт ўқитувчиси ўз касбий соҳаси учун қандай материаллар, қандай янгиликлар борлигига, шунингдек, қайси махсус соҳаларда унинг ўзи янгиликлар қила олиши мумкинлиги юзасидан умумий тушунчага эга бўлиши лозим. Кўпинча ўқитувчилар доска тасвирлари, флипчарт тасвирлари ва проектор слайдлари каби визуал воситаларни ўзлари ишлаб чиқадиладар.

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш

Назарий ва амалий машғулотлар учун манба материали сифатида ишлатиладиган воситаларимизни қуйидагича фарқланади:

Кўпинча ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш, ўрганиш учун ишлатилади.



Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш деганда, ўқитувчи томонидан уларнинг танланиши ва назарий ёки амалий машғулотлар мақсадига мослаштирилиши тушунилади.

Агар тайёр воситалар йўқ бўлса, у ҳолда уларни ўқитувчининг ўзи тайёрлашига тўғри келади.

Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлашда амалиёт ўқитувчиси чегараланган вақт ва техник имкониятларини инобатга олган ҳолда эътиборини қуйидагиларга қаратиши лозим:

-иш варақалари, тарқатмалар(босилган матнлар нусхалари), слайдлар, доска тасвирлари учун эскизлар

-езда топшириқлар, ёзма ва оғзаки тестлар учун сўров қоғозлари

- баҳолаш варақи, назорат қоғози

- иш режалари, ташкилий ҳужжатлар

Назарий дарслар ўтказиш пайтида амалий кўрсатмалар берилган қуйидаги воситалар ишлатилади:

Тури	Ишлатиш учун кўрсатмалар
Ўқув китоблари	Китобнинг муайян бетларини белгилаб, дарс режасига киритилади
Тарқатма материаллар	Ўқув китобларидан ёки бошқа манбалардан сайланма нусхалар тайёрланади ва кўпайтирилади.
Доска тасвирлари	Мавзу ва графикларга эскизлар тайёрлаш
Слайдлар	Улар нусхалаш аппаратида ёки компьютерда тайёрланади
Моделлар	Устахонадаги ҳар бир предмет ярқли – ҳам яхши ҳам ёмон маҳсулотлари кўрсатилиши лозим.

Амалий машғулотлар ёки амалий иш жараёнлари пайтида амалий кўрсатмалар билан тўлдирилган қуйидаги воситалардан фойдаланилади:

Тури	Ишлатиш учун кўрсатмалар
Техник чизмалар (кинематик схемалар, конструктив чизмалар)	бунинг учун асл нусхалари махсус жилдларда тўпланади.

Эксплуатацион кўрсатмалар	нусхалардан тарқатмалар ва слайдлар тайёрлаш учун ишлатилади.
Иш режалари ва бошқа хужжатлар	фақат нусхалар ишлатилади, асл нусхалари эса тоза сақланади
Моделлар, реал жиҳозлар асбоблар ва маҳсулотлар	яроқли ва яроқсиз жиҳозлар, яхши ва ёмон маҳсулотлар сифатига нисбатан юзага келган фарқни кўрсатиб бериши мумкин.

Ўқитувчи учун материаллар нафақат соҳага тегишли маълумотларни, балки ташкилий ишлар, усул ва натижаларни баҳолаш борасидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Талабалар учун материаллар эса қоида бўйича фақатгина соҳага тегишли жиҳатларни ўз ичига олади.

Дидактик материаллар фақатгина талабага мўлжалланган бўлса, ўқитиш материаллардан фарқ қилиши мумкин. Масалан: топшириқлар варақлари, саволномалар, йўналтирувчи усул саволлари ва муайян тарқатма материаллар.

Талабаларга тарқатиладиган материаллар таркибида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- содда тилда ёзилган ўқув мазмунлари
- матнларда бўш қолдирилган жойлар (талабалар томонидан тўлдирилиши учун)
- талабанинг эркин фикрлашига имконият берувчи саволлар
- устахонада ишлаш учун мўлжалланган, иш босқичлари кўрсатилган тушунарли чизмалар (эскизлар) ва жадваллар
- материал, жиҳоз, асбоб-ускуналар ва ёрдамчи воситалар ҳақида маълумотлар.

Матн тайёрлаш бўйича энг янги усуллардан бири бу матнларни ранглар билан ажратиш саналади:

-оқ қоғозлар: мазмуний жиҳатлар борасида матнлар (ўқитувчи ва талабалар учун)

-яшил қоғозлар: талабаларга топшириқлар

-қизил қоғозлар: ўқитувчининг услубий ҳужжатлари ва топшириқларнинг жавоб варақалари

Рангларни кодлаш ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштиради

-худди шу усулдан мазкур семинар ҳужжатларини тайёрлашда ҳам фойдаланилади.

Ўқитиш жараёнидаги энг муҳим воситалар доскалар, флипчартлар ва кодоскоп (проектор) ҳисобланади. Ўқитувчи бу воситалар орқали кўргазмали тус бериладиган намуналар яратиши керак. Бўр билан ёзиладиган доска учун аввал қоғозда ишланган ва матнлар билан тўлдирилган суратлар, флипчартлар учун эса қоида бўйича тақдимот намуналари бўлиши мумкин. Проектор слайдлари тўғридан-тўғри тайёрланиши мумкин.

Доска суратлари учун намуналар асосан ўқув китобларидан олинishi ёки шахсий қарашларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланиши мумкин. Бунда кўп вақт сарф этмасдан оддий шакллар орқали тузилган графиклар, схемалар, диаграмма ва шу кабиларни доскага чизиш мумкин. Матнлар учун намуналар тайёрлаш шарт эмас.

Шунга ўхшаш тарзда флипчарт суратларини тайёрлаш мумкин. Бу усул назарий дарс ёки амалий машғулот тайёрланишни енгиллаштиради.

Флипчарт блокларини бирга олиб юриш мумкинлиги туфайли тасвирлар қоғозларга тўғридан-тўғри туширилиши мумкин.

Проектор слайдлари қўлда, фотонусхалар ёки компьютер ёрдамида махсус шаффоф плёнкада тайёрланади.

Слайдларни тайёрлаш учун:

- оддий ацетат ёки қоғози-шаффоф сунъий қоғоз;
- нусха олиш мумкин бўлган махсус қатламли слайдлар;
- фламастер, перманент ва сувда эрувчан слайдларни тозалаш учун спирт;

- сурат чизиш мосламалари (шаблон, чизғич ва бошқалар)лар ишлатилади.

Слайдларни қўлда тайёрлаш учун:

- сурат ёки матнни қоғозга эскизланади
- слайдни уни устига қўйиб, скрепка билан маҳкамлаб
- намунадаги сурат слайдга қўчирилади.

Назорат саволлари.

1. Уқитишнинг техник воситаларини неча асосий гуруҳга бўлиш мумкин ва қайсилар?
2. Ўқув хоналарини ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлашда қандай техникавий-педагогик талаблар қўйилади?
3. Тасвирий кўрсатмалардан қандай ҳолларда фойдаланилади?
4. Ўқув ва дидактик материалларни тайёрлаш деганда нимани тушунасиз?
5. Ўқитиш жараёнидаги энг муҳим воситаларга нималар киради?

Таянч иборалари

Сурат, коғоз, слайд, скрепка, шаблон, чизғич, фламастер, перманент, фотонусха, флипчарт, доска, бур, эксплуатацион кўрсатмалар, кинопроекция, диапроекция, эпипроекциялар.

14- МАЪРУЗА.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРДАН НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ.

Режа:

1. . Амалий машғулот режасининг тузилиши.
2. Режани қайта текшириш учун кўрсатмалар.
3. Қизитиш ва қизиқтириш (мотивация)
4. Амалий машғулотлар ўтказиш.

Адабиётлар:


1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. Олимов Қ.Т.,Узокова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.-Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
3. Ulrich Kline. Projekt – und tron sferorientierte Ausbildung – PETRA (Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятга қўллашга қаратилган таълим). Printed in Germany.
4. Олимов Қ.Т., Узокова Л.П., Дубровец Л.В. Касбий фанларни ўқитишнинг умумий таҳлили ва тузилиши. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона-2003. 71 б.

Касб-хунар коллежларида махсус фанлардан назарий дарс ва амалий машғулотлар режасини асло ўқув режаси ёки ўқув материали билан аралаштириб юбормаслик лозим. Назарий дарс ва амалий машғулотлар режаси фақатгина "йўл кўрсатувчидир", у ўқитиш ёки ўрганиш материали сифатида тушунилмаслиги даркор. Дарс режаси дарс жараёнини фақатгина бошқариб боради ва ўқитиш ва ўрганиш материаллари ўрнини олмаслиги керак. Бундай режа ўқув мақсадларини,модул ёки мавзу,амалий усулларни ўқитиш ва ўрганиш материалларини, шунингдек, қатъий белгиланган вақт чегарасини ўзида мужассам этади.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни утказиш давомида ўқитиш жараёнининг кўзда тутилган кетма-кетлигини сақлаб қолиш ва режалаштирилган ўқув мақсадларига эришишни таъминлаш лозим.

Олиб борилган дастлабки тажрибалар шуни кўрсатдики, амалий машғулотларни ўтказиш учун кенг қамровли тайёргарлик кўриш шарт эмас. Бундай режани тузишда амалиёт ўқитувчиси ўзи ўзлаштирган тажрибаларга асосланади.

Махсус фанлардан дарс жараёнида ишлатилиши мумкин бўлган ҳар қандай маълумотни ушбу режага киритиш тавсия этилади.



Аввало биз муҳим бандлари бир назар ташлаганда кўзга дарҳол ташланиши ва яхши ўқилиши учун катта шрифт билан ёзиладиган режани тавсия этамиз.

Биз ҳозир касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган “Тикувчилик корхоналари жихозлари” фани бўйича тасвирлайдиган қисмларга бўлиш намунаси (1- жадвал) мазмуний жиҳатлар асосида тузилсада, методик жиҳатлар билан ҳам тўлдирилиши мумкин.

Босқич	ҚТ	Мазмунлар ва аспекти бўйича	Методик аспекти бўйича	Мазмун ва шу билан боғлиқ бўлган методик аспекти бўйича
«Рафф»фирмасининг и баҳяли тикув машинасига ипларни иш ва тикув жараёнини ариш		Тикув машинасига қи ҳамда қи ипларни иш ва ариш машинада тикув жараёнини	Тикув машинасига қи ҳамда қи ипларни иш ва ариш машинада тикув жараёнини	Тикув машинасига қи ҳамда қи ипларни иш ва ариш машинада тикув жараёнини

		ариш		
--	--	------	--	--

Юқоридаги жадвалда келтирилган амалий машғулот режасининг тузилишини тасвирлаймиз.

1. Босқич.

Бу кўрсаткич машғулот пайтида йўналишни осон олиш учун зарур. Босқич бирор ўқув мақсади белгиланган мавзунинг боши ва якуни билан чегарадош қисмини ўзида мужассам қилиши лозим.

2. Вақт.

Бу ерда босқич давомийлигини баҳолаш ва уни режада белгилаш лозим.

3. Фаолият.

Бу ерда босқич билан боғлиқ фаолиятнинг тури белгиланиши лозим.

Бунга қуйидагилар киради:

Назарий дарс учун	амалий машғулот учун 4-поғонали усул сида
Майл Ахборот	Майл ва ахборот Намойиш
Мавжуд билимларни бошқа иятларда қўллаш	Имитация (кўрсатилган тарзда торлаш)
органилган мавзуларни қайта ишлаш н топшириқлар Таҳлил қилиш ва синтез Баҳолаш йўллари	Машқ қилиш

Амалий машғулотларни ўтказишнинг 4 поғонали усули асосан талабаларнинг амалий кўникмаларини ўзлаштиришга қаратилган, бўлиб, у 4 поғонали доирасида кечади. Бу поғоналарга "Тушунтириш", "Намойиш этиш", "Намойиш этилган тарзда такрорлаш" ва "Машқ қилиш" киради. Масалан, жадвалда келтирилган амалий машғулотни ўтказишда амалиёт

ўқитувчиси тикув машинасига ип тақиш кетма-кетлигини тушунтириб беради ва машинага устки ва остки ипларни тақиб кўрсатади. Сўнгра талаба шу ишни кўрсатилган тарзда қайтариши керак. Талаба ишни бажараётганда ўқитувчи унинг хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади).

Талабалар фаолиятини ушбу соҳада кўрсатиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Тасвир.

Бу ерга катта ва кичкина мавзулар номи киритилади. Сўнгра муҳим асосий тушунчалар ва яхши ишлаб чиқилган саволлар киритилади. Тўғри жавоблар ҳам бу ерга қўшиб қўйилади ва алоҳида ёзилади.

5. Ўқув ва дидактик материаллар.

Бу кўрсаткичга дарсга мос келадиган ва ёрдам бериб, унга кўргазмали тус берадиган ўқув ва дидактик материаллар киритилади. (3-жадвал)

арий дарслар	алий машғулотлар
ка тасвирлари	ник чизмалар, схемалар
йдлар	орат рўйхатлари ва фойдаланиш ича кўрсатмалар
тнли ҳужжатлар (матнли китоблардан халар)	режалари
воблар вароғи киритилган ёзма нлар ёки топшириқлар	олаш вароқлари
деллар,макетлар	облар,ёрдмчи воситалар,маҳсулотлар

Бир пайтнинг ўзида ўқув ва дидактик материалларни ишлатиб, бирор мавзуни ёритиш учун қуйидаги муайян усуллар қўлланилади:

- маъруза, ўқув суҳбати, мунозара
- тақдимот, намоиш, ўйин-машғулот, муайян ҳолатни ўрганиш
- индивидуал ва гуруҳ машқлари

Ва ниҳоят режанинг амалга оширилган босқичлари асосида бошқа зарур ҳужжатларни ҳам киритиш мумкин:

1. Титул коғози: - махсус ўқув китобнинг номи
 - семестр
 - ўқув гуруҳларининг номи
 - таълим олиш муддати

2. Талабалар таҳлили.

3. Дарсни утказиш учун дастлабки шарт-шароитлар таҳлили.

4. Махсус соҳа таҳлили(махсус соҳа бўйича график тасвир).

5. Ўрганиш мақсадлари жадвали.

Режани қайта текшириш учун кўрсатмалар.

Бир марта тузилган режа қуйидагича қайта текширилиши лозим:

1. Ўқув мақсадларини ўйлаб кўриш. Ушбу дарснинг ўқув мақсади керакли махсус соҳага мос келиши текширилади, яъни талабалар қандай амалий кўникмага эга бўлдилар ёки қандай кўникма ва тушунчаларга эга бўлишлари керак. Дарснинг якуний натижаси қандай бўлиши кераклиги ўрганилади.

2. Гуруҳлар ҳолатини ўйлаб кўриш.

Талабалар махсус соҳа тўғрисида нимани билишлари, уларнинг махсус соҳа бўйича қандай тушунчаларга эга эканликлари, гуруҳнинг дарсни ўзлаштириши борасида эътиборга олиниши лозим бўлган қийинчиликлар, гуруҳни кичикроқ гуруҳларга бўлиниши керакми ёки йўқми каби масалаларни ўрганиш керак.

3. Белгиланган вақт тўғрисида ўйлаб кўриш.

Дарс учун қанча вақт ажратиш кераклиги (бошқа бунга тегишли фаолиятларни ҳам инобатга олган ҳолда) куннинг қайси вақтида дарс ўтказилиши лозимлиги, қайдлар ёки вазифаларни тайёрлаш учун қанча вақт зарурлиги ўрганилади.

4. Жиҳозлар тўғрисида ўйлаб кўриш.

Зарурий асбоб ва мосламалар мавжудлиги ва улар яроқлилиги, синф хонаси барча талабларга жавоб бериши, ташқаридан бошқа ресурслар - бирор шахс, видеофильм ёки бошқа ёрдамлар керакми ёки йўқми каби муаммолар ўрганилади.

5. Махсус соҳа бўлимларини ўйлаб кўриш.

Махсус соҳа таҳлили мақсадга эришишда зарур бўлган барча мазмунларни қамраб олиш учун етарлими? Дарсни қисмларга бўлиш зарурми?

Баъзан дарсни қисмларга бўлиш талаб этилади. Шунда қуйидаги тузилма восита сифатида хизмат қилиши мумкин:

нона 1	нона 2	нона 3	нона 4
олиши шарт...	ўзлаштирилиши	олишга ёрдам	олиш учун
қўлла олиши шарт...	мумкин...	берилади...	ёқарли...
	қўлла олиши	қўлла олишга ёрдам	қўлла олиш учун
	мумкин...	берилади...	ёқарли...

Дарс ичидаги танлаш ёки мазмунлар 1-чи поғонада туриши лозим. Уларни биз ўқув мақсадларига эришишдаги минимумлар деб атаيمиз.

Агар тасарруфдаги вақт кутилганидан кўп бўлса, у ҳолда 3-ва 4-поғоналардаги мазмунларни қўшиб қўйиш мумкин. Амалиёт ўқитувчисининг кўплаб бошқа соҳалардаги билимларга эга бўлиши унинг мазкур ҳолатни осон бошқариб боришига ёрдам беради.

Бу ерда асосий мақсад "ўзлаштирилиши шарт бўлган билимлар"ни ва "ўзлаштирилиши мумкин бўлган билимлар"ни беришдан иборатдир. Бу орқали барча муҳим мазмунлар, далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва усуллар дарс режасида қанчалик даражада сақланиб қолган - қолмаганлиги назорат қилинади.

Бундан келиб чиқиб, таркибий қисмга тегишли мақсадларга мувожаат қилиш ва уларга эришиш жараёнини топшириқлар ва тестлар орқали назорат қилиш тавсия этилади.

Бунга кўра бирор дарс охирида топшириқлар ёзма кўрсатилган назорат иши олиш ва унинг натижаларини баҳо варақасига қайд қилиб бориш керак бўлади. Ўқув мақсадларига эришилмаганлиги аниқланса, у ҳолда амалиёт ўқитувчиси бошқа чораларни кўриши, масалан: такрорлаш дарсини режалаштириш лозим, шу билан бирга дарс режасига тафаккур қилиш учун ёрдам сифатида киритиладиган кизиқтириш ва ўрганиш усуллари ривожлантириш мумкин.

6. Ўқув ва дидактик воситаларни режалаштирилган усуллар ҳамоҳанглигида назорат қилиш.

Режалаштирилган усулларга мос равишда ўқув ва дидактик воситаларнинг мавжудлиги, топшириқлар, шунингдек, намойишлар ва машқлар назорат қилиниши керак. Улар етарли бўлмаса, у ҳолда уларни янада ривожлантириш ва ишлаб чиқиш лозим.

Ва ниҳоят:

Махсус фан ўқитувчиларига назарий дарс ва амалий машғулотлар режаларини махсус жилдда сақлаш ва уларни доимий тарзда тўлдириб бориш тавсия этилади.

Ўтказилган дарс ёки амалий машғулотлардан сўнг шахсий натижаларни таҳлил қилиб кўриш тавсия этилади. Буни биз дарс жараёнларининг сифатини таҳлил қилиш, амалга оширилган режанинг аҳамияти ва бошқа амалиёт ўқитувчиси томонидан ўз ҳамкасбларининг баҳоланиши, деб тушунамиз. Бу амалиёт ўқитувчисига ўз натижаларини доимий равишда яхшилаб боришда кўмак беради. Ушбу тавсияларни ва коидаларни «Тикувчилик корхоналари жихозлари ва ускуналари» фанини ўқитишда қўлланилганда яхши самара беради.

Назарий дарс қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади.

1. Қизитиш ва қизиқтириш(мотивация)
2. Маълумот бериш
3. Билим бериш
- 4.Ўрганилган билимларни қайта ишлаш бўйича топшириқлар бериш
5. Таҳлил ва синтезлар
6. Баҳолаш

Ушбу кетма-кетлик учун вақт одатда 45 ёки 80 дақиқани, ташкил этади. Дарс бошланишидан аввал дарсга тайёргарлик босқичининг натижаларини қисқача текшириб кўриш мақсадга мувофиқ бўлади (4-жадвал).

Дастлабки тайёргарлик	Таҳлиллар натижалари
Белгиланган вақт:	Ўқувчиларни талабаларга етказиш учун вақт етарлими?
Хоналарга тааллуқли шароитлар:	Синф хонаси бўшми?

	Стол ва стуллар етарлими?
Воситалар:	Доска, флипчарт ва кодоскоплар (проектор) ишлайдими? Бўр мавжудми?
Ҳужжатлар:	Дарс режаси борми? Етарли тарқатма материаллар ва топшириқ вароқлари мавжудми?

Қизитиш ва қизиқтириш (мотивация)

Дарс талабалар билан қизиқарли, ҳаттоки, дарсга тааллуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги суҳбат билан бошланади.

Иложи бўлса дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан суҳбатни бошлаш керак. Масалан қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикоят танланиши мумкин. Буларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида талабаларнинг кайфиятига, шу соҳага қизиқишига ёки кейинги дарсларда талабалар ўрганадиган фанига эътиборини қаратишга ёрдам беради.

Агар дарс биринчи бор янги талаба гуруҳида ўтиляётган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, талабаларга ҳам ўзларини таништириш имкониятини бериш керак. Бу талабаларда ишонч туғдиради, талабалар ўзларига билдириляётган ҳурматни ҳис қиладилар. Таърифланган ва танланган ўқитиш фанларни ва модуллари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Интринзли(ички) ва экстринзли (ташқи) мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Мотивация қилиш билан ўқиш ва ўрганишга бўлган тайёрлик учун шарт-шароит яратилади.

Маълумот ва билим бериш.

Сўнгра ўқитувчи талабаларга касбий соҳа бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув суҳбатлари, ўйин-машғулоти ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказади. Кейинги дарсларда янги мавзунини бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайтарилиши керак.

Талабаларга мавзуларга мос тарқатма материаллар тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёнини енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин-кетин тарқатиш, уларни қўйиб чиқиш учун етарли дақиқалар бериш ва талабалар эътиборини ахборотга қаратиш учун овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш учун топшириқлар бериш.

Талабаларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фаза келиши учун имконият яратиб беради. Гуруҳларда ишлаш ёки мустақил равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

Таҳлил ва синтезлар

Мавзу таҳлили орқали мавжуд вазият элементлари алоҳида кўриб чиқилиши мумкин. Шу ўринда алоҳида хусусиятлар муҳокама этилиши мумкин.

Мазкур хусусиятларни бир бутун қилиб синтезлаш тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва алоқадорликни аниқлаш имконини беради. Бу ерда гап билимнинг алоқадорлик даражаларини аниқлаш тўғрисида боради. Амалиётга яқинлашиш ва ўзлаштирилган билимларни келажакда ишлатиш учун синтез орқали бошқа илм-фан соҳалари билан боғлаш амалга оширилади.

Баҳолаш.

Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин талабалар ўзлари бажарган ишларини баҳолашлари лозим. Бошқа бир имконият эса натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилишдан иборатдир. Ўқув фани якунида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган ишлари, шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз натижалари юзасидан мулоҳаза юритишлари учун яхши имкониятдир.

Назарий дарсларни юқоридаги кетма кетликда утказишни **«Пфафф» фирмасининг 45-909-0045-001-002 русумли моки бахяли тикув машинасининг тузилиши ва ишлаш принципи»** мавзуси мисолида таҳлил киламиз.

1. Қизитиш ва қизиқтириш (мотивация).

Талабаларни қизиқтириш мақсадида тикувчилик машинасозлигига қарашли кашфиётлар ва ихтиролар ҳамда фан ва технологиянинг охириги ютуқлари ҳақида, «Пфафф» фирмасининг тарихи ва ушбу фирмада ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган тикув машиналари тўғрисида маълумотлар берилади. Тикув машинасининг схематик кўринишини эмас, балки машинани ўзини кўрсатиб, унинг ишчи органлари намоиш қилинади. Машинада ишлаш қоидалари кўрсатилади. Бунда қўшимча тарзда машина турларини, расм ва кинематик схемаларини, ундаги ишчи органлари ҳаракатларини тасвирловчи схемаларни флипчарт ёрдамида визуаллаштирилиши ҳам мумкин. Шу тарзда танланган ўқитиш предметлари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация амалга оширилади. Бу усулга эътиборни қаратиш мавзунини ўрганишингизга тайёргарлик учун қулай восита ҳисобланади. Сўнгра иккинчи босқичга ўтилади

2. Маълумот ва билим бериш.

Бу босқичда талабаларга «Пфафф» фирмасининг 45 45-909-0045-001-002 русумли тикув машинасининг механизмлари ва уларнинг ишлаш принциплари ҳамда созланишлари ҳақида чуқур маълумот берилади. Тикув машинасида тикиш жараёнини бажариш учун газламага мувофиқ игнани ва ипни танлаш, моки ва

бошқа ишчи органларни ўрнатиш ва устки, остки иплар тақилиши тўғрисида билимлар берилади. Ўқитувчи талабалар учун тарқатма материаллар тайёрлаб, уларда бевосита машинанинг ишчи органлари, игналар ва ипларнинг таҳлили яққол кўрсатилган бўлиши керак. Сўнгра мавзу талабалар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

3. Ўзлаштирган билимларни қайта ишлаш учун топшириқлар бериш

Талабаларга мавзунини тўлиқ бериб, ўзлаштириб олган мавзу устида такрорлаш ишлашлари учун топшириқлар берилиши зарурдир. Бунда уларга тикув машинасига ўзлари ипларни тақишлари, игнани ўрнатиш, мокини жойлаштириш бўйича вазифалар танлашлари мумкин. Бу уларда олган билимларини пассиф фазасидан, актив фазаси учун имконият яратиб беради.

5. Таҳлил ва синтезлар

Ҳар қайси талаба тикув машинаси тўғрисида олган билим ва маълумотларини қай тарзда қабул қилган бўлса, шу тарзда таҳлил қилинади, чунки синтез орқали бошқа илм-фан соҳалари билан боғлиқлик ҳосил қилади.

6. Баҳолаш

Ҳар бир топшириқ вазифалар берилгандан кейин баҳолаш керак бўлади. Бунда ўқитувчи ўзи учун махсус баҳолаш варағи тутиб, пассиф ва актив берилган фикрларни баҳолаб бориши шарт, шундагина ўқитувчи ҳам, талаба ҳам ўз мақсадига эришдими, йўқми маълум бўлади.

Амалий машғулотлар ўтказиш.

Махсус фанлардан амалий машғулотларга атрофлича тайёргарлик кўриш ва ўтказилиш лозим.

Баъзи ҳолларда амалий машғулот назарий дарсга уланиб кетиши мумкин. Масалан: «Тикувчилик корхоналари жихозлари ва ускуналари» фанидан тикув машинаси ишчи органларининг созланишларини схемалар орқали тушунтириш билан бир қаторда тикув машинасининг ўзида созланишлар бажариб курсатилади. Амалий машғулотларни ўтказишнинг турли қоидалари мавжуд бўлиб биз бевосита ва билвосита олиб бориладиган амалий машғулотлар тўғрисида тўхталамиз. Бевосита бошқариладиган амалий машғулотларда маърузалар,

тақдимотлар ва намоишлардан фойдаланилади. Буларга схемалар, проспектлар, видеотасвирлар ва ва жихозларнинг макетлари ва асл намуналари киради. Яхши ишлаб чиқилган ўқув материални талабалар диққат билан тинглаб, кузатадилар. Агар машғулотлар савол ва жавобларга асосланган ўқув суҳбатлари, муоммани муҳокама қилиш доирасида олиб борилса яхши самара беради.



Билвосита олиб бориладиган амалий машғулотлар асосан талабаларга га йўналтирилган машғулот бўлиб, унга тайёрланган топшириқлар воситасида матнли китобларни ўқиш, мустақил ўрганиш орқали ўйин-машғулот олиб бориш, бирор вазиятни ўрганиш, талабанинг ўзи мустақил ўрганишига туртки бериш, билимларни ўзлаштиришга туртки бериш кабилар киради. Масалан ўқитувчи тугма кадаш ярим автоматида махсулотни иш зонасига жойлаштириш, тугмани тутгичга ўрнатиш ва кадаш жараёнини бажариб курсатади,. Сўнгра талабалар бу жараённи ўзлари мустақил бажарадилар ва бир неча марта такроран машқ қиладилар. Бу ҳолда ўқитувчи кузатувчи ёки маслаҳатчи сифатида қатнашади.

Жараёнга йўналтирилган машғулотларга давра суҳбати, гуруҳий мунозара олиб бориш, модерация усуллари киради.

Касб хунар коллежларида амалий машғулотлар ўтказиш учун асосан ўқув устахоналаридан фойдаланилади.

Талабалар биринчи марта устахоналар, иш жойлари ва шароитлар билан таништирилади ва бир пайтнинг ўзида тўғри ва атроф-муҳитга таъсир этмайдиган фаолият, меҳнат хавфсизлиги қоидалари, соғлиқни сақлаш ва энергияни тежаб ишлатиш ҳақида хабардор қилинадилар.

Меҳнат хавфсизлиги қоидаларига бахтсиз ҳодисалар ва ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги ҳатти-ҳаракатлар киради. Буларга иш ўрнида шахсий хавфсизлик, ҳимоя воситалари ва механизмлардан тўғри фойдаланиш, ёнғинни олдини олиш чоралари, олов ўчирувчи мосламалар киради.

Кўп ҳолларда меҳнат хавфсизлиги қоидалари тушунтиришлари иш билан боғлиқ равишда олиб борилади.

Ўқув устахоналарида талабаларга бажариладиган иш босқичлари, асбоб ва машиналардан фойдаланиш, сифатни назорат қилиш усуллари каби турли амалий кўникмалар ўргатилади.

Ўқув устахоналарида амалий машғулотлар ўтказишда 4 поғонали усул ёки йўналтирувчи матн ва лойиҳа усули каби замонавий усулларни қўллаш тавсия этилади. (5-жадвал)

Танланган усул асосан амалий қобилиятлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган ва ўзида бунга тааллуқли назарий билимларни мужассам этган бўлади.

поғонали усулга асосланган фаолият	йўналтирувчи матн ва лойиҳа усулларига асосланган фаолият
1.Мотивация ва ахборот	1.Ахборот
2.Намойиш	2.Режалаштириш
3.Имитация	3.Қарор қабул қилиш
4.Машқ	4.Амалга ошириш
	5.Назорат қилиш
	6.Баҳолаш

Назорат саволлари

1. Назарий дарс кандай кетма-кетликда ўтказилади?
2. Амалий машғулот режасининг тузилишини айтиб беринг.
3. Фаолият тури белгиланишига нималар киради?
4. Ўқув ва дидактик материалларга нималар киради?
5. Бир марта тузилган режа кандай қайта текширилиши лозим?

Таянч иборалари

Мотивация, Қизитиш, қизиқтириш, таҳлил, синтез, фаол, интринзли, экстринзли, баҳолаш, имитация.

14

- МАЪРУЗА.

БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕТОДЛАРИ.

Режа:

1. *Билим, куникма, малака.*
2. *Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти*
3. *Баҳолашнинг моҳияти*

Адабиётлар:

1. .Олимов, О.А. Абдукуддусов, Л.П. Узокова, М.М. Ахмеджонов, Д.Ф. Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. ишонов, Б. Хайдаров ва бошқалар. Баҳолаш методлари. Тошкент. Осиё тараққиёт банки. 2003. - 156 б.
3. Олимов Қ.Т., Назарова Н.Н., Шукурова Б.Т. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари // Таълим муаммоалари.-2003.-№1.- Б. 61-62.
4. Олимов Қ.Т., Узокова Л.П. Талабалар ҳуқуқини ва билимини баҳолашнинг аҳамияти. Термиз Давлат Университети. Илмий амалий анжумани мақолалар тўплами. Термиз-2003.

Талабалар ўқиш жараёнида билим кўникма ва малакаларни эгаллаб оладилар. Билимларда объектив дунё умумлаштирилган ҳолда акс

эйтирилади.Билимларни ўзлаштириш фактлар,тушунчалар ва қонуниятларни ўрганишни назарда тутди.

Билимларнинг таъсирчанлиги,уларни бемалол эгаллаб ,уларнинг ўзгарувчанлиги,улардан турли шароитларда,жумладан,янги билимларни эгаллаш учун фойдалана билиш билимларнинг тўлалиги ва чуқурлигининг муҳим кўрсаткичидир.

Кўникма-кишининг маълум бир ҳаракатларни онгли равишда бажариш қобилиятидир,бу қобилият билимлар ва энг оддий тажриба асосида ҳосил қилинади.Билимлар бажарилаётган ҳаракатнинг назарий асоси ҳисобланади.Билимлар туфайли ҳаракатларнинг айрим босқичлари ва уларнинг кетма-кетлиги тушунарли бўлади.Кўникмалар-бу амалдаги билимлардир.

Малака-машқ қилиш йўли билан ҳосил бўладиган иш-ҳаракатдир.Машқ қилиш натижасида юриш,ўқиш,ёзиш,оғзаки ҳисоблаш,хилма-хил меҳнат жараёнларини бажариш малакалари ҳосил қилинади. Талаба ҳаракатни бажаришнинг муайян усуллари эгаллаб олади ва бу ишни онгнинг назоратисиз автоматик равишда бажаради. Лекин бошланғич босқичда ҳаракат доимо онгли суратда бажарилади. Масалан, тикув машинасига ип тақиш кетма-кетлигини тасаввур қилиш,керакли ип ва игнани танлаш лозим. Агар талаба ипни тақишни бир неча марта такрорлагандан сўнг, ҳаракат одатдаги бир ҳаракатга айланса, у онгнинг зоҳирий иштирокисиз бажарилади. Янги тикув машинасига ипларни тақиш, газламани тепки остига ўрнатиш ва машинаси ишга тушириш ишларини кўп марта такрорлаш ҳар доим бу ҳаракатларнинг кетма-кетлигини ўйлаб кўришдан озод қилади.

Тикув машинасида бажариладиган технологик жараён ўзгарганда яъни тикилаётган кийимга қўйиладиган технологик талабга қараб, иплар ранги, тури, игналар, тепкилар танланади. Бунда тикувчининг онги ишга киришади.

Таълим олувчилар томонидан ўқув материлалари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг зарур таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини

назорат қилиш эмас, балки ўқув жараёнининг турли босқичларида таълим олувчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.

Баҳолаш - таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади. Баҳолаш натижасида, таълим берувчи учун таълим олувчиларнинг нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси материал яхши ўзлаштирилгану, қайси бири хали, етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу таълим олувчининг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Таълим берувчи ўз ишининг афзалликларига ва камчиликларига танқидий баҳо беради. Ўз иш методларига тузатишлар киритади. Шунингдек, баҳолаш натижалари таълим берувчининг ўқув дастурига материалларни таълим олувчиларнинг билиш имкониятлари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиши ва баҳолаши учун ҳам жуда муҳимдир.

Баҳолаш натижасида тушунча ва қонун-қоидаларнинг қайси бирлари қийин, қайси бирлари эса осон ўзлаштирилиши аниқ-равшан бўлади. Бу таълим олувчининг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўқув машғулотини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Худди шунингдек, таълим олувчига ҳам таълим жараёнида қайси ўқув материални яхши, қайсинисини қониқарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани маълум бўлади. Билимларни текширмасдан таълим олувчи ўз билимларини чуқур, ҳам томонлама ва тқғри баҳолашга қодир эмас. Баъзан унга гўё у ўқув материални яхши эгаллаб олгандай туюлади, текшириш чоғида эса материални яхши билмаслиги, яхши тушунмаслиги маълум бўлиб қолади. Баҳолаш натижасида, таълим олувчиларнинг ўрганилаётган материалларни билиш, тушуниш, эсда сақлаб қолиш, англаб олиш, амалда қўллай олиш, таҳлил қилиш ва ўз билимларига танқидий баҳо бериш даражалари аниқланади. Таълим олувчи ўз билимларининг ижобий тавсифи, касб-ҳунар

коллежида ва уйдаги ишининг услубини такомиллаштириш, билимлари, малака ва кўникмаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тузатиш имкониятига эга бўлади.

Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда таълим олувчиларнинг ўқишга, ўз ютуқлари ва муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, қийинчиликларни енгиш истаги туғилади. Баҳолаш ҳамиша таълим олувчининг шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатини ҳосил қилади. Таълим берувчи таълим олувчининг ўзига нисбатан муносабатини, туйғуларини, унинг характеридаги иродалилик, ҳамкорлик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатларини шакллантиришга қаратиши лозим бўлади.

Баъзан баҳолаш жараёнида таълим олувчи қўшимча билим, кўникма ва малакаларга ҳам эришади. Таълим жараёнида ўзлаштирмаган тушунчаларнинг моҳиятига тушуниб етади. Шу боис, баҳолашни таълим олиш жараёнининг давоми деб ҳам айтиш мумкин.

Таълим олувчи ўртоқларининг, ота-оналарининг унга, унинг коллеждаги ютуқларига ва муваффақиятсизликларига муносабатига ҳеч қачон бефарқ бўлиб қолмайди. Унинг билимларига берилган баҳолар ушбу муносабатни белгилайди. Мана шунинг учун ҳам мақтов, маъқуллаш, танбех бериш, яхши ёки ёмон баҳо қўйиш таълим олувчи шахсининг фазилатларини, унинг тенгдошлари жамоасидаги ва катта ёшдагилар орасидаги мавқеини шакллантиради. Бу айниқса, ўсмирлар орасида катта аҳамиятга эгадир.

Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш давлат аҳамиятига эгадир. Баҳолаш натижаларини умумлаштириб, таълим муассасаси жамоасининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига, талабаларнинг умумий ўзлаштириш даражасига баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Давлат таълим стандартларида давлат томонидан қўйилган талаблар нечоғлик бажаралиётганлиги аниқланади.

Натижаларни баҳолаш орқали бир пайтнинг ўзида бутун таълим тизими ва унинг компонентлари текширилиб кўрилиши керак. Бу билан таълим тизимида кутилаётган натижага эришилаётганлик даражаси текширилиб ўлчанади.

Билимларни мунтазам баҳолаб бориш таълим режаси, унинг катта кичик бўлимлари асосида амалга оширилади. Таълим тизими натижалари муайян стандарт меъёри орқали ифодаланади.

Баҳолаш натижасида нафақат таълим олувчининг, балки таълим берувчининг кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, ўқув жараёнидаги камчиликлар ҳам аниқланади. Таълим воситалари, режалар, таълим жараёнини ташкил этиш сифатига ҳам баҳо берилади.

Таълим дастурини қисм бўлаклари бўйича мунтазам баҳолаб бориш охири-оқибат аниқ ва адолатли баҳоланиш шаклланишга олиб келади. Кичик бўлимлар бўйича баҳолаш, жамлаш ва умумлаштириш якуний баҳолашнинг аниқ бўлишига ёрдам беради. Таълим олувчини мунтазам равишда ўз натижалари тўғрисида хабардор қилиб туриш, унинг мақсад сари интилиши ва истакларини рўёбга чиқаришга ижодий таъсир кўрсатади.

Таълим бериш давомидаги назорат натижаларини ўлчаб бориш билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш талабанинг ўзлигини англаши учун бир имкониятдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, баҳолашнинг моҳияти ҳақида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

Нима учун баҳолаш керак?

- Ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш учун;
- Кейинги босқичга ўтишдан олдин аввалги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- Натижага эришилганлигини тасдиқлаш учун;
- Талабаларнинг қизиқишларини аниқлаш учун;
- Ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун;
- Ўқитувчи ўз фаолиятига тузатишлар киритиши учун;
- Ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- Таълим жараёни ютуқларини аниқлаш учун;
- Талабаларни ютуқларига қизиқтириш учун;

- Ташқи қизиқувчиларга, иш берувчиларга, юқори ташкилотларга ва оналарга маълумот бериш учун.

Нимани баҳолаш керак?

- назарий билимларни;
- амалий кўникма ва малакаларни;
- хулқ-атвор ва шахсий фазилатларни

Қачон баҳолаш керак?

- Таълим жараёни бошида (бошланғич баҳолаш);
- Таълим жараёни давомида (жорий баҳолаш);
- Таълим жараёни якунида (якуний баҳолаш).

Баҳолашнинг асосий хусусиятлари:

- Таълим мақсадига йўналганлик;
- Мунтазам ўтказиб бориш;
- Педагогик, психологик ва ҳуқуқий тамойилларга асосланганлик;
- Умумий қабул қилинган натижа стандартларига асосланганлик.

Юқорида таъкидланганидек, назарий билимлар баҳоланаётганида когнитив ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади. Амалий кўникма ва малакалар баҳоланаётганида психомоторик, хулқ-атвор ва шахсий фазилатлар баҳоланаётганида эса –аффектив ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади.

Назорат саволлари.

1. Билим, кўникма ва малака нима?
2. Билимларни, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти нимада?
3. Баҳолашнинг моҳиятини тушунтиринг.

Таянч иборалари

Психомоторик, хулқ-атвор, аффектив, баҳолаш, кўникма, малака, билим.

16 - МАЪРУЗА.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ЎТКАЗИШ ВА БАҲОЛАШ.

Режа:

1. *Мустақил ишининг ташкил этишининг асосий мақсади.*
2. *Мустақил ишларнинг вазифалари.*
3. *Мустақил ишлар шакллари.*
4. *Мустақил ишларни ишлаб чиқиш.*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.
3. Олимов Қ.Т., Жалолова Д.Ф. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари. Термиз Давлат Университети. Илмий амалий анжумани мақолалар тўплами. Термиз-2003 й.

Касб-хунар коллежларида талаба мустақил ишининг ташкил этишдан асосий мақсад:

- ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир;

- талабаларда диалектик дунёқарашни таркиб топтириш;
- талабаларнинг ўқув-билиш фаоллиги ва мустақиллигини таркиб топтириш;
- таълим-тарбия жараёнини мақбуллаштириш;
- таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг бирлигини таъминлаш;
- предметларро алоқадорликни таъминлаш;
- таълим ва тарбия жараёнини индивидуаллаштириш;
- таҳсил олувчиларда меҳнатга ва жамоат мулкига онгли муносабатни таркиб топтириш;

- фан-техника тараққийини жадаллаштириш талаблари асосида касбий тайёргарликни такомиллаштириш;
- фанлар ва касбларнинг мажмуавий услубий таъминланиши;
- дарснинг самарадорлигини ошириш йўллари;
- янги педагогик технологияларни жорий этиш;
- таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш.

Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топиш қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар билан ишлаш;
- интернет тармоғидан рационал ечимини белгилаш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

Мустақил ишлар шакллари.


Талаба мустақил ишини ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятлари, шунингдек ҳар бир талабанинг ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
 - семинарлар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
 - лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
 - лойиҳалар ва амалий топшириқларни бажариш;
 - диплом ишига тайёрлаш;
 - назарий билимларни амалиётда қўллаш;
 - амалиётдаги мавжуд муаммоларни ечимларини топиш;
 - макет, модель ва намуналар яратиш;
 - ҳисоблашлар ва график ишларни бажариш;
- берилган мавзу бўйича компьютерлардан керакли маълумотларни мустақил излаб топиш ва реферат тайёрлаш;
- электрон дарсликлардан фойдаланиб топшириқларни бажариш.

Ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, талаба мустақил ишини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланилиши мумкин. Ўқув дастурларида талаба мустақил ишининг шакли, мазмуни ва ҳажми ифода этилади.

Талабаларнинг мустақил ишининг ташкилий шакллари



Талаба мустақил иши учун ажратилган вақт бюджетига мос равишда ҳар бир фан бўйича тегишли бўлимларда мустақил ишнинг ташкилий шакллари, саволлар ва топшириқлар мажмуи ишлаб чиқилади.

Мустақил ишни бажариш учун фанлар бўйича талабаларга зарурий услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Оғзаки мустақил топшириқлар:

-дарслик бўйича материални ўрганиш ва такрорлаш, чизмалар ва схемаларни ўқиш, турли техник адабиётлар ҳужжатлар ва материалларни ўрганиш асосида ўқитувчи саволларига жавоблар тайёрлаш, ишлаб чиқариш фаолияти таҳлили кабилар киради. Материалларни англаб мустаҳкамлаш ва ёдлашга мўлжалланган.

Ёзма мустақил топшириқлар:

-ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва такрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

График мустақил топшириқлар:

- уларга турли чизмачилик ишларини эскизлаштириш, кесмалар ва кесимчаларни тасвирлаш, айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва ҳ.з), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, кузатиш натижаларини тасвирлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

Амалий характердаги мустақил топшириқлар:

- талабалар ўқитувчи топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида маълум детал тайёрлаш, тугун ва механизмларини йиғиш, техник жараёнларни ишлаб чиқадиладар. Ушбу ишларни бажарганда талабалар асбоб-ускуналарни танлаш, ишлов бериш режасини аниқлаш ва ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар каби ишларни амалга оширадиладар.

Мустақил ишларни ишлаб чиқиш.

Ҳар бир фан бўйича талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш юкламаси ўқитувчи шахсий иш режасида қайд этилади.

Талаба мустақил ишига раҳбарлик қилиш кафедра ёки бўлимда тузилган ва бўлим ёки кафедра мудирининг томонидан тасдиқланган маслаҳатлар жадвали асосида амалга оширилади.

Талабанинг мустақил иши бўйича маслаҳат соатлари гуруҳ журналида қайд этилиб борилади.

Талаба мустақил ишининг назорат қилиш ўқув машғулотларининг бевосита олиб борувчи ўқитувчининг томонидан амалга оширилади.

Талабанинг мустақил иши, муайян фан ўқув дастурида ажратилган соатларга мос баҳоланади ва натижаси бўйича талабанинг умумий баҳосига киритилади.

Талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичлари, шу жумладан мустақил иши бўйича олган баҳолари гуруҳ баҳолаш ойнасида ёритиб борилади.

Талаба мустақил ишининг назорат қилиш турлари ва уни баҳолаш мезонлари тегишли бўлим ёки кафедра томонидан белгиланади ва касб ҳунар коллежи илмий педагогик кенгашида муҳокама қилиниб тасдиқланади. Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари талабаларга ўқув йили (семестри) бошланиши олдидадан услубий материаллар билан биргаликда тарқатилади.

Фанлар кесимида талабаларнинг мустақил ишлари бўйича ўзлаштириши мунтазам равишда гуруҳларда, бўлим йиғилишлари ва коллеж илмий педагогик кенгашида муҳокама этиб борилади.

Талабанинг мустақил иши бўйича бажарган ишлари (ҳисобот, реферат, ҳисоблашлар ва ҳ.к) рўйхатга олинади ва ўқув йили мобайнида сақланади.

Юқори даражада баҳоланган талабаларнинг мустақил ишлари маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Касб-ҳунар коллежларида мустақил ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун коллеж раҳбарияти ва ўқитувчилар

айни вақтда ҳам яхши педагог, ҳам касб-ҳунар сирларини яхши биладиган мутахассислар бўлиши керак.

Касб-ҳунар коллежларида мустақил ишларни самарали ташкил этиш учун қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш керак:

- талабаларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш мазмуни, шакл, метод ва воситаларни такомиллаштириш;
- таълим, тарбия ва ривожлантириш мақсадларининг бирлиги, умумилмий, умумкасбий ва махсус тайёргарликнинг узвийлигини таъминлаш;
- илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини, фан ва техника ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда таълим-тарбия жараёнига жорий этишдан иборат.

Мустақил ишларда иштирок этиш касб-ҳунар коллежларидаги барча раҳбарлар, ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар учун мажбурий бўлиб, уларнинг педагогик фаолиятини ажралмас қисми ҳисобланади. Касб-ҳунар коллежларидаги мустақил ишларнинг мазмуни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тасдиқланган мустақил ишлар тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Мустақил ишни баҳолаш мезонлари таълим йўналишлари ва фанларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб алоҳида тузилиши мумкин.

Умумий мезонлар қуйидагича:

Ўзлаштириш кўрсаткичи 5 баҳо булганда:

- фан ўқув дастурига киритилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ ўзлаштирганда, ўз хатоликларини талаба ўзи тузата билган ҳолда;

- фанга қизиқиши, яратувчанлиги, янги техника-технологияларга интилиши, мураккаб топшириқларни бажаришга ҳаракатланганлиги.

Ўзлаштириш кўрсаткичи 4 баҳо булганда:

- фанни ўқув дастурига киритилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ изохлаб берган, баъзи аҳамиятга эга бўлмаган хатоларга йўл қўйган ва бу хатоликларни ўқитувчи кўрсатмаси асосида тузата олган ҳолда.

- фанга қизиқиш, янги техника-технологияларга қизиқишни намоён этиши, мураккаб топшириқларни бажаришга интилиши.

Ўзлаштириш кўрсаткичи 3 бахо бўлганда:

-фанни ўқув дастурига киритилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ изохламаган, фанни бошқа фисмларини ўрганишга ҳалақит бермайдиган айрим аҳамиятга эга бўлмаган хатоликларга йўл қўйган, бу хатоликларни ўқитувчи ёрдамида тузатилган ҳолларда;

- фанни ўрганишда янги техника-технологияларга қизиқиши пассивлиги, мураккаб топшириқларни бажаришга интилиши йўқлиги.

Ўзлаштириш кўрсаткичи 3 баходан паст бўлганда:

- ўқув дастурига кирган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ билмаган, тизимлаштирилмаган ва тузатиб бўлмайдиган хатоликларга йўл қўйган ҳолда;

Назорат саволлари.

1. Мустақил ишининг ташкил этишдан асосий мақсад?
2. Мустақил ишининг вазифалари нималардан иборат?
3. Мустақил ишини ташкил этишда қандай шакллардан фойдаланилади?
4. Мустақил ишларни ишлаб чиқиш қандай амалга оширилади?

Таянч иборалари

Уқув дастури, мезон, низом, таълим, тарбия, реферат, схема, график, диаграмма, детал, тугун, макет, модель.

17 - МАЪРУЗА.

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ДАРСЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДЛАРИ.

Режа:

1. *Касб-хунар коллежларида назарий машғулотларни таҳлил этиш режаси.*
2. *Ишлаб чиқариш таълими машғулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш режаси (методикаси).*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холикбердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001 .
3. Олимов Қ.Т., Узокова Л.П., Дубровец Л.В. Касбий фанларни ўқитишнинг умумий таҳлили ва тузилиши. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона-2003. 71 б.

Касб-хунар коллежларда дарслар замон талабларига жавоб берадиган шароитларда ўтказилади. Бу шароитда назария амлиёт, ишлаб чиқариш меҳнати билан узвий боғланиб, умумтаълим, умумкасбий ва предметларининг ўзаро алоқадорлиги таъминланади ҳамда ақлий ва жисмоний меҳнат орасидаги фарқ имкон қадар йўқотилади. Бундай дарс бошқача ташкил этилганлиги боис, бўлажак касб-хунар соҳибларини камол топишига қандай ҳисса қўшганлигини баҳолаш керак бўлади. Айнан мана шу мақсадларни кўзда тутди қуйида таклиф этилаётган дарсни кузатиш ва таҳлил қилиш режамиз. Бу дарсни кузатиш ва таҳлил қилиш режасида қуйидагилар кўзда тутилган: дарснинг янги тузилмаси ва таълим методларини; умумтаълим, умумкасбий, махсус ўқув предметларининг ўзаро боғлиқлигини; касбий таълимнинг ўзига хос принциплари; касбий йўналганлик, предметлараро алоқадорлик, политехнизм, узвийлик каби принципларни амалга оширилишини; таълимнинг мақбуллаштиришғоясига амал қилинганлиги кабилар. Ушбу кузатиш режаси замонавий дарсларга қўйилган умумий талабларни ҳам ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар бундай режаларни турлича: «дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш схемалари», «саволнома», «дастурлар» сифатида ўрганадилар. Уларнинг барчасининг мақсади таҳлил этилаётган дарсларнинг турли жиҳатлари, компонентлари, бориш йўналишларига қўйилган талабларни беришдан иборат:

1. ўқитувчи ва талабаларнинг фаолияти;
2. дарснинг босқичма-босқич тузилиши;
3. дарснинг мазмуни;
4. аниқ мақсадларни амалга оширилиши;
5. ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш даражаси;
6. таҳсил олувчиларнинг мустақил ишларини йўлга қўйилганлиги;
7. таҳсил олувчиларни фаоллаштириш омилларидан фойдаланилганлиги кабилар.

Педагогик амалиётда нисбатан кўпроқ дарсни умумий (мажмуавий) таҳлил қилиш режасидан кўпроқ фойдаланилади. Дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш режасидан қайси бирини танлаш: дарсга қандай мақсадни кўзлаб қатнашишга; кузатувчининг касбий тайёргарлик даражасига; қатнашувчи эгаллаб турган лавозимига ва кузатишни ташкил этиш шакли кабиларга боғлиқ.

Дарсларга иштирок этиш мақсадлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш ва умумлаштириш;
- ўқитиш сифати ва самарадорлигини назорат қилиш;
- илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш кабилар.

Шу ўринда дарсга жамоавий ёки индивидуал қатнашиш шакли ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим. Дарсга қатнашишдан олдин ўқитувчининг тақвимий-мавзулар режаси, дарс режаси ва ишчи режаси билан танишиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарсни бориши ҳақида маълумотларни ёзиб бориши уни объекти баҳолаш учун асос ҳисобланади. Таҳлил қилинган дарсдан сўнг ўқитувчининг ютуқ ва камчиликлари муҳокама этилади. Дарснинг натижасини муҳокама этишда энг аввало сўз дарс берган ўқитувчига берилади. У ўзининг мақсадига етишганлиги ҳақида қисқача маълумот беради.

Шундан сўнг дарсга қатнашганлар ўз фикрларини иолжи борича далиллар келтириб билдирадилар. Афвзаллик ва камчиликларини кўрсатадилар, камчиликларни бартараф этиш йўлларини ҳам тавсия сифатида билдирадилар. Бу пайтда маълум мунозара ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай дарсни таҳлил этишда энг аввало ўқув материалнинг ўзига хослигини таҳсил олувчилар ва ўқитувчининг хусусиятларини ҳисобга олишни унутмаслик зарур. Муҳокама охирида дарснинг мазмундорлиги, кўзланган мақсадга эришилганлиги, мавжуд ютуқ ва камчиликларини ўзида ифодаловчи қисқача хулоса қилинади. Ундан сўнг таҳлил этувчилар томонидан кузатиш ва таҳлил этиш режаси ҳақидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Касб-хунар коллежларида назарий машғулотларни таҳлил этиш режаси.

1. Шаҳар (қишлоқ).
2. Касб-хунар коллежи
3. Курс.
4. Гуруҳ.
5. Ихтисослиги.
6. Ўқув предмети.
7. Ўқитувчи.
8. Сана.
9. Кузатувчининг Ф.И.Ш. ва эгаллаб турган лавозими.
10. Машғулот (дарс) мавзуси ва унинг тартиб рақами.
11. Дарс тури.
12. Дарс кўриниши.
13. Дарснинг ташкил этилиши:
 1. дарс моддий-техник таъминотининг тайёрлиги:
 - ясси кўрсатмали қўлланмалар;
 - Ҳажмли кўрсатмали қўлланмалар;
 - Кино ва диафильмлардан лавҳалар;
 - Электрон таълим ресурслари;
 - Ишлайдиган моделлар, асбоблар, макетлар, тринажёр (машқ қурилма)лар;

- Тарқатма материалларнинг мавжудлиги;
 - Ахборот-маълумот олиш манбалари, схемалар, жадваллар ва кабилар;
 - Ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг иш ўринларини жиҳозланганлиги;
2. Уқитувчининг дарсга тайёрларлиги;
- дарс режаси ва матнининг мавжудлиги;
 - дастурий материални билиши;
 - предметлараро алоқадорликдан фойдаланиши;
 - ишлаб чиқаришнинг аниқ соҳасини ўзига хос хусусиятларини билиш;
 - хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилиш;
 - таҳсил олувчиларнинг индивидуал ўзига хослик жиҳатларини билиш;
 - ўқитишнинг техник воситаларидан фойдалана олиш малакаси;
3. таҳсил олувчиларнинг тайёргарлиги:
- қатнашиши, ташқи кўриниши, дафтар ва бошқа ўқув предметларининг мавжудлиги;
 - аввал ўтилган материаллар мазмунини билиши;
 - таҳсил олувчиларни ушбу дарсдаги материални ўзлаштиришга бўлган қизиқиши (кайфияти).
4. дарсни оқилона ташкил этилганлиги:
- дарсни ўз вақтида аниқ бошланганлиги, ўқитишнинг техник воситалари, кўрсатмали материаллар оқилона фойдаланиши;
 - дарс режасининг ўрнилаётган материал мазмуни, тузилмасига мос келиши;
 - дарснинг босқичлари бўйича темпи (тезлиги)нинг оқилоналиги;
 - ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолияти нисбатининг оқилоналиги;
5. Дарсга ўқитувчининг фаолияти:
- таҳсил олувчилар олдида дарснинг вазифаларини тўғри ва тушунарли қўйилганлиги;
 - ўрганилаётган материалнинг ўқув дастурига нечоғлик тўғри келиши;
 - ўрганилаётган материални давлат таълим стандартига нечоғлик хизмат қилишини таъминланганлиги;

- умумтаълим, умумкасбий ва махсус билимлардан таянган ҳолда фойдаланиб янги билим ва иш-ҳаракат усуллари шакллантириши;
 - техник-технологик малакаларни шакллантириш;
 - дарсда ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш шакли (ёппасига, гуруҳ, индивидуал);
 - таҳсил олувчиларнинг изланувчан фаолиятини ташкил этиш;
 - таҳсил олувчиларнинг билиш фаоллигини шакллантириш;
 - таълим принципларини амалга жорий этиши (предметлараро алоқадорлик, касбий йўналганлик, политехнизм, узвийлик, тушунарлилик ва шу кабилар);
 - ўқитишда нисбатан кўп қўлланган методлар; янги ўрганилган материални мустаҳкамлаш, билим ва малакаларни такомиллаштириш бўйича машқларни бажарилишини ташкил этилиши;
 - ўрганилаётган амвзу, предмет ва эгалланаётган ихтисосликка таҳсил олувчилар қизиқишини уйғотиш усулларида фойдаланиши;
 - таҳсил олувчилар билим ва малакасини назорат этиб баҳолаши;
 - ўтган машғулотлар бўйича таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирмаганликларини бартараф этишни ташкил этилганлиги;
 - уйга берилган вазифага йўлланма берилганлиги.
6. Дарсда таҳсил олувчиларнинг ўқув фаолияти:
- дарс вазифаларига онгли муносабати;
 - меҳнат операцияларининг тўғри бажарилиши;
 - ўлчов-текширув приборларидан фойдалана олиш малакаси;
 - ўз иш ўрни ва меҳнатини оқилона ташкил этилиши;
 - техник ва технологик талабларга амал қилиши;
 - маълумотнома ва махсус адабиётлардан фойдаланиш малакаси;
 - берилган ишни меъёрий вақт ичида бажара олиши;
 - ўқув ишларида юқори натижаларга эришиш учун бўлган ҳоҳиши;
 - материал, энергия, вақт кабиларни иқтисод қилишга интилиши;
 - ўз иш ўрни, жиҳозлар ва асбоб-ускуналарга эҳтиёткорлик муносабатлари;

- меҳнат ташаббускорлигини кўрсатиши.
7. Дарсни умумий баҳоланиши:
- таҳсил олувчилар томонидан янги материални ўзлаштирилиши (англанганлиги, мустахкамлиги);
 - умумкасбий малакаларни шаклланганлик даражаси;
 - дарсдан кўзланган мақсадга эришилганлик даражаси;
 - умумий хулоса.
8. Машғулотларни янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар.

Дарс ўтган ўқитувчининг имзоси.

Кузатиб таҳлил этувчи(лар)нинг имзоси.

Ишлаб чиқариш таълими машғулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш режаси (методикаси).

1. Шаҳар (қишлоқ);
2. № сонли касб-хунар коллежи;
3. Курс;
4. Гуруҳ;
5. Мутахассислиги;
6. Ўқув предмети;
7. Ўқитувчи;
8. Сана;
9. Кузатувчининг Ф.И.Ш. ва лавозими;
10. № дарс мавзуси;
11. Дарс тури;
12. Дарс кўриниши;
13. Дарсни ташкил этилганлиги:
 - ўқитувчи (уста)да дарс режасининг мавжудлиги;
 - устахонанинг санитария-гигиена ҳолати;
 - дарсни керакли дидактик, махсус ва ёрдамчи жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва шунга ўхшашлар билан таъминланганлиги;

- ўқув режалаштириш ҳужжатларининг мавжудлиги;
- дарс вақтини оқилона бўлиниши ва ундан фойдаланиш даражаси;
- дарснинг бошланиши;

14. Дарсни дидактик таҳлили:

1. Дарс мақсадларининг қўйилиши: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи.
2. Дидактик принципларини амалга жорий этилиш.
3. Дарсда ишлаб чиқариш тарлими тизимларидан фойдаланилиши.
4. Ўқув материаллари мазмунининг мақбуллиги.
5. Дарс тузилмаси.
6. Ўқитишни индивидуаллаштириш усуллари.
7. Дарсда таҳсил олувчиларни ижодий фаолликларини шакллантириш усуллари.
8. Дарсда янги малакаларни шакллантириш: (ўқув-билиш, конструктив-техник, ташкилий-технологик, операцион-назарий).
9. Дарсда назорат ва таҳсил олувчилар ўз-ўзини назорат қилишини ташкил этилганлиги.

15. Методик таҳлил:

1. ўқитиш метод ва усуллари (йўл-йўриқ кўрсатиш).
2. Ўқиш методлари (ўқув ишлаб чиқариш фаолияти).
3. Дарсда таҳсил олувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш.
4. Дарсда таҳсил олувчилар мустақиллигини намоён бўлиши.

16. Психологик таҳлил:

Дарс давомида таҳсил олувчиларнинг қизиқиши уйғотишда турли усул, восита, шарт-шароит кабилардан фойдаланилганлиги.

17. Дарснинг бориши.

Кириш йўриқномаси:

- таянч билим, кўникма ва малакаларнинг долзарблаштириш ҳамда тизимлаштирилганлиги;
- таҳсил олувчиларни ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажаришга психолог тайёргарлиги;

- дарс мақсадларининг қўйилиши ва ўқув материали мазмунини тушунтирилиши, кўзда тутилган касбий малакаларни амалий фаолиятда зарурлигини кўрсатилиши;
- иш ўрни, жиҳозлар, мосламалар, қурилмалар, техник ҳужжатлар билан таништирилиши;
- жиҳозлар, асбоб-ускуналар, приборлар, мосламалар ва шу кабилардан тўғри фойдаланиш ва хавфсизлик қоидаларига амал қилишни тушунтирилиши;
- иш усулларининг бажарилишини кўрсатиш;
- ўқув ишлаб чиқариш ишларининг бажарилиши кетма-кетлигини тушунтирилиши;
- иш давомида қўйиладиган типик ҳолатларга моҳиятини тушунтириш;
- бажарилаётган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини босқичма-босқич ва кетма-кет назорат қилиб борилишини тушунтириш;
- таҳсил олувчилар билими ва улар томонидан хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилишни танлаб назорат қилиниши;
- киориш йўл-йўриғини таҳсил олувчилар томонидан тўғри ва тўлиқ ўзлаштирилганлигини танлаб назорат қилиш;
- ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш учун сарфланадиган вақт бирлигини кўрсатиб ўтилганлиги;
- таҳсил олувчиларга ўқув ишлаб-чиқариш вазифаларини берилиши.

Таҳсил олувчилар томонидан мустақил равишда бажарилиши.

- машқ;
- операциялар;
- мажмуавий иш;
- лаборатория-амалий иш;

Мақсадли кузатув ва назорат:

- алоҳида таҳсил олувчи ёки гуруҳ ишининг бошланиши;
- таҳсил олувчилар иш ўрнини ташкил этилганлиги;
- маълум босқичда ўқув-ишлаб чиқариш ишининг бажарилиш сифати;

- таҳсил олувчилар томонидан асбоб-ускуналар мосламалар, кўрсатмали-технологик хариталар кабилардан тўғри фойдаланилаётганлиги;
- таҳсил олувчиларни хавсизлик техникаси қоидаларига амал қилишниши;
- типик хатолардан хабардор қилиш ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиш;

Жорий йўл-йўриқ.

- таҳсил олувчилар томонидан асосий ва ёрдамчи иш-хуракат усуллари тўғри бажариш тартибини тушунтириш;
- дарсда ўқув ишлаб чиқариш ишларининг жадаллигини аниқлаш;
- сифат ва самарадорлик кўрсаткичларини назорат қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилмаслик ҳолатларининг олдини олиш;
- қийин иш-хуракат усуллари қўшимча равишда кўрсатиш ва моҳиятини тушунтириш.

Якуний йўл-йўриқ.

- ўқув гуруҳининг ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш;
- гуруҳ ишининг иқтисодий жиҳатдан таҳлил этиш;
- таҳсил олувчилар йўл қўйган техник хатоларни таҳлил этиш;
- дарсга якун ясаш;
- уйга вазифа бериш;

18. Дарс бўйича умумий хулоса.

- дарсининг ижодий томонлари;
- камчиликлари;
- тавсиялар.

Ўқитувчи (уста)нинг имзоси

Кузатувчининг имзоси.

1. Афанасьев Ю. И. Анализ урока теоритического обучения: Метод рекомендации.-М.: Висш. шк., 1986-40 с.
2. Наблюдение и анализ в среднем профтехучилище (метод рек-ции) Казань-1986-83 с.

Назорат саволлари.

1. Касб-хунар коллежларида дарсларни таҳлил қилиш қандай амалга оширилади?
2. Касб-хунар коллежларида назарий машғулотларни таҳлил этиш режаси нималарни ўз ичига олади?
3. Ишлаб чиқариш таълими машғулотларини қўзатиш ва таҳлил қилиш режаси (методикаси) қандай тузилган?

Таянч иборалари

Умумтаълим, умумкасбий, принцип, политехнизм, ўзвийлик, ихтисослик, кино, диафильм,

18 - МАЪРУЗА.

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ.

Режа:

1. *Ишлаб чиқариш таълимининг асосий шакллари.*
2. *Махсус тажриба майдонларида ишлаб чиқариш дарси.*
3. *Ўқув устахонасида ишлаб чиқариш таълими бўйича машғулотлар.*
4. *Ишлаб чиқариш амалиёти.*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдуқуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.

Ишлаб чиқариш таълими турли шаклларда жорий қилинади. Буларга касб-хунар коллежлари ўқув устахонасида ишлаб чиқариш саёҳати, амалиёти ва маслаҳатлар, ишлаб чиқариш корхоналар устахоналарида амалиётлар, иш ўринларида диплом олди ишлаб чиқариш амалиёти ва бошқалар қиради. Муайян касбга ўргатишда диплом қиради.

Ишлаб чиқариш таълимини ташкил этишнинг асосий шакллари кўриб чиқамиз.

Ишлаб чиқариш таълими - ўқув устахоналаридаги машғулоти бўлиб, унинг мақсади ишлаб чиқариш шароитларида унумли меҳнат учун зарур бўлган бошланғич касбий кўникмаларни шакллантириш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш таълими машғулотида билимларни яхлитлаштириш ва уларни талабанинг амалий фаолияти жараёнида ҳар томонлама қўллаш амалга ошади. Бу ишлаб чиқариш таълими машғулотида тузилмасини, мазмуни ва ўқитиш усуллари, шунингдек уларнинг давомийлигини аниқлаб беради.

Ишлаб чиқариш таълими машғулотида кўрсатма бериш муҳим бўлиб уларга бошланғич кўрсатма, жорий кўрсатма ва якуний кўрсатмалар киради.

Бошланғич кўрсатма бериш куйидаги вазифаларни ечади: а) талабалар олдида турган ишлар мазмуни билан ва уни бажариш мумкин бўлган воситалар билан (асбоб, мослама, жиҳоз ва ҳоказо) таништириш; б) меҳнатнинг якуний натижасига (маҳсулотга) бўлган талаблар ва техник ҳужжатлар билан таништириш; в) бутун ишни ва унинг алоҳида қисмларини (усуллар, операциялар ва х.к.) бажариш қоидалари ва кетма-кетлигини тушунтириш; г) мумкин бўлган кийринчиликлар, хатолар ҳақида талабаларни огохлантириш; д) зарур ҳолларда операцияларнинг бажарилиши устидан ўз-ўзини назорат қилиш усулини намоёни қилиш.

Жорий кўрсатма бериш талабалар томонидан амалий ишлар бажарилаётганда ўтказилади. У одатда, яқка тартибда ва гуруҳ бўйича ўтказилади.

Жорий кўрсатма беришда уста бутун ўқув гуруҳи диққатини ўрганилаётган операцияни бажаришнинг энг самарали усулларига қаратади, топшириқни бажаришга суғайиб тайёрланган талабаларга ёрдам беради ва ҳоказо. Уста фаолиятининг ютуғи кўпинча бутун гуруҳ ва ҳар бир талаба иши устидан мақсадга йўналтирилган кузатувни ташкил этиш маҳоратидан боғлиқ бўлади. Гуруҳни фаоллаштиришга мусобақа элементлари, ўйин вазиятларини киритиш

билан, алоҳида операциялар бажарилишини босқичма-босқич баҳолаш билан эришилади.

Якуний кўрсатма бериш бир неча дидактик ва тарбиявий мақсадларга эга: гуруҳда жамоавий ва якка тартибдаги меҳнат натижаларини объектив баҳолаш, илғор талабаларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш, у ёки бу меҳнат операцияларини бажаришда умумий ва якка тартибдаги хатоликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари излаш ва ҳоказо. Якуний кўрсатмаларни тўғри бериш талабаларга катта тарбиявий таъсир ўтказди, уларда уз меҳнати натижаси учун жавобгарлик, жамоавийлик, бажарилган ишдан қониқиш ҳосил қилиш, меҳнатга бўлган эстетик муносабат ҳиссиётини уйғотади ва шакллантиришга кўмаклашади.

Ўрганилаётган материалнинг мақсадлари ва мазмунидан боғлиқ равишда ишлаб чиқариш дарсларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- мақсади талабаларга ўрганилаётган усул ёки операцияларни бажариш учун ишлаб чиқариш - техник билим, бошланғич кўникма ва маҳорат бериш бўлган меҳнат усул ва операцияларини ўрганиш бўйича дарслар;
- мақсади талабаларни аста-секин мураккаблашиб бораётган ўқув ишлаб чиқаришлари, меҳнатни ташкил этиш ва технологик жараённи режалаштириш, кўникма ва маҳоратларни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, турли бирикмаларда аввал ўрганилган операцияларни бажариш билан таништириш бўлган комплекс ишларни бажариш бўйича дарслар.

Махсус тажриба майдонларда ишлаб чиқариш дарси. Ўқув шароитларида кўпинча кўникма ва маҳоратларни шакллантириш учун ишлаб чиқариш ҳақиқий воситалардан фойдаланишнинг имкони бўлмайди.

Махсус тажриба майдонларига турли хил автотранспорт воситалари билан жихозланган майдончалар, қурилиш машиналари ва механизмлари билан жихозланган ўқув-қурилиш майдончалари, ҳаракатланувчан катта юкли кранга эга бўлган очиқ майдончалар, геологик ва геодезик ишлар учун ўқув майдончалари ва ҳоказолар киради.

Махсус-тажриба - ўқув майдончаларида касб-хунар коллежлари йўналишларига қараб, масалан, қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи майдончасида – қишлоқ хўжалик машиналарини ўрганиш ва улар билан ишлар, маиший хизмат касб-хунар коллежида – тикувчилик машиналарини ўрганиш ва улар билан ишлар амалга оширилади.

Ўқув устахонасида ишлаб чиқариш таълими бўйича машғулотлар. Ўқув устахонасида ишлаб чиқариш таълими – талабалар ўқув ва ишлаб чиқариш фаолияти кўламини кенгайтиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Ўқув устахоналарида ишлаш ўқув-тарбиявий жараённинг самарадорлигини оширади, чунки ўқитиш шароитлари ишлаб чиқариш шароитларига яқин ва талабаларга мураккаб махсулот ишлаб чиқариш жараёнини ўзлаштириш имконини беради.

Таянч ишлаб чиқариш корхоналари устахоналарида машғулотлар. Талабаларнинг корхонада ишлаб чиқариш таълим олишларидан асосий мақсад – уларнинг касбий кўникма ва маҳоратларини ошириш, касбий билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, илгор ишлаб чиқариш тажрибаси билан таништириш, ишлаб чиқариш амалиётига тайёрлаш ва шулар асосида касб-хунар коллежларини тугатгандан сўнг ишлаб чиқаришда мустақил фаолият кўрсатишга ўргатишдан иборатдир.

Талабаларни корхона устахоналарида ўқитиш – малакаси кичик мутахассисларни тайёрлашдаги ҳал қилувчи давр ҳисобланади. Бу ерда талабалар ишлаб чиқариш ҳолати, янги жихозлар ва технологик мосламалар, замонавий технологик жараёнлар билан танишадилар.

Корхонада ишлаб чиқариш таълими талабаларнинг комплекс ишларни бажаришда муҳим кўникмаларни мустаҳкамлашлари ва такомиллаштиришларига, технологик жараёнларни режалаштириш маҳоратига эга бўлишларига, турли махсулотларнинг ассортиментлари билан кенг танишиб чиқишларига йўналтирилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти. Ишлаб чиқариш амалиёти касбий тайёргарликнинг якуний босқичини тасвирлайди ва ўқитишнинг сунгги ойларида

ўтказилади. Ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида ечиладиган вазифаларга қуйилагилар киради: талабаларнинг ишлаб чиқариш шароитларига ижтимоий, психологик ва физиологик жиҳатдан мослашиши; касбий билим, кўникма ва маҳоратларни такомиллаштириш; танланган касб бўйича ихтисослаштириш; мураккаб ишлаб чиқариш ишларини бажаришда мустақил ишлаш тажрибасини тўплаш; прогрессив технологиялар ва замонавий жиҳозларни, механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситаларини ўрганиш; юқори унумли асбоб ва мосламаларни, ишлаб чиқариш илғорлари тажрибасини ўзлаштириш; корхона техник ва технологик ҳужжатларни, иш ўринларида меҳнатни илмий ташкил қилиш масалаларини ўрганиш; кўникма ва маҳоратни шакллантириш, билимларни амалиётда қўллаш, мураккаб ишлаб чиқариш вазифаларини ечишдан иборатдир.

Ишлаб чиқариш амалиёти таянч ишлаб чиқариш корхонаси иш ўринларида ташкил этилади. Корхона одатда, амалиётга раҳбарлик қилиш учун муҳандис-техник ходимлар ва малакали мутахассисларни ажратади. Таълим олишнинг бу даврида талабалар корхонада мустақил ишлашга тўлиқ тайёрланадилар.

Назорат саволлари.

1. Ишлаб чиқариш таълимининг вазифаси нимадан иборат?
2. Якуний кўрсатма қандай мақсадларга эга?
3. Ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида ечиладиган вазифаларга нималар киради?
4. Махсус тажриба майдонларига нималар киради?

Таянч иборалари

Таълим, малака, корхона, ҳужжат, механизациялаштириш, автоматлаштириш, психологик, физиологик, технологик, геологик, геодезик, автотранспорт, асбоб, мослама, жиҳоз.

1. *Педагогикада тарбия бериш усули.*
2. *Рефлексив қобилиятлар.*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холикбердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001 .
3. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт “Маънавият асослари” дарси асосида ишланган услубий қўлланма. “Абу Али ибн Сино”. Тошкент. 2001. - 80 б.

«Тарбия санъати – деярли ҳаммага таниш ва тушунарли, баъзиларга эса, ҳатто осон туюлиш хусусиятига эга, у қанчалар тушунарли ва осон туюлса, ўша инсон у билан назарий ва амалий жиҳатдан шунчалар кам таниш», деган эди **К.Д.Ушинский.**

Тарбия – педагогик назария ва амалиётидаги энг ўзгармас, ва энг қадимий муаммодир. Лекин, «Болаларни тарбиялаш муаммоси йўқ, фақатгина: қандай қилиб болалар ва катталар бирга яшашлари мумкин, деган бир савол бор, холос,» деган эди Л.Н.Толстой. Бундай тарзда қўйилган савол энг аввало, ўзингизга назар ташлашингиз керак бўлган ҳар қандай ҳолатдагидек ўта мураккабдир.

Тарбия, асосан, қуйидаги воситалар ёрдамида амалга оширилади: кўрсатиш ва тушунтириш, рағбатлантириш ва жазолаш, вазифа бериш ва талаб қилиш, текшириш, тузатиш, ишонтириш ва таҳлил қилиш. Ана шундай таъсир кўрсатиш йўли билан катталар болаларнинг билиш ва амалий фаолиятларини юзага келтириб, маълум томонга йўналтирадилар ва бу фаолиятлар назорат қилиниб, тўғрилаб ҳамда шунинг билан бирга фаолиятларни ривожлантириш амалга оширилади.

Педагогикада тарбия бериш усули икки турга бўлиниши қайд этилган. Аввалги усул, (илҳомлантирувчи) санъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатиладиган усул. Иккинчи усул, (мажбур этиш) эса мажбурий равишда

тарбияланувчиларни тарбиялаш учун ишлатиладиган усул. тарбия берувчи ёки шогирдлар устида турган ўқитувчиларнинг қўллайдиган усули бунга мисолдир. Масалан, ҳукумат ёки давлат, мазкур мамлакатда яшовчининг муаллими, тарбиячиси бўлади. Болалар устида турган одам эса муаллим бўлиб, у болаларга тарбия беришда турли тарбия усулидан фойдаланади. Мана шундан маълум бўладики, ҳукумат (давлат) ва муаллим ҳар иккови ўз йўлида болалар ёки меҳнаткашларга тарбия берувчи устоз ва муаллимлардир. Улардан бири болаларга меҳрибонлик ва яхши сўзлар билан тарбия берса, иккинчиси мажбурий равишда тарбиялайди.

Фаробий тарбиянинг усули деганда ахлоқий фазилатларни тушунади. Унинг тасаввурида ахлоқий фазилатлар билимдонлик, донолик ва мулоҳазали бўлиш, виждонлилик, камтарлик, кўпчилик манфаатини юқори қўйиш, ҳақиқат, маънавий юксакликка интилиш, адолатлилик каби хислатлардир. Аммо, бу хислатларнинг энг муҳими ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир. Шунинг учун ҳам, Фаробий ахлоқ тушунчасига ақл билан узвий боғлиқ ҳолда тафаккурга асосланган ахлоқ сифатида қарайди. Бундан биз Фаробийнинг ахлоқни хулқ меъёрлари ифодаси сифатидагина эмас балки кишиларнинг ақлий фаолиятнинг натижаси сифатида ҳам талқин этилганлигини кўрамиз. Фаробийнинг таълим – тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақидаги қарашлари ҳам қимматлидир.

У «... инсонда гўзал фазилатлар икки йўл, – яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим назарий фазилатларни бирлаштиради, тарбия эса туғма фазилат, назарий билимлар ва омилий касб – ҳунар, хулқ - одоб фазилатларини бирлаштиради. Таълим сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш ва тажриба билан амалга оширилади» деб таълим беради.

Ҳар иккаласи бирлашса етуклик намоён бўлади, аммо бу етуклик билим ва амалий кўникмаларни қай даражада ўрганганлигига қараб пайдо бўлади деб уқтиради аллома.

Фаробий таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса тарбияда маънавий, ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб – ҳунарга оид малакалар ҳосил қилинади деб тушунтиради.

Баҳоуддин Нақшбанд тарбиявий қарашларининг марказида ориф инсонни шакллантириш ғояси ётади.

Ориф инсон аввало ақлли, илмли ва маърифатли бўлиши лозим. Унинг таълимотига кўра инсоний илми шариат, илми маърифат ва илми ҳақиқатни ўз ичига олган тасаввур таълимотидан иборат бўлиши лозим. Бу йўл орқали инсонлар мавжуд дунё тилсимларини ўрганишлари ва билишлари имкониятига эга бўладилар.


Хўжа Баҳоуддин Нақшбанднинг бу таълимотини ўрганувчиларга пиру устоз бўлиб таълим берганлар. Пиру устоз Нақшбанд муридлар (шогирдлар)нинг дунёкарашини кенгайтириб Валий авлиё даражасигача ақлини ривожлантирганлар, уларга таълим бериш услубиётини ишлаб чиққанлар. (Бу тоифа уч қисмга бўлинади: муқаллид, оиф ва мукаммал). Бу педагогика буюк соҳибқироннинг давлатни бошқариш ва уни идора қилишида ғолибона ҳарбий юришларида, мамлакатда асосий тартиб ўрнатиш, фан ва маданиятни ривожлантириш, халқлар ўртасида бузилмас дўстлик меҳр – шавқат, одамийлик ва ахлоқ – одобни тарбиялаш каби муаммоларни ҳал қилишга катта ёрдам берган. Устознинг ахлоқ ва одоб ҳақидаги таълимотига қуйидагилар киради:

- адолат ва адолатсизлик;
- сўз ва ишнинг бирлиги;
- дўст ва душманлик;
- ботирлик ва қўрқоқлик;
- сўз ва ширинсуханлик.

Таълим – тарбия ишлари ҳам Нақшбанд ғояларини ифода этувчи мафкура сифатида амалга оширилади. Фарзандларга ислом динига эътиқод қилишни ўргатиш билан бирга аллома меҳнатни севишни, ахлоқли бўлишни, одамларга ёрдам кўрсатишни, билим олиш, ҳунар ўрганиш ва бошқа олижанобликларни уқтирадилар. Масжид ва мадрасаларда талабалар онгида оллоҳга яқин бўлишнинг тўғри ва самарали йўли тарки дунёчилик эмас, балки жамият саодати учун яшаш, бунёдкорлик, савоб ишлар ва меҳнатни қадрлаш, илм ва билим олишдир. Мукаммал ахлоққа эришиш, хуллас жамият ҳаётида фаол иштирок этишни тақозо

этадиган хулқ – атворни, саъй – ҳаракатни ўзида мужассам этадиган мафкура изчил равишда сингдирилди.

Агар болаларга жазо бериш сабабларини чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, бурчакда тик қўйиш ёки ширинликдан маҳрум қилиш жазосини атрофларида шу «шўр сув»ни «шимиш»га олиб келадиган шундай муҳитни яратиб қўйганларини сезмайдиган катталарга бериш керак бўлади. Лекин, уларнинг шу сиз ҳам муаммолари кўп, шунинг учун улар ўзларига тинмай: «Мен ўз эҳтиёжларимни бошқараяпманми? Нимани афзал кўриб, нимани кўпроқ кадрлаяпман? Ва бу ҳатти – ҳаракатим бошқаларга бўлган муносабатларимда қандай акс этяпти?» деган саволларни бераверишдан тортинадилар. Ўз ҳиссиётларини бошқариш, уларни (ўз эркинлигини) чеклаш, бошқасини (ва унинг эркинлигини) ҳисобга олиш – тарбиянинг асоси. Шу маънода, ўқув даргоҳини (ўқитувчилар) мутахассислар раҳбарлиги остида машқ қилиб кўриш мумкин бўлган машқ майдончасига ўхшатса бўлади. Тажрибали тарбиячи, энг аввало, ҳар бир талабанинг ўз ҳиссиётларини ҳисобга олиб, уни мақсадга йўналтиради, уларни бошқариш учун шароит яратиб беради. Бу жадвалда шундай кўриниш касб этади:



Ҳиссиётлар бошқарилиши – бу долзарбликни тушуниш, қизиқиш ҳаракатга ундовчи сабаб – фаоллик, қарор қабул қилиш демак. Агар ҳар биримиз ўз дунёқарашимизни кенгайтириш орқали ўз ҳиссиётларимизни бошқариш, мувофиқлаштириш, меъёрга интилишни ўргансак, ҳаётимиздан жаҳлдорлик, очкўзлик, мунофиқлик кетиб, ақлимиз киради. Онгимизнинг айнан шу қисми ўз ҳаётимиз маънавияти даражасини бошқаради, яъни яхшилик ёки ёмонлик; ижодий яратувчанлик ёки бемаъни вайронгарчилик; бошқаларга нисбатан севги ёки нафратга ўз муносабатимизни белгилайди.

Хулоса қилиб айтсак, тарбияни ўз ҳиссиётларини, хоҳиш ва истакларини бошқариш жараёни, деб айтсак хато бўлмайди.

Педагогик жараёнда ўз ҳиссиётларини бошқаришни ҳар бир талабага ўргатиш бу мақсадни аниқ мўлжалга йўналтирилганлигини кўрсатади.

Ўқитувчи аудитория билан ўзаро мулоқот (ўқув жараёнидан алоҳида вақтда эмас) ўз вақтида тарбиявий жараён бораётганлигини англай олиши даркор. Қизиқишларини сақлаб қолиш, асослаб бера олиш, фаолликларини қўллаб-қувватлаш, ўқитувчиларда педагогик жараёнда мақсадни юзага келтиради, улар касбий фаолиятда жуда зарур бўлган ўзликларини англаш машқини оладилар.


Тарбия тўғрисида қанчалар гапирилган. Яна бирор нарса қўшиш мумкинмикан? Балким, агар фикр, сўз, ҳаракатни ишлаб чиқишга ундайдиган йўналишни: жараёндан натижага «билим, маҳорат, кўникма» дан «билим, маҳорат, кўникма плюс қарашлар, ҳаракатлар»га чекланган интеллектли истеъмолчини шакллантириш (диққат, ўқиш, хотира - имтиҳон учун етарли!) дан тўлақонли яратувчи (диққат, ўқиш, хотира, фикрлаш) ни шакллантиришга ўзгартира билсак, мумкиндир. Шундагина, тарбияга ҳам қандайдир янгилик киритиш мумкин бўлади.

Ўқув жараёнига қадам қўйган талабалар ўқиш мазмуни қўйилиши керак бўлган ўз ички эҳтиёжлари (ички нормалар) га эга бўладилар, яъни баъзи бир ташқи нарсалар (информация) ҳозирча уларга бегона бўлган ҳар қандай нарса уларни ҳушёрликка чорлайди.

Нарса ҳодисанинг таркибини системали (тизимли) равишда кўриш керак, яъни маълум илмий билимни занжирга айлантириш: система (элементлар ва алоқаланиш), ёки подсистема (элементлар ва алоқалар) ва ҳ.к.


Касбий фаолият мазмунининг асоси бўлиб - малакали талаблар, ўлчовлар, мезон, мақсад, вазифалар хизмат қилади ва улар касбий фаолиятга ўқиш ёрдамида маданиятга эга бўладилар.

Касбий фаолият мазмунини, унинг қуйидаги қурилма кўринишида кўриш мумкин:



Жадвалдан кўриниб турибдики, ўлчовга мазмун ва мезон таъсирини кўрсатиш орқали амалга ошади ва у касбий маданиятни шакллантиради. Бу шахснинг касб кўникмаларини ўстиришга хизмат қилади.

Кўпинча катталарнинг таълимдаги одатий технологиялари – маълумотларни беришгагина йўналтирилган бўлади ва шу сабабли талабаларга ҳар қандай мазмунда бўлиши мумкин бўлган ўз муаммоларини ҳал қилиш методи, усули ва технологиясини ўзлаштиришга шароит яратилмайди. Бунда мазмун тузилмаси фикрлаш техникасини, уни тақдим этиш усули эса коммуникатив қобилиятларни ривожлантирмайди. Бу касбий фаолият учун салбий ҳолатдир.



Фақатгина педагогик технологияларда талабанинг ички хусусиятларини ўстириш, уларни унинг ички мазмунига боғлиқ ҳолда амалга оширилган

тақдирдагина тарбия ва таълимда унумдорликни кам йўқотиши мумкин. Ўқитувчи «менинг йўлимдан юр» талаблари ўрнига «Атрофга қара, ўйла, танла, менинг ёрдамимда ўрган» талабига ўтсагина бу касбий фаолиятни ташкил этиш мақсадли бўлади. «Тараққиёт ва таълим бирор кишига тайёр ҳолда хабар берилмайди ва тақдим этилмайди. Бунинг учун истаган ҳар бир одам унга ўз фаолияти, ўз кучи ва ўз интилиши орқали эришади» - деган эди, **А. Дистервег**.

Педагогик фаолиятда ўқитувчининг фикрлаши (фикрлаш техникаси), сўз билиши (коммуникатив) қобилияти, изланувчан онги ва анланганлиги (рефлексли) ҳаракатида намоён бўлади.

Фикрлаш техникаси қобилиятларни ривожлантириш, изланувчанлик техникасини эгаллашдан келиб чиқади .

Ҳар қандай педагогик технология ҳам ўқитувчи, ҳам талабадаги фикрлаш техникасини амалга ошириш жарёнида содир бўлади ва ривожланади.

Табиий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг функцияси таълим жараёнининг асосини ташкил этади.

Атрофимизга қарайлик: бизни норози қиладиган ҳамма ҳолатлар бир-биримизни тушунмаслик, бир – биримиз билан келиша олмаслигимиз, ўз фикримизни ўзгалар диққатига етарли даражада асослаб, нуқтаи назаримизни, ҳимоя қила олмаслигимиздан келиб чиқади. Донишмандлардан бири «охирги далил-ўқ» деб бекорга айтмаган. Демак, ўқ отишнинг рақобатдоши - кўпроқ, салмоқлироқ далилларни келтириш экан, яъни фикрлаш экан, у албатта – натижали бўлади.


Педагогик жарёнда коммуникация рўй беради – интеллектуал ва ҳиссий мазмунлар алмашади, яъни педагогик муҳитда қайд этилганидек, тўғри ва тесқари алоқа яъни натижали коммникация содир бўлишини ташкил этиш орқали учун ўқитувчида юқори малака шаклланади.

Рефлексив қобилиятлар ўқитувчининг касбий ёки шахсий сифатларининг иши учун асос бўлиб хизмат қиладди.

Педагогик ижодкорлик ва маҳорат кўпинча ўқитувчининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Бирор янгилик яратишга, ўз ҳаракатларини,


тажрибаларини қайтаришга уриниш, агар шароит ўзгариши, яъни янгилик элементларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, муваффақиятга эришиш мумкин. Бунда ўқитувчига ижодий қобилиятлар зарур бўлади.

Агар таълим субъекти тўғрисидаги бизнинг тасаввуримиз бизни ўраб турган олам яхлитлигига мутаносиб равишда: фикр - сўз – ҳаракат («рух» - «социо» - «био») билан ҳамжиҳат бўлса, бизнинг педагогик жараёндаги вазифамиз – шу яхлитликни таъминлаш учун асос бўлади. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:



Фикр, сўз, ҳаракат мазмунидан ўрин олган қобилиятлар ўзгариши – табиат инъом этган ҳамма нарсани онгимизда ривожлантириши мумкин.

Унутмайлик, педагогик жараёнда айнан методлар – талабаларнинг фаолият йўналишини аниқлайди, ва белгилайди, ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ равишда у ёки бу қобилиятни ривожлантириш учун хизмат қилади. Шу сабабдан ўқув юртини фақат илм олиш маскани эмас, балки машқ майдончаси сифатида ҳам кўриб чиқиш лозим бўлади. Чунки у ерда бўлажак касбий фаолият эгалари ўз қобилиятларини малакали мутахассислар раҳбарлигида ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Бунда метод бошқарувчи ролида бўлади. Қаранг:



Баъзан метод унумдорлиги касбий фаолият унумдорлиги билан алмаштирилади. Айни пайтда, метод танлашда қуйидаги асосий мезонлардан фойдаланилади:

- талабалар қобилиятини ривожлантириш;
- фаолиятнинг касбий воситалар билан мутаносиблигини таъминлаш;
- рефлексия, коммуникация, фикрлаш техникасининг ижтимоий – маданий ўлчовларга мувофиқлаштириш;
- педагогик жараённинг мазмуни ва мақсадларига мутаносибликни таъминлашдан иборат.

Касбий фаолиятда ижтимоий – иқтисодий ўзгаришларга мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлашда ижтимоий буюртма олган замонавий олий таълим тизимининг яхлитлиги биринчи даражали бўлган сифат ўзгаришларини ўз бошидан кечирмоқда.

Назорат саволлари.

1. Педагогикада тарбия бериш усули неча турга бўлинади, таърифлаб беринг.
2. Форобийнинг тарбия усули хақидаги фикри қандай?
3. Касбий фаолият мазмунининг асоси бўлиб нима ҳизмат қилади?
4. Рефлексив қобилиятлар нима учун ҳизмат қилади?
5. Метод танлашда қайси асосий мезонлардан фойдаланилади?

Таянч иборалари

Рефлексия, коммуникация, фикрлаш, метод, қобилият, субъект, информация

20

- МАЪРУЗА.

ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ.

Режа:

1. *Коллежда ўтиладиган дарс - бу педагогик фаолиятнинг асосий негизи.*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001 .
3. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт “Маънавият асослари” дарси асосида ишланган услубий қўлланма. “Абу Али ибн Сино”. Тошкент. 2001. - 80 б.

Жамиятнинг кундан кунга ўзгариши ҳар бир педагогдан ташаббускорлик, фаолият, мустақил фикрлаш, педагогик технологияларни жорий этишни талаб этади.

Коллежда ўтиладиган дарс - бу педагогик фаолиятнинг асосий негизи ҳисобланади. Дарсда ўқитувчи талабага маълум билимни етказди, беради ва ўқитади. Уларга билим беришда ўқитувчи тобора фаолиятини кенгайтириб

боради, билимларини оширади. Ҳозирги пайтда доимий қўлланиладиган методик ишларда ҳам камчиликлар бор. Дарс ўтиш жараёнларида ҳали схоластик элементлар мавжуд. Баъзи ўқитувчилар иқтисодий – ижтимоий, сиёсий ҳаётдаги ўзгаришларни таҳлил қилмайдилар. Улар талабаларни мустақил фикрлашга, турли хил мунозаралар, савол - жавоблар қилишга ва ўқув материални мустақил ўрганишга йўналтиришлари лозим. Ҳар бир янги ғоя ва ўзгаришлар техника ва технологиялар сўнгги ютуқлари ўқув жараёнига татбиқ қилиб бориш керак. Талабаларни ўқув меҳнат фаолиятига қаратишда уларда хурсандчилик, ютуқ, омад туйғуларини туғдириш ёки шакллантириш, олдинга ҳаракатлантириш ва ривожлантириш лозим. Бугунги педагогик ҳамкорлик талабаларни ўқишга жалб қила олишга таянч бўлиши керак. Педагогик ҳамкорликнинг яна бир асосий тамойили талабалардан дарсдаги кўрқувни олиш, уни бамайлихотир, эркин, ўз кучига ишонишдан иборатдир. В. Сухомлинскийнинг сўзлари билан айтганда “қаерда ютуқ бўлса ўша ерда қизиқиш бўлади”. Илғор ўқитувчилар дарс жараёнида шундай усулларни қўллашлари керакки, бунда ҳар бир талаба ўзини шахс деб ҳисоблаши ва ўқитувчининг шахсан унга эътибор қаратиши лозим. Ҳозирги замонавий касб-ҳунар таълим шароитида талабаларни ўқитиш, тарбиялаш, уларни ижодий қобилиятлари ривожлантиришда педагог ва талабалар ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари талаб этилади.

1. Шунинг учун ҳам касб-ҳунар коллежлари махсус фан ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши ва ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши керак. Коллежда дарсни яхши ўтиши учун ўқитувчидан биринчи навбатда ғоявий, амалий ва касбий тайёргарлик талаб этилади. Дарсга тайёрланиш учун ўқитувчи доимо шу фаннинг педагогик, психологик ва методик характерда бўлган янгиликлари билан танишиб бориши керак. Шу билан бирга у яна илмий-услубий журналлар ва газеталарни ўқиши керак.

Дарснинг мазмуни, тизими ва ўқитиш методларининг танлашда касб-ҳунар коллеж талабаларининг ёш хусусиятлари ҳам эътиборга олинади. Ўқитувчиларни хилма-хил фаолият турларига жалб этиш, кўрғазмаликдан кенг фойдаланиш, ўйин элементларини киритиш, янги материални ўрганиш ва ўтилганларни

мустаҳкамлаш учун оптимал меъёрни аниқлаш, буларнинг барчаси мазмуни ва тузилишига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўқитувчининг вазифаларидан бири ўқув жараёнини бошқариш ҳамда дарсда таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган қулай муҳитни яратишдир. Барча дидактик талаблар тўлиқ даражада яхши натижалар беради. Касб-ҳунар коллежларида дидактик вазифаси ва тузилмасига кўра дарслар қуйидаги типларга бўлинади:

1. Комбинацион дарслар;
2. Янги материални ўрганиш дарслари;
3. Билим, кўникма, малакаларни мустаҳкамлаш дарслари;
4. Машқлар ва амалий ишлар дарси;
5. Умумлаштирувчи такрорлаш дарслари;
6. Лаборатория дарслари;
7. Талабалар билимини назорат қилиш, текшириш ва баҳолаш дарслари ва бошқалар.

Ҳозирги даврда касб-ҳунар коллеж ўқитувчиларидан техника ва технологияларининг кун сайин ўзгараётганлиги, иш шароитларининг ҳам ўзгараётганлиги, янги адабиётнинг пайдо бўлаётганлиги, ўқув режалари дастурларига тузатишлар киритилаётганлиги, ўқитишнинг шакл ва методларини такомиллаштиришни талаб қилади. Аммо ўқитувчининг ҳар бир алоҳида дарсга тайёрланиши унинг ўқув ишига тайёрланиш фаолиятининг бир қисми холос. Бу:

1. Ўқитувчининг ўз предмети бўйича бутун курс юзасидан тайёрланиши.
2. Ўқув дастурининг ҳар бир мавзусига тайёрланиши.
3. Ҳар бир дарсга тайёрланишни ўз ичига олади.

Бутун курс юзасидан тайёргарлик янги илмий ишлар, янги методик материаллар билан танишишни, дастур ва дарсликларни ўрганишни, ва бошқа ишчи ҳужжатлар тузишни назарда тутати. Ҳар бир мавзуга тайёрланиш ўқитувчини яна дастурга, мавзу юзасидан қўшимча материалларга, ҳар бир мавзунинг асосий масалаларини аниқлашга, ўқитиш методларини танлашга ва

керакли методик воситаларни кўргазмали қуроллар, жиҳозлар, ускуна, асбоблар ва ҳоказоларни тайёрлашга мажбур этади.

Бундай дидактик мақсадлар изчиллигини аниқлаш, мазмундаги етакчи ғояларни, фаолиятининг асосий турларини ажратиш предметлараро алоқаларни ажратиб олиш, натижаларини таҳлил қилиш имконини беради. Ҳар бир алоҳида дарсга тайёрланишга ўқитувчи қуйидаги ишларни амалга оширади; мавзунини аниқлайди ва дарс вазифаларини конкретлаштиради; ўқув материалининг мазмунини ажратади ва уни дидактик жиҳатдан ишлаб чиқади. Етакчи ғоя, тушунча, қонуният, амалий маълумотларни ажратади; илгари ўрганилган мавзу билан боғланишни, мазмунан жойлаштириш, мантиқан назарда тутати; талабаларнинг ўқув билиш фаолиятлари, характерини аниқлайди, яъни қандай кўникма ва малакалар шаклланиши, изланиш фаолиятини, мустақил иш ва ўқитувчининг роли ўртасидаги нисбат қандай бўлишни ўйлаб қўяди. Шу шаклларни ишлаб чиқади, дарс қисмларини ажратади; ўқитиш методлари: масала, машқ, муаммоли саволлар, топшириқ дастурлаштириш элементларини танлайди ва аниқлайди. Ўқитишнинг техник воситаларини танлайди ва текширади; бутун дарс жараёнини режалаштиради. Дарс режасида, одатда сана ва дарс номери, унинг мавзуси, вазифалари мазмунининг асосий масалалари, ўқитувчи ва талабанинг фаолият турлари, ўқитиш методлари ва воситалари, сўраладиган талабанинг фамилияси, индивидуал топшириқлар, уйга вазифа кўрсатилади. Аммо дарс режаларининг тузилмаси ва ҳажми ўқитувчининг малакаси ҳамда тажрибасидан келиб чиқиб тузилиши керак. Яхши тайёрланган дарсни яна уюшган ҳолда аниқ ва самарали ўтказиш билиш ҳам керак. Бунда қуйидаги қонунларга амал қилиши лозим:

1) Дарсни аниқ ва уюшган ҳолда бошлаш, бунинг учун эса дарсга ҳамма нарсани олдиндан тайёрланган бўлиши керак.

2) Талабалар эътиборини дарс мазмунига қарата билиш ва уни бутун дарс давомида талабаларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштириб сақлай билиш, дарсга қизиқишни қўллаб-қувватлаш, талабалар олдида муаммоли саволлар

қўйиш, уларни доимо жавоб беришга тайёр ҳолда сақлаш, дарсдаги ишларни хилма-хиллаш, ҳаммани кўриб, ҳамма нарсани сўраб туриш.

3) Дарсда вақтдан оқилона фойдаланиш: ўқув жиҳозларини олдиндан тайёрлаш, уларни тўғри жойлаштириш, топшириқларни бажарилишига эришиш, талабалар эътиборини чалғитувчи сабабларга йўл қўймаслик.

4) Ўз ҳатти-ҳаракатини кузатиш: ғоявий эътиқод, юксак ахлоқийлик ва маданият, гапириш ва талаб қилиш, рағбатлантириш, талабаларга мурожаат қилиш услуби – буларнинг барчаси ўқитувчи фаолиятининг услубини белгилайди ҳамда талабаларнинг зўр бериб ишлаши ёки ўта эмоционал қўзғалувчанлигини истисно қилади.

5) Дарсда тадбиркорликни намойиш қилиш, юзага келган шароитни ёки дарсни ўтказиш шароитларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш керак.

Замонавий дарс талабалар фаолиятини фаоллаштириш, ажратиладиган вақтни қисқартириш, билимларни назорат қилиш ва мустаҳкамлаш функцияларини бирлаштириш, мустақил иш, ижодий характердаги топшириқлар ҳажмини ошириш, муаммоли изланиш методларидан, ўқитишнинг техник воситалари ва дастурлаштириш элементларидан оқилона фойдаланиш йўлидан такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги пайт дарс ўқув жараёнини ташкил қилишнинг асосий шакли, бўлсада касб-ҳунар коллежида лаборатория машғулотлари, семинарлар, уй вазифалари, қўшимча машғулотлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш таълими самарали методларидан фойдаланишни ҳамда уларни ривожлантиришни талаб этади.

Назорат саволлари.

1. Коллежда ўтиладиган дарс методи қандай?
2. Касб-ҳунар коллежларида дидактик вазифаси ва тузилмасига кўра дарслар қандай типларга бўлинади?
3. Дарсни аниқ ва самарали утиш учун қандай қонунларга амал қилиш лозим?

Таянч иборалари

Техник восита, дастурлаштирилган, ғоя, тушунча, қонуният, кўргазмали қуроллар, жиҳозлар, ускуна, асбоб, комбинацион дарслар.

21

- МАЪРУЗА.

ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ УСТАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Режа:

1. *Замонавий таълим*
2. *Ижтимоий-психологик компонент*
3. *Тарбиявий фаолият*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.
3. Д.Х.Бафоев, Л.П.Узокова, М.Ахмеджанов. Замонавий ишлаб чиқариш таълими устаси фаолияти тўғрисида. Таълим технологиялари илмий-услубий журнал. №2. Т. 2005. 13 б.

Замонавий таълим тўғрисида сўз юритганда, муайян мутахассисни тайёрлашда таълим ва тарбия беришни асосий қонуниятлари амалга оширилиши шарт. Бундай қонуниятлардан бири “Педагог-ўқитувчи” муносабатини эркинлаштириш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш таълими устаси касби – педагогик фаолиятининг хусусияти шундаки, у худди икки тарафлама меҳнат предметиға эгадир. Бир томондан унинг асосий вазифасини инсонлар билан ўзаро муносабат ташкил қилса, иккинчи томондан маълум бир касб соҳада махсус билим, кўникма ва маҳоратға эга бўлишни талаб қилади. Ишлаб чиқариш таълими устаси учун бу маълум бир касб фаолият бўйича билим ва маҳоратидир.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш таълим устаси талабаларнинг меҳнат фаолиятини ривожлантириш билан бир қаторда уларнинг ёш хусусиятларини

этиборга олиши керак. Бу касб тарбияшунослик ва махсус соҳа бўйича тайёргарликни талаб этади. Демак, ишлаб чиқариш таълими устаси хушмуомала бўлиши, шунингдек маълум шахсий ижтимоий-психологик хусусиятларга эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш таълими устаси касбининг ўзига хослиги унинг ижтимоий, жамоавий ва ижодий тавсифидан иборатдир.

Касб-хунар коллежларида ишлаб чиқариш таълими усталари ишининг таҳлили шуни кўрсатдики, бугун у Давлат таълим стандартида белгиланган тайёргарлик бўйича билим, кўникма ва малакалар билан бир қаторда тарбиявий, ташкилий, бошқарувчанлик, ўқув услубий ишларни бажариш каби маҳоратга ҳам эга бўлиши керак.

Бу ерда бўлажак ишлаб чиқариш таълими устасининг тарбиявий иш бўйича кўникма ва маҳорати, касб-хунар коллежида фаолияти жараёнида шаклланиши керак. Айнан уста талабаларда касб маданияти бўйича дунёқараш, одоб-ахлоқнинг шаклланиши бўйича бош вазифани ҳал қилади. Бу функцияларни бажариш учун устанинг ўзи мос равишда тайёргарликка эга бўлиши керак.

Таъкидлаб ўтганимиздек, ишлаб чиқариш таълими устасининг касб фаолияти авваломбор талабалар билан боғлиқдир. Бу ўзаро ҳаракат, яъни “Педагог-ўқитувчи” тарбиявий муносабатлари доирасида амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш таълими устаси ва талабалар ўртасидаги ўзаро муносабатига шунингдек, икки тарафлама ёндашиш керак. Биринчидан, касб таълими мазмуни бўйича уста у ёки бу махсус соҳада маълум билим, кўникма ва маҳоратларнинг ташувчиси ҳисобланади, бироқ шу вақтнинг ўзида талабалар билан ўзаро ҳаракатда бўлиб, у бурч, виждон, адолат ташувчи шахс сифатида хизмат қилади.

“Уста-талаба” тизимидаги ўзаро муносабатлар муҳим педагогик шартлардан бири бўлиб, бўлажак кичик мутахассисларни тарбиялашнинг асоси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш таълими устасининг тарбиявий ишлар соҳасидаги билим ва маҳорат даражаси фақат уларнинг педагогика, психология, ишлаб чиқариш таълими услуби бўйича саволларга берган жавоби бўйича баҳоланади. Кўриниб

турибдики, бу ерда ишлаб чиқариш таълими устаси фаолиятида тарбиявий йўналиш инobatга олинмаган ва ўқув режасида ҳам бундай фан йўқ.

Назарий жиҳатдан у ёки бу фаолият тайёргарлигини баҳолаш қуйидаги компонентлар асосида амалга оширилади. Булар мотивацияли йўналтирувчи ижтимоий-психологик ва жараёнли компонентлардан иборат.

Ишлаб чиқариш таълими устасининг мотивацияли компоненти тарбиявий ишга ижобий муносабатни, таркиб топшириш, ривожлантириш ва бошқаларни ўз ичига олади. “Тарбиявий ишда мотивация” деганда тарбиявий фаолият мазмунини, йўналтирилганлиги ва тавсифини аниқловчи мотивациялар, тўплами тушунилади.

Тарбиявий фаолиятнинг ташқи мотивациялари мавжуд бўлиб, уларга таълим муассасасидаги ишнинг устуворлиги, педагог сифатида шахсий ва касбий ўсиш имконияти, тарбиявий мотивацияларга ишлаб чиқариш таълими устаси фаолиятининг жараёни ва натижасини киритиш мумкин. Шунингдек, мотивация сифатида ва бошқарув мотивация ҳам мавжуд бўлиб, булар ишлаб чиқариш таълими устаси ва талаба ўртасидаги ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатида юзага чиқади.

Устанинг етакчи тарбиявий мотивация бўлиб, талаба шахсининг бўлажак малакали кичик мутахассис сифатида шаклланишига ғамхўрлик қилиш ҳисобланади.

Тарбиявий ишга тайёргарликнинг йўналтирувчи компоненти ишлаб чиқариш таълими устасининг касб фаолияти хусусиятлари ва шароитлари тўғрисидаги билим ва тасаввурларини ўз ичига олади ва қизиқиш, ёндашувчанлик, дунёқараш, ишонч ҳосил қилиш, кўзланган мақсад орқали касбий йўналтирилганлигини ифодалайди.

Қизиқиши асосан йўналтирилганликнинг биринчи шакли ҳисобланиб, ўрта мактабда шаклланишни бошлайди. Тарбиявий ишга қизиқиш бир қанча талабларга эга бўлиб, инсонларнинг ўзаро таъсир билан боғлиқдир. Қизиқиш шунингдек тарбия соҳасидаги маълум билимларга бўлган талабни ҳам

ифодалайди. Мактабда олинган билим тарбиявий ишга бўлган қизиқишга асос бўлиши мумкин.

Қизиқиш меҳнат фаолияти сифатида талабаларни маълум йўналишда ҳаракатланишларига мажбур қилади.

Тарбиявий ишга бўлган қизиқиш “Билимга чанқоқлик” ни келтириб чиқарса, ёндашувчанлик- “Фаолиятга чанқоқлик” ни юзага келтиради. Ёндашувчанликни бўлажак ишлаб чиқариш таълими устасининг ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида доимо ривожлантириб бориш зарур.

Маълумки, дунёқараш дунё ҳақидаги унинг қонуниятлари ҳақидаги, инсонни ўраб турган мавжудотлар, табиат ва жамият ҳақидаги қарашлар ва тасаввурлар тизимини билдиради.

Тарбиявий фаолиятга нисбатан касбий дунёқараш, қизиқиш ва ёндашувчанликдан фарқли равишда тарбиявий иш ҳақида тўлиқроқ интеграцияланган тасаввурни беради.

Касбий дунёқараш, фикрлаш ва ирода билан бирга аста-секин шаклланиб ва ривожланиб боради. Тарбиявий ишда касбий дунёқарашни шакллантириш-ишлаб чиқариш таълими устасини тайёрлашдаги бош вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий-психологик компонент – ишлаб чиқариш таълими устасининг талабалар билан муомала ва ўзаро ҳамкорлик қилишдаги адекват фаолиятини таъминлайди.

Жараёнли компонент ишлаб чиқариш таълими устасининг тарбиявий услуб ва усуллари эгаллашида, уларни бажариш учун бўлган билим, кўникма ва маҳоратни синтез қилишда ифодаланади.

Тарбиявий фаолият – дарсдан ташқари ишларни, ишлаб чиқариш таълими машғулотларидаги тарбиявий ёндашувлари, талабалар билан фаол ишлашни, гуруҳий ишларни шакллантиришни, психолого-педагогик ташхис ўтказишни, талабалардан шахс сифатида шаклланишини, ота-оналар билан ишлашни ўз ичига олиши мумкин.

Демак, ишлаб чиқариш таълими устаси педагогик каби бўлиб, унинг вазифаси бўлажак кичик мутахассисни шахсини тарбиялаш ва шакллантиришдан иборатдир.

Назорат саволлари.

1. “Тарбиявий ишда мотивация» деганда нимани тушунаси?
2. Тарбиявий фаолият уз ичига нималарни олади?
3. Ижтимоий-психологик компонент кандай фаолиятни таъминлайди?

Таянч иборалари

Жараён, компонент, куникма, махорат, муомала, фикрлаш, дунёкараш, фаолият, мотивация

22

- МАЪРУЗА.

ТАЛАБАЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ.

Режа:

1. *Касбни тўғри танлаш*
2. *Меҳнат предмети бўйича касбларнинг таснифлари*
3. *Меҳнат қуроллари бўйича касбларнинг турлари*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.

Мустақил республикамизнинг буюк келажагини яратишда ёш авлодни фаол қатнашишга жалб этиш бевосита касбга йўналтириш иши билан боғлиқ.

Ёшларни касбга йўналтириш муаммоси билан педагоглар, психологлар, врачлар, иқтисодчилар, социологлар каби бошқа соҳаларда фаолият кўрсатувчи мутахассислар шуғулланади. Бу муаммо устида кўп соҳа мутахассисларининг шуғулланиши уни мажмуавий ҳал этилишига шароит яратади. Ёшларда фан-техника, технология асослари ҳақида мукамал билим, касбий иш-ҳаракат усуллари шакллантириш, улар томонидан онглилик, мустақиллик,

ишбилармонлик, ижодкорлик каби қобилиятларни ўз мулкига айлантиришига эришиш узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларини муҳри вазифасидир.

Касбни тўғри танлаш-инсон ҳаёт-фаолиятидаги муҳим иш бўлиб, у ҳар бир шахсининг қизиқиши, майли, имкониятларига мос келиши зарур. Мутахассис ўзи бажараётган ишга ижодий ёндошиб, меҳнат унумдорлигини ошириб борса, фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини тушунса, касбий маҳорати даражасини ошира борсагина меҳнатдан қониқиш ҳосил қилади. Ёшларнинг касб танлаши онгли зарурият ва айна пайтда жамият манфаатларига муштарак бўлиши уларнинг камолот йўлидаги шахсий муддаоларини қондириши лозим. Касбга йўналтириш ишида иқтисодий муаммолар муҳим аҳамият касб этади. Касбга йўналтиришда бир томондан -турли касблар ва ихтисосликларнинг мавжудлиги, иккинчи томондан-шахсларнинг қатор хусусиятлари билан фарқланиши ўзига ҳос муаммоли вазиятлари вужудга келтиради. Умуман илк касбга йўналтириш ишлари оиладан бошланиб, атроф-муҳит, ота-она, катталар, қўни-қўшни, маҳалладошлар қабилар ҳам унга маълум таъсирини кўрсатади.

Касб-хунар танлашда ҳар бир шахс аввало нимани билиши, хоҳлашини, қўлидан нима келишини, яъни нимани уддалай билишини ва жамият учун нима қилиши кераклигини билиши зарур. Бу ҳолатни мантиқан қуйидагича ифодалаш мумкин. Керак-хоҳлайман, биламан-уддалайман.

Билим-шахс ривожланиши жараёнида эгалланган ахборотлар мажмуидир. Билим эгаллаш манбалари: узлуксиз таълим тизими, оммавий ахборот воситалари, жамият (оила, маҳалла, танишлар, қариндош уруғ), ҳаёт фаолияти қабилар.

Мойиллик – маълум бир фаолият билан шуғулланишга ундовчи омил.

Қизиқиш – у ёки бу объектлар билан яқиндан танишиш, уни билишга, ўрганишга бўлган интилиш. Инсонларнинг қизиқиши қуйидаги соҳаларга бўлиниши мумкинлигини фанда исботланган: инсонларга, техника, табиатга, белгиларга, бадиий образлар.

Лаёқат – шахснинг табиий туғма хусусиятлари бўлиб, у ҳаёт ва тажриба давомида ривожланиб, қобилият сифатида фаолият давомида намоён бўлади. Қобилият умумий ва махсус бўлиши мумкин.

Жамиятнинг касб-хунар соҳибларига бўлган эҳтиёжлари: танланган касбнинг меҳнат мазмуни ва истиқболлари ҳақидаги билимларни эгаллаш; танланган касбга ўзининг мослигини ва шу йўналишдаги ўқув юртида ўқий олиш имкониятларини англаб етиш; танланган касбнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тушуниш кабиларни белгилайди.



МЕҲНАТ ПРЕДМЕТИ БЎЙИЧА КАСБЛАРНИНГ ТАСНИФЛАРИ


Он-ика	Он-ат	Он-он	Он-белгилар ми	Он-бадий излар
ник тизимлар билан осабатда бўлиш б этиладиган нат фаолият: обсоз-чилангар, р, радио-техник, мобилларни овчи, таъмирловчи нгар ва шу кабилар	нат билан осабатда бўлиш б этиладиган нат фаолияти: кон-фермер, аричи, чорвадор, техник ва шу лар	онлар билан осабатда бўлиш б этиладиган ият: биячи, увчи, тўғарак ари ва шу лар.	илар тизими муносабатда ш талаб адиган фаолият: ф терувчи, офсет а босувчи, ва шу лар.	ом, кулол, гадўз, дизайнер халовчи ва шу лар.

МЕҲНАТ ҚУРОЛЛАРИ БЎЙИЧА КАСБЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

меҳнати билан	анизм ва	матик қурилмаларни	сус қобилиятлари
ик: бсоз-чилангар, мобилларни ирловчи чилангар, чи, сувоқчи вашу лар	иналарни атиш билан ик: р, фрезоловчи, овчи, комбайнчи у кабилар	атиш билан боғлиқ: турли станоклар атори, назорат-ўлчаш налари ва автоматик лмаларни таъмирловчи нгар	а солиш билан ик: акор, рассом, л, дизайнер, қачи, бадий сўз си ва шу кабилар.

МЕҲНАТ ШАРОИТИ БЎЙИЧА КАСБЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

навий жавобгарлиги	а хос шароитга эга: Ер	ший хизмат билан	қ ҳаводаги
ри даражада бўлган: оат тартибини сақлаш, ат ва Ватан ҳимояси, нат кўрсатиш, шахс ияси билан боғлиқ ият.	ув остида, юқори ҳарорат да, шовқин тебраниш, нам ёки қуруқ шароитда ият кўрсатиш кабилар н боғлиқ денгизчи, о ҳайдовчиси, учувчи, вчи ва шу кабилар.	ик шарт- итлар: ратор-дастурчи, скорлик рақс раси, табиатшунос у кабилар.	нат шароити: кон-фермер, он, ГАИ ходими у кабилар.



Назорат саволлари.

1. Ёшларни касбга йўналтириш муаммоси билан кимлар шугулланади?
2. Касбни тўғри танлаш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?
3. Мойиллик деганда нимани тушунасиш?

Таянч иборалари

Ихтиро, ўймакор, каштачи, музейшунос, дастурчи, ҳаваскорлик, токар, фрезоловчи, сувоқчи, каштадўз, дизайнер, лаёқат, мойиллик.

23

- МАЪРУЗА.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ.

Режа:

1. *Илмий-услубий ишларнинг вазифалари.*
2. *Жамоавий услубий иш шакллари.*
3. *Касб-ҳунар коллежи жамоаси услубий ишларининг мавзулари.*

Адабиётлар:

1. К.Т.Олимов, О.А.Абдукуддусов, Л.П.Узокова, М.М.Ахмеджонов, Д.Ф.Жалолова. Касб таълими услубиёти. Тошкент, 2006.
2. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.

Касб-ҳунар коллежларида илмий-услубий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун коллеж раҳбари айни вақтда ҳам яхши педагогик, ҳам касб-ҳунар сирларини яхши биладиган мутахассис бўлиши керак. У мустақил равишда билим олиш ва малака ошириш курслари орқали илмий-услубий ишларнинг мазмуни ҳамда уларни ташкил этишга оид масалаларни ўрганиб бориши керак.

Касб-ҳунар коллежларида ташкил этиладиган илмий-услубий ишларнинг вазифалари сирасига қуйидагилар киради:

- касб-ҳунар коллежи педагог ва техник ходимларининг илмий-ғоявий савиясини, педагогик маҳоратини ошириш;
- талабаларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш мазмуни, шакл, метод ва воситаларини такомиллаштириш;

- таълим, тарбия ва ривожлантириш мақсадларининг бирлиги, умумилмий, умумкасбий ва махсус тайёргарликнинг узвийлигини таъминлаш;
- илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини, фан ва техника ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда таълим-тарбия жараёнига жорий этишдан иборат.

Илмий-услубий ишларда иштирок этиш касб-хунар коллежларидаги барча раҳбарлар, ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар учун мажбурий бўлиб, уларнинг педагогик фаолиятини ажралмас қисми ҳисобланади.

Касб-хунар коллежларида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва уларга раҳбарлик қилишга ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими олдида турган вазифалардан келиб чиқадиган қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

1. Ғоявий йўналганлик;
2. Илмийлик;
3. Аниқ бир мақсадга қаратилганлик ва тизимлилик;
4. Ижодий йўналганлик;
5. Таъсирчанлик ва жозибадорлик.

Касб-хунар коллежларидаги методик ишларнинг мазмуни, йўналиши, тузилмаси кабилар методик иш ҳақидаги Низом билан белгиланади. Шу низомга мувофиқ жамоавий ва индивидуал услубий ишлар олиб борилади.

Қуйидагилар жамоавий услубий иш шакллари сирасига киради:

- педагогик кенгаш;
- услубий комиссиялар;
- илғор тажриба мактаби, муаммоли семинарлар, илмий-услубий конференциялар, педагогик ўқиш ва турли услубий кенгашлар.

Индивидуал услубий иш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- касб-хунар коллежлари раҳбарлари, ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар ва бошқа муҳандис-техник ходимларнинг ўз ғоявий-сиёсий даражаси,

педагогик малакаси ва касбий маҳоратини ошириш юзасидан олиб бориладиган мустақил услубий ишлари;

- коллеж раҳбари (директор), унинг ўринбосарлари, катта уста, ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар ва бошқа муҳандис-техник ходимлар билан олиб борадиган индивидуал услубий ишлари.

Услубий ишлар шакли ва мазмуни бўйича ҳам педагогик ходимларнинг турли гуруҳларини қамраб олиш бўйича ҳам мувофиқлаштирилган тақдирдагина юқори самарадорликка эришиш мумкин. Касб-ҳунар коллежида услубий ишларни умумий мавзу асосида ташкил этиш тажрибаси бундай мувофиқлаштириш усулларида биридир. Услубий ишни бундай ташкил этишнинг моҳияти шундан иборатки, касб-ҳунар коллежи маълум бир вақтга мўлжалланган умумий мавзунини тадқиқ этади. Бунинг натижасида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга муайян ҳисса қўшади, турли тоифадаги педагогик ходимларнинг тайёргарлик даражаси ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг педагогик маҳоратини ошириш вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга имкон беради.

Ушбу мавзу касб-ҳунар коллежи ишининг муайян босқичида унинг учун долзарб бўлиши: касбий таълимга оид аввалги тажрибаларга боғлиқ ва уларнинг узвий давоми бўлиши; таълим-тарбия назарияси ва методикасига янгилик киритилиши; далилий материаллар билан бойитиши, умуман таълим-тарбия жараёнини сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиш керак. Бундай мавзуларга қуйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин.

- Талабаларда диалектик дунёқарашни таркиб топтириш;
- Таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллиги ва мустақиллигини таркиб топтириш;
- Таълим-тарбия жараёнини мақбуллаштириш;
- Таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг бирлигини таъминлаш;
- Предметлараро алоқадорликни таъминлаш;
- Таълим ва тарбия жараёнини индивидуаллаштириш;

- Таҳсил олувчиларда меҳнатга ва жамоат мулкига онгли муносабатни таркиб топтириш;
- Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш талаблари асосида касбий тайёргарликни такомиллаштириш;
- Фанлар ва касбларнинг мажмуавий услубий таъминланиши;
- Дарснинг самарадорлигини ошириш йўллари;
- Янги педагогик технологияларини жорий этиш;
- Таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш.

Услубий иш касб-ҳунар коллежининг истиқбол ва жорий иш режаларида мустақил бўлим сифатида режалаштирилиши керак. Мустақил ишларнинг ташкил этилиши ва самарадорлигини текшириш масалалари касб-ҳунар коллежларининг ички назорат режаларида ўз аксини топади. Услубий ишларни режалаштиришда қуйидаги талабларга асосланиш мақсадга мувофиқдир.

- келажакдаги ривожланишни кўзда тутиш (бажариш муддатлари ва вазифалари бўйича);
- режаларни таълим-тарбия ва услубий ишнинг аҳволи ва натижаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқиш;
- режаларнинг ижодий характери, яъни уларни бажаришда иштирок этувчи ходимларнинг ташаббуси ва ижодкорлигини намойиш этилишга зарур имконият яратиш;
- услубий ишларнинг жамоавий ва индивидуал шакллари уйғун қўшиб олиб бориш;
- тезкор текшириш мумкинлиги (ёзувлар ва бажариш муддатларининг аниқлиги ижрочиларнинг кўрсатилиши).

Услубий иш шакллари ва мақсадларининг ранг-баранглиги, унинг турли гуруҳ ва тоифадаги педагогларни ўзига жалб этилишини ҳисобга олиб, тадбирларни мазмуни ва ўтказиш муддатларини мувофиқлаштириш, бир ишнинг такрорланишини бартараф этиш, унинг самарадорлигини ошириш учун педагогик амалиётда узоқ вақтлардан бери «Услубий ишларнинг умумий режаси» тузилади.

Бу иш педагогик тажрибада ўзини оқлади.бундай режада касб-хунар коллежидаги барча услубий ишлар тизими тақвим муддатлар ва муҳим тадбирлар бўйича уйғунлаштирилади. қуйида педагогик амалиётда кенг қўламда қўлланилаётган ана шундай режа шаклини келтирамиз.

№ сонли касб-хунар коллежининг 2005/06 ўқув йили учун услубий ишларни умумий режаси.

Касб-хунар коллежи жамоаси услубий ишларининг мавзулари:

	педагог кенгаш	услубий комиссиялар							инструктив-услубий мажлислар	ўқув тажриба мактаби	ўқув амалий конференциялар	ўқув-амалиётлар	педагог ўқишлар	ўқув, саёҳатлар	ўқув тма
		ўқув фанлар ва ишлаб чиқариш	ўқув-мақсбий фанлар	ўқув-имоний фанлар	ўқув-миллий фанлар	ўқув-анғич халқий тайёргарлик ва жисмоний	ўқув-тех мураббийлари	ўқув-биячилар							

Касб-хунар коллежидаги услубий ишларнинг аниқ шакллари коллеж педагогик кенгаши белгилайди. Коллеж раҳбари (директор) услубий ишларга умумий раҳбарлик қилади.

У «Услубий ишнинг режаси»ни тасдиқлайди, педагогик кенгаш ишига раҳбарлик қилади, инструктив-услубий мажлислар ўтказди, ўқитувчи ва муҳандис педагоглар ўтказадиган машғулотларини таҳлил қилади , алоҳида ўқитувчиларнинг услубий ишларига раҳбарлик қилади, ўрта махсус, касб-хунар таълимини юқори органлари олдида ўзи раҳбарлик қилаётган коллеждаги услубий ишларнинг аҳволи тўғрисида ҳисобот беради.

Директорнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосари умуман коллеждаги услубий ишларнинг, шунингдек махсус фанлар туркуми

ўқитувчилари билан олиб бориладиган услубий ишларнинг ташкилотчиси ҳисобланади.

Ижтимоий ўқув предметлари ва тарбиячилар билан олиб бориладиган услубий ишларни директорнинг ўқув-тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари, умумтаълим ўқитувчилари билан олиб бориладиган услубий ишларга эса илмий бўлим мудирини раҳбарлик қилади. Қуйидагилар директор ўринбосарларининг хизмат вазифаларига киради:

- коллеждаги «Услубий иш режаси»ни тузиш;
- услубий комиссия мажлислари, инструктив-услубий кенгашлар ва бошқа шакллари учун ҳафтанинг доимий куни ва ойнанинг доимий ҳафтасини белгилаш;
- очик дарслар ўтказиш, бир-бирининг дарсларига кириш жадвалини ишлаб чиқиш;
- талабалар ва муҳандис-педагоглар билан олиб бориладиган индивидуал услубий ишларни режалаштириш;
- коллеж педагогик кабинети ишини йўлга қўйиш ва услубий комиссиялар раисларига ёрдам бериш;
- ўқитувчилар ва муҳандис-педагогларнинг касбий маҳоратини оширишда уларнинг мустақил ишларига раҳбарлик қилиш;
- таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўзи ўқитадиган ўқув предметининг ўқитиш воситалари билан мажмуавий таъминлаш;
- илғор тажрибалар, замонавий технологиялар, воситаларни ўрганиш ҳамда амалга жорий қилишда ўқитувчиларга яқиндан кўмак бериш;
- коллеждаги услубий ишларнинг бориши ва натижалари ҳақида педагогик кенгашга ҳисобот бериш кабилар.

Назорат саволлари.

1. Илмий-услубий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун нималарга эътибора қаратиш лозим?
2. Илмий-услубий ишларнинг вазифаларига нималар киради?
3. Илмий-услубий ишларнинг асосий талаблари нималардан иборат?
4. Индивидуал услубий иш қандай шаклларда амалга оширилади?

5. Директор ўринбосарларининг хизмат вазифаларига нималар киради?

Таянч иборалари

Жамоа, индивидуал, конференция, мухандис-педагоглар, педагог, низом, диалектик дунёқараш.

Фойдаланилган адабиётлар ва илмий-услубий

ишлар рўйхати:

2. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент., 2000.-245 б.
3. С.Я. Батўшев. Профессиональная педагогика. “Профессиональная образование”. Москва. 1997. 511 с.
4. Олимов Қ.Т., Узоқова Л.П. ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма.- Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
5. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001 .
6. Ulrich Kline. Projekt – und tron sferorientierte Ausbildung – PETRA (Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятга қўллашга қаратилган таълим). Printed in Germany.
7. Frank Vengkefer, Berufliche Bildung und Consulting GmbH, («Касбий педагогика» махсус соҳасининг муҳим масалалар асосида Франк Венгкефернинг концепцияси), D-13189 Berlin, 2002.
8. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт “Маънавият асослари” дарси асосида ишланган услубий қўлланма. “Абу Али ибн Сино”. Тошкент. 2001. - 80 б.
9. Бўри Зиёмуҳаммадов, Шоира Абдуллаева. Педагогика. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2000.- 127 б.
10. А.Нишонов, Б.Хайдаров ва бошқалар. Баҳолаш методлари. Тошкент. Осиё тараққиёт банки. 2003. - 156 б.
11. Н.Х.Авлиёқулов. Замонавий ўқитиш технологиялари. "Муаллиф" 2001.

12. Қ.Т.Олимов Тикувчилик корхоналари жихозлари ва ускуналари. КҲК учун дарслик. Тошкент - "Г.Гулом" - 2002.
13. Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульнўе технологии в профессиональном образовании. Учеб. пособие. Екатеринбург.- 1998.
14. Селевко С.К. Современнўе образовательнўе технологии. М.Изд. Народное образование 1998.
15. Д.Х.Бафоев, Л.П.Узокова, М.Ахмеджанов. Замонавий ишлаб чиқариш таълими устаси фаолияти тўғрисида. Таълим технологиялари илмий-услубий журнал. №2. Т. 2005. 13 б.
16. Олимов Қ.Т., Авлиёкулов Н.Х., Рустамов Р.М. Касбий фанларни ўқитишнинг модул тизими // Касб таълими. – 2003.-№2. – Б.18.
17. Олимов Қ.Т.,Халимов Э.З.,Нигматиллаева З. Касб-хунар таълимида касбий фанлардан ўқув мақсадлари ва мазмунларини белгилаш // Илмий тадқиқотлар ахборотномаси.-2003.-№2.Б. 35-36.
18. Олимов Қ.Т., Назарова Н.Н., Шукурова Б.Т. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари // Таълим муаммоалари.-2003.-№1.- Б. 61-62.
19. Олимов Қ.Т., Узокова Л.П., Жалолова Д.Ф. Касб хунар таълимида амалий кўникмаларни ўрганиш босқичлари. «Касбий таълим муаммоалари» республика илмий-амалий конференцияси материаллари» Самарқанд – 2003 й. 72 б.
20. Олимов Қ.Т., Авлиёкулов Н.Х. Муаммоли ўқитиш технологияси. «Касбий таълим муаммоалари» республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд – 2003 й. 73 б.
21. Олимов Қ.Т., Узокова Л.П., Жалолова Д.Ф. Касбий фанларни ўқитишда қизиқтириш (мотивация) усулини қўллаш. «Касбий таълим муаммоалари» республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд – 2003 й. 75 б.

22. Олимов Қ.Т., Авлиёқулов Н.Х., Рустамов Р. Касбий фанларни ўқитишнинг модул тизими. Касб-хунар таълими илмий-методик журнал. 2003. №2. 18 б.
23. Олимов Қ.Т., Узоқова Л.П., Дубровец Л.В. Касбий фанларни ўқитишнинг умумий таҳлили ва тузилиши. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона-2003. 71 б.
24. Олимов Қ.Т., Узоқова Л.П. Талабалар ҳуқуқини ва билимини баҳолашнинг аҳамияти. Термиз Давлат Университети. Илмий амалий анжумани мақолалар тўплами. Термиз-2003.
25. Олимов Қ.Т., Жалолова Д.Ф. Талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари. Термиз Давлат Университети. Илмий амалий анжумани мақолалар тўплами. Термиз-2003 й.